

**САМАРИДДИН ХАЛИЛОВ**

# **КИШАНГА АЙЛАНГАН БИЛАГУЗУК**

**ТОШКЕНТ – «FAN VA TEXNOLOGIYA» – 2004**

84(55)6-4


Самариддин Ҳалиловнинг ушбу китобида ҳаётда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Қингир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақл бор халқимизда. Ушбу тўпламни ўқисангиз бу ҳикматнинг бежизга айтилмаганига амин бўласиз.

Китобча ёшлиаримизнинг ўз йўлини тўғри танлаб олишида ёрдам бериши шубҳасиз. Жиноят йўлига кириб қолиб, боши деворга урилган кимсалар тақдиридан ҳар бир ўқувчининг ўзи хулоса чиқариб олишига ишончимиз комил.

**Бош маслаҳатчи:** Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковники А. А. Аҳмедбоев

**Маслаҳатчи:** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази бошлиғи, милиция полковники А. Т. Эрназаров

**Тақризчи:** Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Матбуот маркази бошлиғи, милиция подполковники Р. С. Ёлгоров



30434  
29,

## СҮЗ БОШИ

Маълумки, Ички ишлар идоралари ходимлари кунни тунга улаб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш борасида хизмат олиб борадилар. Ушбу машаққатли ва шу билан бирга шарафли касбни танлаган инсонлар бутун фоалияти давомида хавфли жиноятчиларга қарши курашиб, ўз ҳаётларини қил устига қўйиб, хизмат бурчларини адо этадилар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Матбуот маркази инспектори Самариддин Халилов ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг турли кўринишларига қарши курашишларини ҳуқуқий тарбия борасидаги туркум мақолаларида тасвир этган бош қаҳрамонлар бугунги кунда кундалик турмуши мизда адолат тантанасига муносиб улушини қўшиб келаётган осойишталик фидойиларидир.

Айниқса, унинг эл-юрт осойишталиги йўлида, ҳалқимизнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ўз хизмат бурчларини ўташ вақтида мардларча ҳалок бўлган жасур юрт посбонлари ҳақида ёзган хотира туркумидаги портрет-очерклари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос ибрат мактаби бўлишига аминмиз.

Интилевчан ижодкор Самариддин Халиловнинг сара очерк ва мақолалалари жамланган ушбу тўплами Сиз, азиз китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

F. T. ҚОДИРОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи,  
милиция полковниги.

## КИШАНГА АЙЛАНГАН БИЛАГҮЗҮК

Олтин күз сепини ёйган. Богларда ҳазонрезги ҳукмрон. Яқынгинада одамлар билан гавжум хиёбонлар ҳувилаб қолған. Күркаму мұхташам бинолари ўзига ярашған Топкент хаёлта чүмгап мүйсағид мисоли япроқлар рақсини томоша қилаётпандек.

Юнусобод – пойтахтимизнинг энг катта ва күп аҳоли истиқомат қиласын тұмандаридан бири. Бу ерда турлы милиат вакыллари яшайды. Ҳукмингизга ҳавола этиластын воқеа «қаҳрамонлари» ана шу масканни ўзлари үчүн кулагай, осон даромад топиш мүмкін бўлган тұмсындар сирасига киригтан экан.

Ильдар, Феликс, Александр, Азизбек, Темур ва Анвар бошқалар каби ҳалол меңнат қилиб кун кечириш ўрнига, унинг ўзаро тил бириктириб, ўндан ортиқ ўғирлик жиноятыни содир эттән. Булар орасыда Феликс деганлари устаси фарант, ташкилотчи ва раҳнамоси санаған. Александр ва Азизбеклар зес ишончли йигитлар бўлган. Хуллас, улар ўз сафларига Ильдар, Темур ва Азизбекнинг укаси Анварни ҳам қўшиб олишган. Ильдар машинасида гуруҳ аъзоларининг “таҳликали” ва “олис” йўлларини яқин қилишда холис хизмат қилған.

Пухта ўйланған режалар мевасини беравергач, навбатдаги “ов” туман ҳудудидаги Аҳмад Дониш күчасида жойлашған хусусий заргарлик дўкони бўлди.

Янги йилнинг ilk кунлари “Кенгаш”да йигилганлар навбатдаги режани маъқул деб топишгач, “ташкилотчи”дан маҳсус кўрсатма олиб, ишга киришиди. Ильдар машинаси билан келиб, дўкон ёнида шерикларини кутиб турар эди. Бекатда эса, “умидли шогирд” деб номланувчи Анвар ҳар томонга олазарак, чор-агрофни кузатарди. Унинг вазифаси бўлажак ҳавфни сезишиб биланоқ, шерикларини огохлантиришдан иборат эди.

Заргарлик дўконида ўзини харидор кўрсатаётган Александр сотувчиларни чалғитиш билан овора. Темур билан Азизбек эса кўзи ўйнаб турувчи “уддабурон” Феликсга кулагай

вазият яратишиң ҳаракат қыларди. Чунки режани түзгән ҳам, асосий ролни ижро этувчи ҳам Феликснинг ўзи эди. Ва ниҳоят, құлай вазият етиб келтіч, Феликс чаққонлик билан пештахтага құлинни тиқди-ю, тилла буюмға ҹаңг со-либ, жуфтакни ростлаб қолди. Гүё ҳеч нарасадан бехабар шериклари ҳам унинг орқасидан бирин-кетин чиқиб кетишиди. Орадан бир лаңда вакт үттіч, сотувчилардан бири пештахтада турған қимматбақо тилла буюмлар орасыда билакузук йўқлигини сезиб қолиб, “ўғрилар” дея қичқирди. Ўғрилар эса, аллақачон кўздан ғойиб бўлганди. Ниятлари амалга ошган Азиз билан Феликс шерикларига ҳам қарамасдан шопшилганича, келишилган жойга жўналилар. Қолганилар ҳам Ильдарнинг машинасида ўша манзил томэн йўл олдилар. Дўконда бўлса, шовқин-сўрон авжига чиққан. Ўз йўналишларида хизмат бурчини ўтаётган милиция ходимлари ҳамда воқеа жойида тезлик билан ҳозир бўлган Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси тезкор-тергов гуруҳи аъзолари воқеа тафсилотларини аниқлашга киришиб кетди. Бекатда, ўз “постида” ҳамон вазифасини бажараётган Анвар қочиб қолишига улгурга олмади. Уни сотувчилардан бири ўша ўғрилар билан айнан шу бекатда кўрган эди. Тезкор гуруҳ аъзолари дарҳол уни кўлга олдилар.

Бу қингирликлардан кўнгли ғаш, бир кун келиб кўлга тушиши ва тегишли жазо олиши мумкинлигини сезиб юрган Анвар тергов жараёнида ушбу “ўйинлари” бунчалик тез барҳам топади деб ўйламаганини айтди. Дастлабки сўроклардаёқ, бутунги кунга қадар иштирок этган жиноий хатти-ҳаракатлари ва шериклари ҳақида гапириб берди.

Тезкорлик билан ҳаракат қылган милиция ходимлари жиноий гуруҳнинг қолган аъзоларини ҳам “ўлжаларини” пуллаб, фойдани ўзаро бўлишиб оладиган жойларида кўлга олдилар. Дастлаб манзилга таксида слдай учеб келган Феликс ва Азизнинг кўлларига кишан солинди. Осонгина кўлга киригтилган “ўлжадан” олажак улушларини ҳисоб-китоб қилиб, хурсанд бўлиб келаётган Темур ва Александр ҳам ўз оёқлари билан тезкор гуруҳнинг машиналарига чиқишига мажбур бўлдилар.

Ушбу иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш кўзғатилиб, гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Айборлар албатта,

Қонун олдилда жавоб беришди. Уларнинг ҳар бири қилмисига яраша жазо олди. Аммо ачинарлиси шундаки, ҳар бирининг ота-онаси, бола-чақаси, турмуш ўртоғи, жамики қавм-қариндошларнинг боши эгили. Айрилиқ азобига дучор бўлди.

Уларнинг орасида ҳали ҳаётда бирон-бир хайрли иш қилиб улгурмасдан жиноят кўчасига кириб қолган Анварга нима дейсиз. Уни бу йўлга ўз акаси Азиз бошлаганига-чи? Уч фарзанд ва турмуш ўртоғини чирқиратиб қамоқقا тушган бу ноқобил ака, укасини ҳам қинғир йўлга бошлаб, ота-онасининг ҳам қаддини букиб кетди.

Ильдар эса, фарзанди тарбияси билан шугулланиш ўрнига, бугунги қунда содир этган жиноятлари учун ўзи тарбияланишга муҳтож. Александр, Феликс ҳамда Темурлар учун эса, ҳаётнинг унчалик қизиги йўққа ўхшайди. Чунки улар ҳали оила кўрмаган, ҳаётда енгил-елпи сийшга ўрганган. Уларнинг аксарияти муқаддам бир неча бор судланган бўлсаларда, ҳаётда тўғри йўл танлай олмади, хатоларидан хулоса чиқармади. Энди бўлса уларни темир панжара кутмоқда.

## ЎЗ МУЛКИННИНГ ЎФРИЛАРИ ФОЙИБ БЎЛГАН ТАҚИНЧОҚЛАР

Дориҳонадан керакли дори-дармонларни олиб қайтган онаизор эшик олдилда узала тушиб ётган ўғлини кўриб, жони чиқиб кетаёзди. Нима бўлганига ақли етмай, дод солганича кўшниларни ёрдамга чақиради. Бир зумда уларнинг уйига одамлар йиғилди. Кимdir:

- Уйингизни кўздан кечириб чиқинг, босқинчилар келиб, бирон нарсангизни талаб, олиб кетган бўлиши мумкин, – деса, бошқа бирор:
- Балки у қочиб улгурмагандир, – деган фикрни билдириди. Онаизор эса фарзандини соғлигидан бошқа нарсани ўйламасди.

Ойисининг бирор жойга отланишини кутиб юрган Ваҳоб ўша куни қулай фурсат тугилганини англаб етди. Ниҳоят анчадан буён ўйлаб юрган режасини амалга оширишга фурсат етганди. Худди бегона уйга тушган ўғридек, ичкари хонага кириб, жавон ғаладонидаги тилла тақинчоқларни

күйнига урди. Энди уларни ишончли жойга яшириш лозим эди. Күзлари олазарап бўлиб, балконга чиқди, ўлжаларни кўздан яширди. Шундан сўнг «ип»нинг иккинчи қисмига ўтди. Унинг юраги гупиллаб урар, ҳаяжондан қўл-оёқлари титрарди. Нима бўлганда ҳам режасини охиригача етказишни дилига туғиб қўйган Ваҳоб ўзини қўлга олди.

Бир кун аввал ертўладан топиб чиқсан тахта бўлагини кўлига олди-да, тишини-тишига қўйиб, бошига ва юз-кўзларига ура бошлади. Тахтанинг япалоқ томони билан урилган зарбалардан Ваҳобнинг кўнгли тўлмади: на бирон жойи шилинди ва на кўкарди. Йигит киши оғриққа чидаши керак. Пул иштиёқида ўзини ура бошлади. Пешонасини совуқ тер босди, ўзини-ўзи аямасдан савалаётган йигитчанинг юзидан қон томчилай бошлади. Ўзининг журъатидан дадиллашган «ботир» тахтанинг қиррали томони билан билаклари ва елкасини ҳам «безаб» чиқди-ю, йўлакка йиқилди. Худди шунинг устига уйга онаси қайтди.

Воқеа Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзесидаги хона-донлардан бирида юз берди. Шошилинч хабар берилгач, туман ИИБ тезкор-тергов гуруҳи вакиллари етиб келишди. Улар чор-атрофни синчковлик билан текширишди. Бу вақтда «жабрланувчи» ҳам ўзига келиб қолган, бечора онаси эса, унинг атрофида парвона эди.

Бегона уйга бостириб кириб, хонадондаги ёш ўсмирни кўрқитиб ва унга тан жароҳати етказиб, нархи 200.000 сўмлик тилла тақиңчоқларни ўғирлаб кетган номаълум шахснинг кимлигини аниқлаш милиция ходимларининг вазифаси эди. Энг муҳими ҳам жиноятчининг изсиз гойиб бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Уйдаги жиҳозлар ўз ўрнида. Оёқ остида ётган тахтадан бошқа, эътиборни тортувчи белги йўқ. Тезкор-тергов гуруҳи вакили ИИБ Тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Баҳодир Олимжонов «жабрланувчи» дан яна бир бора бўлиб ўтган воқеани батафсил гапириб беришини илтимос қилди. Суҳбат чоғида йигитчанинг ўзини тутиши, гап-сўзлари тажрибали терговчига фалати туюлди. Йигитча бир гапни ёдлаб олгандек қайтарар, айттаётган гапларига ўзи ҳам ишонмасди. «Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди», деган фикрга келди терговчи. Шу дам аъзойи бадани титраб, ўзини беҳол бўлаётганини бошқаларга сездирмасликка

уринайтпан йигитча кўзига ёш олиб, ҳўнграй бошлади. Ўсмирга бошқача муомала қилиб кўриш, уни турли йўллар орқали чалғитиб, асл воқеа тўғрисида сўраш зарур, деб ўйлади Баҳодир Олимжонов.

Терговчининг ўйлари ўз тасдифини топди. Тилидан тутилиб, ёлғони иш бермаган Ваҳобнинг ўлжаларни олиб чиқиб беришдан ўзга чораси қолмади. Уялганиданми ёки "ов"-ининг натижасиз ниҳоя топганиданми, у мулзам бўлганича кўзларини ердан узолмасди.

### ИЖАРАДАГИ "ТИКО"

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига «Тико» русумли автоуловни номаълум шахслар томонидан ўғирланганлиги тўғрисида хабар берилди. Зудлик билан «Тўсиқ» тадбири кўрилиб, бутун пойтахт милицияси оёққа турди. Ходимлар йўллар, хилват кўчаларни кўздан қочирмай, шаҳардан чиқиши мумкин бўлган ҳар бир йўналишни қаттиқ кузатув остига олишиди. Аммо изсиз йўқолган машина тақдирни ҳаммани ўйга толдирди.

Жабрланувчининг хонадонига етиб келган тезкор-тергов гуруҳ вакиллари калаванинг учини қаердан қидиришни билмасди. Бугун бошли машинанинг фойиб бўлганини ғалати. Нима бўлгинда ҳам бир чора тоиниши керак-ку.

Воқеа содир бўлгунга қадар машинани бошқариб келган Назир уйининг бир бурчагида хаёлга чўмганича хомуш ўгирад, гоҳ-гоҳида милиция ходимларининг ёнига келиб, нима қилиб бўлсаям ёрдам беришларини сўрарди.

Ноҳуш хабарни эшитгани ҳамоно қон босими кўтарилиб кетган ота ўзини қўйгани жой тополмасди. Вазият эса ғоят чигал. Жабрланувчининг берган кўрсатмасига кўра, шошилинг қидирив чораларигинг дастлабки босқичи натижасиз тугади. Энди нима қилиш керак? На бир ашёвий далил, на бир из қолтан.

Юз берган воқеадан кейин, ўзини анча босиб, хотиржам торитган хонадон соҳибига саволлар беришли. Яқиндагина қарз-қавола қилиб сотиб олган «Тико» автомобилини ўғлига ижрага берганди. Назир отасига ҳар куни ўн минг сўм пул бериб туриши лозим эди.

Бундай воқеаларни күп боры күриб күзи шишиб кеттап милиция ходимлари Назирдан воқеа қандай юз берінини сұрапады. Қисқаныңа кечкен сұхбат өткілде тәжкор-тергов тұрух вакыты, Собир Раҳимов тұмани Ичкі ишлар бөшіктермен тегров бүліми тегровчесі, милиция катта деңгелешті Улугбек Азимов «жабраланувчи» шине күнделіктен кечастап түр-әнни анылаб етди. «Тико» русланды автоудор түгрисіда бор ҳақиқитті билиб олды.

Ажабки, әртападан кечігана киракашлық қылтиб, күн-далик режани бажарып да уйдан тапқары үз ойласы үчүн ҳам ризқ тошишнинг үздасидан чықолмаган ҳайларчы ма-шинашын гүмден қилиша белгө болған әкап. Үз отасини ал-даб зыммасига олдан бурчи, машиналан биратұла қутыл-моқчи бүлшап подон ўғыл қылмынни үчүн қонун олдидә жа-воб бередігандай бүлді.

## ҚИММАТТА ТҮНГІАН ҲАЗИЛ

Күйлиқ бозорига харыл үчүн келген Толибжон дүсти Шомурод биләп бир яйраб ўтIRMоқчи бўлди. Шишамтина онҳонада икки дүстининг сұхбаты қызығандаш-қизиди.

Хар иккисининг кайфият, кайфияти ҳам яхши эди. Күн-та чиқиб, машиналар күйиладиган майдонда томон юрдилар. Аммо ҳозиргина қантарыб күйтган «тушор» жойыда пүк эди. Қутылмаған воқеалар үлғаштарниң кайғы учыб кетди. Чор-атрофий зир югириб изладилар. Йуқ, машина гүмден бўлгпи. Шу найт улардан бирининг миссига «айрилиқ азаматга тўйиб ичини керак» деган фикр келди. Иккөюн орттарига қайтиб, онҳона хизматчиларига бир шина ароқ билав овқат олиб келинепарипи буюрипиди. Мижозларниң итимоси бир зум-да бажо этилди. Дастанлар қадаҳни күндердан Шомурод газак қылышни ҳам унугиб, тұсадан хохолдаб кула бошлалы. То-либжон ҳайроц, наҳотки, дүстим аҳволимдан қуонаёттан бўлса? Мен ўламан деялману, бу...

— Ҳа, пимадан хурсандсан? Манта ҳам айт, — жаҳти чиқыл Толибжонниң.

— Әй оғайни, ҳалиям әсламадынгми? Ахир машинашни ҳар доимғы стоянкага әмис, бугун башқа жойта күйтган элик-ку...

Шу заҳоти Толибжоннинг ҳам юзларига табассум ёйилди. Сармаст жўраларнинг хурсандчилиги беқиёс эди.

— Калламга зўр хаёл келди. Шу баҳонада бир ҳазил қилмаймиз-ми? Шомурод жилмайтанича шеригига нималарни дир тушунтира бошлади.

Шундан сўнг улар охирги қадаҳни уриштириб ичгач, яқиндаги телефон автоматидан «02»га қўнғироқ қилиб, машиналари йўқолганлиги ҳақида хабар бердилар.

Кўз очиб юмгунча воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари вазиятни ўрганишга киришдилар. Тезкор-тергов гуруҳ вакиллари жиноятчилар изини топиш чорасини излардилар. Аммо ишга алоқадор далиллар кўзга ташланмасди. Жабрланувчилар берган кўрсатмалар ҳам тажрибали милиция ходимларида шубҳа ўйғотди. Шу боис ҳам улар билан қайта-қайта сұхбат ўтказиши.

Ниҳоят, жумбоқнинг ечими шу ернинг ўзидан топилди. Тергов ходимларининг илмоқли саволлари қаршисида икки «жабрланувчи» довдираб қолди ва бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўлдилар.

Дунёнинг ишлари қизиқ. Одамлар ўз ҳаётларида турфа хил воқеа-ҳодисаларни бошдан кечиради. Лекин жамиятда адолат, фуқаролар ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш учун қонунлар ишлаб чиқилган. Табиийки, қингир қадам босиб, ғайриқонуний ҳаракат қилган кимсалар содир этган қилмишлари учун жавоб берадилар.

Ўйиндан ўқ чиқариб, ички ишлар ходимларига ёлғон хабар берган икки оғайни аҳволидан ҳар биримиз етарли хулоса чиқаришимиз лозим.

### УЗИЛМАГАН ҚАРЗ

Дам олиш куни эди. Комил ака уйида меҳмон кутишга тайёргарлик кўраётганди. Бугун уларнинг хонадонига қавм-қариндошлари-ю, ёр-дўстлари йиғилади. Шубоис, эрта тонгдан бозорга бориб, дастурхонга керакли нарсаларни харид қилди. Шу дамда хотинининг ҳам қўли-қўлига тегмасди. Ошконада куймаланиб ўзи билан ўзи овора. Ахир ҳозирги тўртта одамни кутиш осон эмас.

Комил ака ҳамма юмушларни бажариб, юмшоқ ўринидикка ястаниб ўтирди. Газетадаги қизиқарли бир мақолани

ўқиётганидан, эшик ортида кимдир чақираёттанини эшилмасди.

Кетма-кет жириңглаган эшик құнғирогининг товушидан хаёли бўлинди. Эшик ёнита келиб:

— Ким? — деб сўради.

— Бу ман, Жасурман. Йўлакдан эшитилган овозни таниди. Аммо Жасурнинг ташрифи Комил акага унчалик ёқмади. Энсаси қотиб, секин эшикни очди. Бемаврил қадам ранжида қилган меҳмонни ичкарига таклиф этди.

— Янги машина муборак бўлсин ока. Илоё, яхши кунларингизда миниб юринг. — Қўлини кўксига қўйиб, илиқ тилаклар билдираётган меҳмон йигит уни янги машина билан кутлаш учун эмас, балки бошқа мақсадда келганилигини Комил ака сезди. Шундай бўлса-да, ўзини хотиржам кўрсатишга ҳаракат қиласарди. Ниҳоят, пиёладаги чойдан биринки ҳўшлаган меҳмон муддаога ўтди.

— Комил ака, ҳалиги нарсани сўраб келган эдим. Пул зарур бўлиб қолди. Уйдагилар бозорга тушиб, рўзғорга у-бу олиб келгин деб айтишганди. Аксига олиб ёнимда сариқ чақам ҳам қолмаган. Лекин уларга сир бой бермадим. Умидим сиздан. Келинг ока, ўртамиздаги ўша муомалани ҳозир ҳал қилиб олайлик. Рости, қийин бир вазиятдан чиқишимга ёрдам берган бўлар эдингиз.

Комил ака унинг сўзларини тинглар экан, айни чоеда миясида бошқа хаёллар айланарди: «Шу йигит ҳам роса жонимга тегди-да. Қайданам унга ишим тушиб қолувди, агар унинг қарзини бермасам-чи? Қўлидан нима келади?...»

— Жасурбек, очиги Ўзинг ҳам жуда майдагап бола экансан. Бир гашни тақрорлаганинг-тақрорлаган. Нима сенга пул зарур бўлса, айнан мен топиб беришим керакми?... — мезбон Жасурнинг кўзларига тик боққанича қатъий оҳангда сўзларди. — Ўргамиздаги ҳеч қанақа олди-берди бўлмаган. Мен сандай бир тийин ҳам қарз эмасман, уқдингми?... Гап та мом-вассалом.

— Бу нима деганингиз?.. Ахир бундан ропта-роса бир ой олдин келганимда, «Ука, иложи бўлса, сал кейинроқ келгин. Ҳозир имкониятим йўқ. Пул бўлиши билан бераман», — деган эдингиз-ку. Наҳотки, энди берган ваъдангиздан тонсангиз? Сизда лабз бопми ўзи?!. — Жасур ҳамон пулни олини-

шы умидвор, шу сабаб буи көлмесди. Унинг ишшонасидан соңук төр құйылғы, нокулай ақылаға тури.

— Оқа, ман ҳам инеопман, түншуман. Баримнг исесі қожтмиз. Балызда имконияттарымыз наң беріб, сүзимнг үстідан чиқотмай қолишмиз мүмкін. Ҳозир шаройттегі күтірмасстың бүлсі, тоқат бир қисемін беріб түрсанғыз ҳам майты. Шу даңната 300 долларниң ҳаммасын ҳозироқ берасыз, деб, оғимни тираб одастпаним йүқ. Сүмә бұлдаям, борини беріб түринг.

— Қапакғы нұл? Қайси 300 доллар түргенсіда тапирайтын үзінгі. Яна қайтараман, ман сандың бир тиін ҳам нұл олмадыман, әмбеттінгіми?.. Бор, қаерта бориб, арз қылсанғ, қыланер. Биронта тұвохынг борми? Еки тиіхат ғалыриб, расмийлаптириб оғашмайды? Ган шу, сариқ ыңғай ҳам олжадысан! — Комил ақа шұңдаій дея бақырди-ю, сандың үрнидан түрді. Өніккін очиб, меҳмоңдан дархол чиқып кетіпши талаб қылды.

— Ҳали шұлақамы?.. Демек, машиналығыны ремонт қылғаным учун бералған 200 долларнің таң олмаганынгиз етмағаныдай, үлгінгизге қарға беріб тұрған 100 доллар нұлымын қаштарындаң ҳам бүйін төвлеянесізми? Ҳар таң кепанымда, «Пул йүқ ҳозир, көлінроқ хабар олғын» дея, күйтимни нүч әндоққа тұлғыриб күттіп әдіншіз. Мана бүтүн бұлса, уялмасдан түннингизни тескари кийиб олдышты. Айттаған талырынгизни қарапт. Яи-яши «Матыңни сотиб олиша еткін пуздариншіз, арзимас қарғын қайтарынша етмасмиди?..

Комил аканинг ўғлы Жасурта маълум муддат шоғырд бұлғып түшиб, машина тұзатын үстахонасида бирға инсталляція. Бир күн Сандарта 100 доллар нұл тарур бұлғып қолданида, Жасур унинг қожатини чиқартапди.

Уларнинг торғыншувлари үстігін Комил аканинг хотити аралашылды.

— Ука, нега үйимизге келиб түпнөлон қилаянесіз? Әртәлабдан бироршынш әншігідан кириб олиб, ҳеч нарасадан ҳеч нараса йүқ, нұл талаб қыласыз. Биз ҳеч кимдан қарғы әмасмыз. Бирон ҳам біздан нұл олматан, әшіттінгизмі?..

Шу күни азбаройи иложсызлігидан бу ерга келинің мағбур бўлған Жасурнинг қони қайнаб кетди. Үзши болсамай, Комил аканинг әқасидан тутиг: «Айар ҳозироқ нұларимни бермасант, жудаям ёмон бўлади» деб, бор кучи

бизан уни сүлгай кетди. Бу оралда уй бекаси Қичқирғаптича, эрини уришта чөзіланғаттан йигит томонда таңдауды.

...Сожида хола манзеда истиқомат құладыдан қариндо-шиникіга келеттап әді. Тұққыз қаватты үйніп оғаның қаваттің күтарилаёттанды, зинашоядан ютуриб келеттап болатын күзі түшін. Үндән шима ғашығыны сұрашы ҳам үл-турмаәқ, униң ортидан құлдағы пічоқ күтариб келеттап йигиттә күзі түшін. Эс-хүнни чиқиб келеттеді. Аммо бағын қарағыкі, айнан дамда холаниң қариндоши әникни очиб қозды. У үйлаб турмай, болани шарт күтарила-да, үзінші ич-кариға урді. Кийимларига қоң сағрапты. Важохати оч бўри-ни эслатувчи йигит үларни шайқамай қозди. У алишлагани-ча, болани излаб, уни тополмагач, лифт орқали настна тушиб кетди. Сожида хола болани асераб қошан бўлса-да, үзин-га келолмас, дағ-дағ титрар әді. Хола сал үзини босиб ол-гач, настда кутғиб турған ўелини ханғфдан оғоҳ қизиб тезроқ яқин атрофдаги милицияяга хабар қилишни тайинлади.

Куз очиб-юмгуича милиция ходимлари етиб келди. Пос-бонлар энди йўлакдан тенага күтарилимо қочи бўлиб турин-тапида, лифт очилиб, үндән кийимлари қонта бўялган күтари безовта ва бесаранжом бир йигит чиқди. Милиция ходимларидан бири. «Кечирасиз, сиз шу уйда яшайсизми?» леб сўради. У ҳали сўзини тутатмасдан йигит кўча томонига отилиб, қочди. Лекин чапдаст ички ишлар ходимлари уни тутуб олишиб.

Воқеа содир бўялган жойга тезкор-терғов турүхи вакиллари етиб кетди. Чор атроф лиққат билан кўздан кечиригиди. Оғир тан жароҳати олиб, беҳуш ёттан Санжар ва униң ойиси тудлик билан касалхонанага жўнатили. Бир неча жойидан пічоқланғани сабабли, кўп қоң йўқотган Комил ака ўша ерда жон берди. Уништ турмуш ўргуғи ҳам касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

Мана шахримизда бўлиб ўтган мудҳин воқсанинг тафсилоти. Қарзини қайтариб оламан леб, баҳделашув-тортишувга, тортишув-мунгелашувга айланып жашжал, шаф қатсан-ларча ижро этилган қотиллик билан якун тоғди.

«Жаҳт чиқса, ақл кетади», леб беҳувага айтишмаган. Эс-хүнни батамом йўқотиб кўйган Жасур исемли бу йигит иккى инсоннинг умрига замин бўлди. Кейин эса, у ҳарто, ота-онасига ёрдамға шошилган Санжар ҳам униң қоң то-

маёттган совуқ куролидан бенасиб қолмади. Яхшиямки, унга ўз вақтида ёрдам кўрсатилиб, ҳёти сақлаб қолинди. Ўзининг нима қиласётганини назорат қилолмай қолган Жасур ўша пайтда ушбу хонадонга меҳмонинг келиган уй эталарининг қариндоши бўлган кичик болакайни ортидан қувлашга тушди. Аммо боланинг баҳтига Сожида хола келиб қолиб, уни асрәб қолди. Акс ҳолда...

Олиб борилган тергов жараёнида дастлабки берилган саволга ушбу мудхиш воқеани содир этган қотил:

— Нечта одамни пичоқлаганимни ўзим ҳам аниқ билмайман. Иккитами, учтами. Жаҳд устида қотилликка қўлурдим. Энди жазоимни оламан. — деди маъюс.

Тўғри, у албатта, жазосини олади. Аммо бир оиланинг тутдек тўқилиб, фарзандларнинг ҳам отадан, ҳам онадан ажralганини ўйлассангиз, фожианинг даҳшатини англайсиз. Ҳаммаси қарз пули деб юз берган фожеа ҳар бир инсон учун ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Агар мархум Комил ака олган шулларини, бўйнидати қарзини ўз вақтида қайтариб берганда эди, бутун шундай жиноят содир этилмаган, ҳеч ким ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўларди. Ахир ҳалқимиз орасида: «бўйнингдаги қарзни бериб, қиёматдан кутуласан», деган нақл бежиз айтилмаган-ку...

## ШИРИНСУХАН ФИРИБГАР

Жамият равнақига раҳна солиб, инсонларнинг тинчлигини бузувчи ишлатлардан бири — фирибгарликдир. Одамларни алдашни ўзига касб қилган, найранг кўрсатишнинг «сиру асрорлари»ини сув қилиб ичиб юборган Фирибгарнинг нопок сўзига ишониб, алданган соддадил кишилар мол-мулкларидан ажралиб, сарсон-саргардон бўлган ҳолда кимларданadir қарз ҳам бўлиб қоладилар. Фирибгарнинг ортидан югуравериб, чарчаган жабрланувчиларигинг чеккан азоби ҳаммасидан ошиб тулимоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида муқаддам судланган, аммо ўз хатосидан етарли хулоса чиқара олмай, яна қатор жиноий ҳаракатларни содир этган Тошкент вилоятининг Бўка шаҳрида яшовчи 22 ёшли Денис устидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. Катта терговчи, милиция

майори Марат Сарсенов мазкур жиной ҳолатларға дахшор воқеалар билан танишиб, жабрланған фуқаролар ва гуваҳларнинг берган кўрсатмалари асосида тергов жараёнини якунлади.

Ушбу жиноят тафсилотларини айбдор тилидан ҳикоя қиласиз.

...Ўтган йилнинг баҳор ойи эди. Одатий кунлардан бирда пул топиш илинжида таваккал қилиб, Тошкент шаҳрига йўл олдим. Сирғали-7 мавзесига етиб келганимда чўнтағимда сариқ, чақа ҳам қолмаганди. Нотаниш кўчалар бўйлаб бораялман-у миямда турфа хаёллар гужрон ўйнайди. Қандай қилиб пул топиш мумкин? Нима қылсам осонлик билан чўнтағимга тушади? Ана шундай хаёллар билан нотаниш уйлардан бирининг қаршисида тўхтаб қолдим. Аммо нима қылмоқчилигимни ўзим ҳам билмасдим. Кейин эса, бор нима бўлса-бўлди ледимда, рўпарамдаги ўйнинг биринчи йўлагидан иккинчи қаватта кўтарилдим. Хонадонлардан бирининг эшик қўнғирогига кўл узатдим. Ичкаридан ёш қизчанинг «Ким у?» деган овози эшитилди. Мен иккиланмасдан рўпарадаги ўйда яшшимни, бутун онамнинг туғилган кунини нишонлаётганимизни айтдим. Ўйимизга меҳмонлар келаётган эди, овқат қилишга манти қасқон керак бўлиб қолди. Ёлғоним мева бериши-бермаслигини билолмай кутиб турдим. Қарангки, хонадон соҳибаси эшигини очиб, сўраган нарсамни олиб чиқиб берди. Мен уларни илтифот билан кечки пайтга уйимизга таклиф қилганимча ортга қайтдим.

Ўйчининг ўйи биттунча таваккалчининг иши битибди деганлари рост экан. Режамдан гоятда мамнун бўлиб, у ердан тўппа-тўғри Фарҳод бозорига йўл олдим ва ўлжамни Раю исмли савдогар хотинга 15000 сўмга пулладим. «Соқ-қа»ни куртдек санаб, ўз-ўзимдан мамнун бўлиб кетдим.

Орадан ўн-ўн беш кунча вақт ўтди. Кунлар анча исиб қолди. Чўнтағимда яна «шамол» ўйнай бошлади. Ҳар куни эрта тонгдан, гўё бирон муҳим жойда ишлайдиган кишилар мисоли кўчага отланаман. Чўнтағимдаги пулим сигарет билан қорини «алдаш» учун сарф бўлади, холос. Бу пул деганлари қўлнинг киридай гап, келади-кетади. Вафо қилмайди. Мен мияни ишлатишм ёки тер түкиб ишлаш керак эди. Чўнтак куруқ, қорин эса ногора чалишини қўймасди.

Ноилож Сүвсөт дағасындағы тұқызы қаватты үйшардан бири-пинголдига келдім. Қайесі хонадоңдан мешіт «ұлжы» наисиб әзини мұмкіншіліккін чамалаб күрдім. Ҳар доимғандай әжгіёт өзараларының күрган ҳолда иш күріні мәсіннегін одатимға айланыпташып. Шу болис ҳам, қүннің уйда яшайдын кишилерден биноппинг қайесі хонадоңнан Кореїс міндеттігінде мансуб фуқаролар истиқомат қылыштығын сұраб-сүришпирлемін. Кореїс бұлшашым учун одамдардан міндеттіндерін ҳақида үзимши қызықтырылған маңыздылардың билиб олиш қийин кечмәседі. Доим үзимниң киминдері қариплоши ёки тапиши этиб күрсегін орқалы ниятимға еріншішнің ҳадисини олдым.

Шу күнде құт өстімінде олдан хонадоңға киришни қатынай ахұд қылдым. Дағылдик билан құнғироқпен боседім. Әзілек очылған, үзим тәнгі Кореїс йігіт мениң қарши олди. Ұнта оналарымыз дугонға әкапшылығын айтдым. Чунки онасиппинг иесімі ва бопқа қеректі дағылдар мәлдем зән. Бұгун үйімніңда яқында бұлғын үткілестер маросимі өзіншін видеотасмани күчирмоқчы әдім. Видеомагнитофон зарур бўлғиб қолди. Онашыннан илтімоси билан келтап әдім.

Халығи йігіт гаптарымға унчалық ишонмади шекілди, видеомагнитофонини олиб, үзи ҳам мен билан боришими айтди. Иккөвлон күчата чиқыдик. Хайриягжи, шу дамла қалдам яна ишлаб қолди. Жойимда таққа тұхтаб:

— Құлымдаги видеокассетаны унугиб қоддирібман, — деген унта өзеландым. Ҳамроҳым құлудаты видеомагнитофонни менің тұтқазыб ортига қайтады. Мен фурсатты бой бермай, күздан жойиб бўлдім.

Орадан иккі күншін үткәзіб, яна үша омады маскапта борлым. Тұрт қаватты үйшарниң бирилә истиқомат қыладынан кореїс кипиң тұғрисидегі «мұхым» маңыздыларын одатым. Бағтимдан ўргалайки, бу сафар ҳам хонадоң әзілігінің үн-үн иккі ёшшардаты бир болакай очди. Ұнта ҳам дағылдик билан одатдаты сұттарымни тақрорталым. У лаққа ишонди. Бироз ўйлаптап турди-да, «LG» русметі видеомагнитофоннан сүмкәтә жойылаб құлымға тутқағыди. Боним оемондағы сиб, әзілек қараб юрағстан әдім, ортимдан у ҳам нұлға тараздуудында бопшады. Ҳайлымда «Пима бұлшашда ҳам операторияны мұваффақиятты тутатмояқ, тоғымъ», деган ҳайқириқ жарандылаптапек бўлди. Йўлактың чиқаётіб, ҳимроҳымға үзим-

ни хижолатомуз курсатиб, уйларида квартирамнинг қалитларини унугиб қолдирганимни айтдим. У сумкани менга қолдирди-ла, ўзи ичкарига юргуди. Мен жуфтакни ростлашга улгурдим. Видеомагнитофонни шу куннинг ўзидаёқ, Аския бозорига олиб келиб, Камол исмли таништимга 60.000 сўмга пулладим.

«Сувсоз» даҳаси мен учун яна бир ўлжани тақдим этди. Бу гал ҳам бир кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қиласидиган нотаниш бир миллатдошимнинг соддагина ўғли менга ўз видеомагнитофони билан «LG» рангли телевизорини «ҳадя» қилиб юборди. Уларни ҳам Аския бозорига олиб келиб, видеекни Ўткир деган йигиттга арзимаган 15000 сўмга сотдим. Телевизорни Бўка шахрига олиб бориб, Илҳом исмли таништимга 100000 сўмга пуллаб юбордим.

Пул деганлари сувдек кегади. Бир томондан топаверсан, иккинчи ёқдан сарф-харажатлари албатта, чиқанепар экан. Тўғриси, ўз-ўзидан сўнгги вақтларда харажатлар кўлявверади. Гоҳ кафе, гоҳ ресторанда овқатланиши одат қилдим. Буни қарангки, менинг қачон, қаерга боришимдан боҳабар улфатларим атрофимда кўпайиб борарди. Лекин уларнинг ҳеч бирига сиримни очмасдим. Чунки «шерикли ошни ит ичмас», деган мақолга амал қиласдим.

Ёз фасли кириб келди. Йўлим тушиб. Ҳамза тумани ҳудудидаги «Слоним» номли кўчага келиб қолдим. Шу ерда жойлашган уйларнинг бирида ойимнинг Ирина исмли эски ўтоги яшашини билардим. Уларнинг уйини қидириб топдим. Ирина холанинг кундуз пайтларда уйларида бўлмаслигини яхши билардим. Энг асосийси, уларнинг «Голдстар» русумли рангли телевизори анчадан буён кўрсатмайтганлиги менга ойдек равшан эди.

Ирина холанинг хонадони эшигини тақиллаттанимда, ичкаридан унинг қизи овоз берди, ўзимни «телевизор устасиман» деб таниширдим ва ремонт учун телевизорни олиб кетгани келганимни, Ирина холанинг ўзи илгимос қилганини айтдим. Ҳалиги қиз суюниб кетди. Эшикни очди-да, қачон тузатиб олиб келишпимни ҳам сўрамасдан, телевизорни чойшабга ўраб, менга тутқазди. Мана буни ўлжа дейдилар. Янгийўл шаҳрида яшовчи Гуля исмли та-

ништим тузатилган телевизорнинг ҳузурини кўраётган бўлса ажабмас.

Шундай қилиб, бир ҳафтанинг ўзида ушбу кўчада яшайдиган корейс миллатига мансуб Жора амакининг «LG» ҳамда Вадим деган йигитта тегишили «ДЭУ» видеомагнитофонини қўлга киритдим. Ойимни «таниш»ларининг ушбу омонатлари ҳам яхшигина пулланиб, чўнгатимни маълум муддатта қаптайтирди. Видеомагнитофонни Янгийўллик таништим бор йўғи 60000 сўмга сотиб олиб, мендан хурсанд бўлди, иккинчи «ДЭУ»ни эса 25000 сўмга харид қўлган унинг синфдоши Дилмурод яна арzon нархда «товар»лар чиқса, албатта, уларни ҳам бегона қилмаслигимни илтимос қилиб, мен билан хайрлашди.

Бундан ташқари, Лисунов мавзесидаги уйлардан бирида «меҳмон» бўлиб қайтдим. Очигини айтсанам, ўша куни роса омадим чонди. Катталарининг уйда йўқлигини обдон сурингиригач, уларникига ташриф буюрдим. Хонадонда бир қизча ёлғиз экан. Уни ҳам роса авраб, сўзларимга ишонтирдим. Битта «SONY» русумли видеомагнитофон, «Электра» рангли телевизори ҳамда «JVC» мусиқа марказини қўлга киритиб, тўпса-тўғри Бўка шаҳрига йўл олдим. Ана шу уч дона матоҳни жами 200 000 сўмга пуллаганим худди кечагилек ёдимда.

Миробод тумани, Фарғона йўли кўчасида истиқомат қилувчи содда бир корейс хотинни боллаб алдаганим ёдимга гушса, ўзимга қойил қоламан. Тўққиз қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшовчи ушбу аёлга ўзимни ўелининг янги ўртоғи деб таништиргидим. Шу уйнинг тўққизинчи қаватида ўелининг яна бир синфдоши яшашини билиб олгандим. Бахтимга уларникида телефон йўқ экан. Тўққизинчи қаватдаги хонадонда видеокассетани кўчирмоқчи эдик. Шунга видеомагнитофон керак бўлиб қолди. Ниятим амалга ошди. Буюмни қўлга киритгач, тўққизинчи қаватга эмас, пастга тушдиму, кўздан фойиб бўлдим. Янгийўллик эски қадрдомим Гулядан 40000 сўмни қуртдай санаб олиб, уйимга равона бўйдим.

Борган сари тажрибам ошаёттанини ўзим ҳам сезаёттан эдим. Эндиликда ойимнинг исмини ҳам ўзгартириб, Роза деб атай бошладим. Бир куни Чилонзор мавзеси томон йўлим тушди. Тўрт қаватли уйларнинг ҳовлисидағи тахта ўрин-

лиқтарда сұхбатлашиб ўтириштан кампирлардан қаерда көрсілар истиқомат қилишини, мен улардан бириңинг қариндоши эканлығимни билдірдім. Сұнгра, бор маҳоратимни ишга солиб, үзимга маъқул келған хонадон ҳақида барча зарур маълумоттарни олдім-да, «иш»га кирицдім. Мұлжалаган хонадонимда Андрей исміли бир үрта ёшлардаги йигит қарши олди. Одатта күра унга үзимни ойисининг Роза исміли дутонасини ўғлимандеб таништиргач, бугун ойимнинг туғилған куни нишонланғанынни, шунға мусиқа маркази ёки видеомагнитофонларини беріб туришларини мендан унинг ойиси илтімос қилиб юборғанынни айтдім. Кейин эса, күzlаримта термулиб иккіләніб турған ҳалиги йигитни янада сұзларимнинг ростлигига ишонтириш мақсадида, телефон гүшагини күтариб, сим қоқа бошлидім. Унинг ойиси билан гаплашған кишидек үзимни күрсатышта ҳаракат қылған едім. Буни қарангкі, «артистлігім» яна иш берdi. Андрей шошганича «SONY» русумли видео ва мусиқа марказини катта сумкага жойлааб, құлымға тұтқазиб юборди.

Чилонзорнинг етінчи мавзесіда кезиб юрадім. Үша куни чиройли корейс қизи менға дуч келди. Ҳар доимгідек, бу ойлани ҳам обдон үрганиб ултұргандім. Шу боис, әшпегини очиб, илтифот билан саломлашған гүзіл қыздан ҳол-ақвол сұраб, муддаога үтдім. Бу соддадил қиз, «майли кечқурун олиб келарсиз» дея, «ДЭУ» видеомагнитофонни паспорти билан бирға беріб юборди. Ушбу видеомагнитофонни Янгийұл шаҳрида яшовчы Эдик деган танишім 50000 сүмға сотиб олди.

Айтаверсам адоги йўқ... Чилонзор иккінчи ва ўнинчи мавзеларида жойлашған уйлардан бирида истиқомат қытувчи иккита хонадон зәгаларидан «ўз розиликлари билан» айнан бир эмас, иккі дона «SONY» русумли телевизор ва «Мицибуси» видеомагнитофонларини олиб кетиши бағтиға мұяссар бұлғандім. Бу үлжалар жуда баракали бўлди. У туфайли 200 000 сүм пулни куртдек санаб олдім.

Халқлар дүстлігі күчасида жойлашған Олий Мажлис биносынинг рұпарасида қад күтартған күп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қыладиган Борис исміли киши ҳам менға үзининг «Шарп» русумли видеомагнитофонини күш күлілаб топширди.

«Хунар»имнинг инъом этган «насиба»лари тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қиласяпман-у, аммо айрим кунлари ҳатто сигарета сотиб олишга зор кунларим ҳам бўлиб турарди. Бир куни эрталаб уйқудан уйғонсам, аҳвол чатоқ. Кечкурун улфатлар билан роса «отган» эдик. Дарҳол қуруғидан тоғмасам бўлмасди. Кўчага чиқиб, тўғри келган биринчи транспортга ўтиредим-у, йўлга тушдим. Говжум бир бекатда тушиб, атрофдаги уйлардан қай бирила корейслар яшашни суриштирдим. Ҳозир айнан шу ерда «ов» қилишга бел боғладим. Ҳовлида майдада сотиб ўтирган кампир жонимга аро кирди. У менга керакли бир хонадон ҳақида зарурлигини ўйлаб борардим.

Эшик очилиб, зиёлинамо киши мени қарши олди. Унга одоб билан салом берганимдан сўнг, мақсадга ўтдим. Ўғли Сергейнинг ўртоғи эканлигимни айтгаб, у айни чоғда Чилонзор ИИБ бўлимида ушлаб турилганлигини ҳаяжон билан гапирдим. Ушбу совуқ ҳабардан рангида-ранг қолмай довдираб қолган бечора ота дарҳол йўлга оғланди. Мен ҳам у билан кўчагача чиқдимда, дарров бир баҳона у билан хайрлашдим. Кўчани бироз айлангач, уларнинг хонадонига қараб югурдим. Уйда «дўстим» Сергеининг иккита кичкин той укалари қолган эди. Дадангиз кўчада кутиб ўтирибди. Дарҳол уйдаги видеомагнитофон, телевизор ва мусиқа марказини олиб чиқишим керак, — деб уларни ишонтиридим. Кўз очиб юмгунча иккита коробкага жойланган ўлжаларни олиб таксига ўтиредимда, Янгийўл шаҳрига равона бўлдим. У ерда Рустамнинг ёрдамида ўлжаларимни яхшигина баҳога сотдим.

Ҳамза тумани ҳудудидаги Чизелний мавзесида тўққиз қаватли уйлардан бирида ўйлаб тоғган хийлам жуда антика чиққанди. Нишонга олинган хонадонини обдон ўрганигач, яна омадимни синадим. Андрей исмли Йигиг эшикни очиб, мени ҳайрон қарши олди. Унга ўзимни таништириб, кўнини уйларнинг бирига яқинда кўчиб келганимни ва мақсадим нималигини айтдим. Аммо Андрейнинг юз кўзла-

ридан гапларимга ишонмаганини пайқадим. Мен ҳам апоїи эмасман. Бир пас уйланиб турдим-ла, миямга бошқа фикр келди. Хонадон сохибидан рухсат сұраб, Лёша деган дүстимга құнғироқ қылган бұлдыму, у билан йўлига «гапланиб» бўлгач, Андрейни Лёшаларникита чиқиб, видеомагнитофонни олиб тушишини илтимос қилдим. У сўзимни ерда қолдирмади. Мен эса имконни кўлдан бермадим. Чунки, уни лоа қал уйидаги видеомагнитофони ёрдамида ёнимлаги икки кассетамни бир-бирига қўчириб олиб, бунинг эвазига хурсанд қилиб кетишими ваъда қилгандим. Энди содда Андрейнинг уйига қайтгач, видеомагнитофонидан айрилганини билиб, қай аҳволга тушганини бир тасаввур қилиб кўринг.

Кўнаев кўчаси бўйлаб хаёл сурib бораётгандим. Ўша куни дўстларимдан бирининг туғилган куни эди. Унга дурустроқ бир нарса совға қилиш ниятида пул топиш ҳақида бош қотирадим. Тўрт қаватли уйнинг йўлагидан ичкарига кирдим-у, тўғри келган эшик қўнғирофини босдим. Ичкаридан етти ёшлиардаги бир бола чиқди. Унга оналаримиз дутоналигини, унинг онаси бизникида эканлиги ва видеомагнитофонларини олиб келишимни илтимос қилганини айтдим. Бола барибир болада, у гапларимга лаққа тушиб, сўрган нарсамни менга тоғирилди. Ўша ердан йўловчи машинага ўтириб, жуфтакни ростлаб қолдим. Туғилган кулини нишонланаётган оғайнимнинг омади бор экан. Ўша куни таксист айтган манзилимга элтиб қўйди. Манзилга етгунча савдони пиширдим. Ўлжа ҳамроҳимга насиб этди.

Зольная номли кўчадаман. Кун роса қизиган. Кўп қаватли уйларнинг ҳовлисида ўйнаб юрган болаларга кўзим тушди. «Денис, мана шу жойда ҳам «хунар» ишти яна бир синовдан ўтказ» дедим. Болакайлардан бирини чақирдим ва ундан баъзи бир нарсаларни сўрадим. Содда болакай ўз қўшиллари тўғрисида билганинни айтиб берди. Айниқса, рўпарадалиги уйнинг учинчи қаватида истиқомат қилувчи корейс мизлата тигина мансуб оила ҳақидаги гаплари эътиборимни тортди.

Бир зумда менга таниш бўлиб қолган хонадон томон шоющдим. Кутганимдек, ичкарида бир қизча бор экан. Уйдан ойиси ва бувисининг қаердалитини сўрадим. Унинг жибоблари қандай бўлиши ҳам менга аллақачон маълум эди. Ўзимни Роза исмли аёлнинг, янни бувисининг қўриғидони

деб таништиргач, кейин күпдан самара бериб келаёттан усулними құлладим.

Содда қиз Таня бұлса, гапларимта ишониб, «Фунай» телевизори билан «ДЭУ» русумли микроволновий печини мұхайдең қылди.

Қарангки, икки кун аввал Янгийүл шаҳрида яшайдиган танишшам айнан шунақа печ топиб беришімни илтимос қылған эди.

Бир куни Яккасарой тумани худудига йўлим тушди. Ов қилиш учун энг құлай жойлар күп қаватли үйлар эди. Бу гал ҳам кишига ростини айтадиган, күнглиға ёмон хаёл келмайдиган гүргина боланинг катта ёрдами тегди. Корейс оила яшайдиган хонадонни аниқлаб олдим. Эшикни ўн беш ёшлардаги ўсмир очди. Йигитчага отасининг исмини айтиб, қаердалигини сұрадым. Кейин үзимни ажабланған кишидек: «даданг, менга видеокассетамни күчириш учун телевизор бериб турмоқчи зди», — дедим. «Мали, агар дадам розилик берган бұлсалар, маржамат. Лекин яна бир телефон қилиб сұрасанғиз», — деди. Бир ҳисобға шуниси ҳам жуда маъқул келди. Телефон гүшагини күтариб дадаси билан гаплашдым. Каттакон қоғоз яшикка солинған «Панасоник» русумли теленизорни таксига ортиб, йўлга тушдим.

Юнусобод тумани, Марказ-5 да жойлашған күп қаватли үйлардан бирининг ёнидаман. Содда одамлар ёрдамида бир хонадонни мұлжалта олдим. Ушбу хонадон бекаси сартарошхонада ишлар экан. Уйда эса, унинг ўн бир ёшларға кириған қызчаси ёлғиз. Тутмачани босдым. Қызча эшикка яхин келди. Ойисининг ишдалигини айтди. «Унда ишхонасига бориб кела қолай» дедим-да, ярим соатдан сүнг ўша ерга келдим. Қызaloқ бу гал эшикни очди. Иш пиштач, «Самсунг» русумли видеокамераны күтариб, у билан күчага чиқдик. Үлжак мени құлымда. Қызчадан күтулишім керак. Чүнтағимдан пул чиқариб, күчанинг у томонидаги дүкондан музәкаймоқ олиб келишини илтимос қилиб, қызчани жүнатдим ва үзим такси тұхтатиб, күздан ғойиб бўлдим.

Кеч күз яқынлашиб, об-ҳаво совуб қолди. Үзимга ис-сиқроқ кийим-кечак олишім керак. Бозорни айландым. Ҳар хил кийим-кечаклар борлығини күриб ҳавасингиз келади. Менинг чүнтағимда эса пул турмайды.

Марказ-б мавзесидаги күп қаватлы уйтарнинг бирида истикомат қылувчи Оля исмли аёл тўгрисида маъдумотлар олдим. Ҳовлида учраб қолган икки болакай жонимга оро кирди. Ҳона-дон соҳибаси – Олянинг қаерда ишлаши, қачон кетиб, қай пайт уйига қайтишини билиб олдим. Ҳатто телефон рақамини ҳам аниқладим. Уйда эса, унинг қизи ёлғиз. Маҳоратимни ишга солдим. Кизчанинг кўз олдида телефон қилиб ойиси билан гаплашдим. «Майли келгунингизча шу ерда кутиб тураман».

Киз ўз юмуши билан овора эди. У кўшини хонани супраёттганда, мен уйни титкилай бошладим. Омадим чопди. Фаладонлардан тилло соат, уч дона тилла занжир топиб, чўнтағимга урдим. Тақинчоқлар дарров ўз харидорларини топиб, мени хушнуд қилди.

Мирзо Улутбек тумани худудидаги Югнакий мавзесида зонада бирга ўтирган қадрдонимни учратиб қолдим. У билан катта «иш» қилишимиз мумкинлигига асло шубҳам йўқ эди. Икковлон тўрт қіватли уйлардан бирида яшайдиган корейсларнинг уйига «меҳмон»га боришига жазм қилдик. Бизни бир йигитга қарши олди. Унга ойиси ишхонасига йўқлаёттанини айтдик. Володя кийиниб йўлга отланди. Анвар икковимиз ҳам паста тушдик. Шеригим у билан ойисининг олдига кетди. Ўзим эса уйга қайтиб, эшикни бир амаллаб очишдим. «ДЭУ» русумли видеомагнитофон бизга мунгазир. Ўлжани Бўка шахрига олиб бориб, Шер исмли танишимга сотдим ва пулни Анвар билан арра қилдик. Ҳаётим машшатта айланиб бораётган эди. Афсуски озгина эҳтиётсизлик гуфайли қулга тушдим. Мен шохида юрадим. Баргида юрадиган милиция ходимлари борлигини унугтиб кўйибман.

Мана сизга бир қатор жиноятлар тарихи. Воқеаларни батафсил келтирганимиз бежизга эмас. Жиноятчи-ку жазога тортилади. Лекин тўғри одамлар, уларнинг уйда ёлғиз қолган болаларнинг ҳаётига завол етса нима бўларди?! Бундай бўлмаслигига ким кафолат беради. Ушбу воқеалар ҳақида фикр юритиш, хуласа чиқариш ўзингизга ҳавола.

## АЛДАГАНИ ГҮДАК ЯХИ

(Бир сохта тадбиркорнинг қингир фаолияти түгрисида)

Дунёда бола чөхрасидан покиза, бола кулгусидан кўра гўзал кулгу бўлмаса керак. Унинг мурғак қалбиди офтоб мисол покизалик бор. Порлаб турган кўзлари оламни нурағион қилгудек. Фарзандлар ҳаётимиз маъноси, келажагимиз эгаси. Дилемизда жо бўлган жамики орзу-истакларимиз ана шу дилбандларимиз билан боғлиқ. Пайғамбари-миз Мұхаммад саллалиҳи алаїҳи вассаллам серфарзанд бўлишликни буюрганилар. Болажонлиқда биз ўзбекларнинг олдига тушадигани йўқ.

Баъзи инсонларнинг қонунига хилоф равищда, санитария-гиена қоидаларига мутлақо риоя қиласдан қадоқланыёттани озуқаларни сотувга чиқариб, минглаб гўдакларни заҳарлаётганликларини қандай баҳолаш мумкин?

Яқинда, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚҚБ ходими-лари томонидан осон йўл билан мўмай ларомад тошишни кўзлаган ана шундай «учар»лардан бирининг фаолиятига чек кўйилди. Лицензиясиз, рухсатсиз чақалоқлар учун мўлжалланган «Малютка-Истринская» номли сутли ичимликий уй шароитида ишлаб чиқаришга журъат этган Ж.А.замат исемли бу «азамат» ҳозирда қонун олдида жавоб бермоқда. Тергов ҳаракатлари давомида унинг таниши бўлган фуқаро Содиқов А. билан жиноий тил бириктирган ҳолда, текин бойтик ортириши мақсадида тадбиркорлик билан шу-кулланганликлари аниқланди.

Улар ана шу «Малютка-Истринская» маҳсулотини қадоқлаш учун маҳсус идишларни «Қадоқловчи» ОТҲЖнинг ходими Н.Шиманов ва босмахона мугахассиси К.Аҳмедовга 7000 дона қоғоз идишларни чиқаришга буюргма берадилар. Сўнгра эса, босмахонадан 3000 дона тайёр маҳсус қоғоз идишларни оладилар ва дастлабки режалари силлиқ кечганидан илҳомланиб, ишни давом эттирадилар. «Карвон-Сарой» озиқ-овқат ултуржи бозоридан Россияда ишлаб чиқаришган «Сухое молоко» аралашмасини сотиб оладилар. 400 дона пластик қошиқчаларни харид қилишини ҳам упутмайдилар. 2003 йилнинг август ойи бошларида ҳамма керакли хом ашёларни тайёрлаб, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманида жойлашган хонадонлардан бирида хуфёна тарзда 400 дона қалбаки «Малютка-Истринская» деб номланган

эмизик болалар сутли ичимлигини ишлаб чиқарадилар. Шундан сүнг икковлон дастлабки құлбода 400 дона маҳсулотини 20 та яшикка ихчамгина қилиб тахлаб, С. Нишонов исмли фуқарога Россияда ишлаб чиқарылған маҳсулот сифатида пуллашмоқчи бұладилар. 16 август куни 840.000 сүм пулни белига туғиб келган мижозға уларни сотаётгандарыда ИИББ ЖҚ ТҚҚБ ходимлари томонидан құлға олинадилар.

Ж.Азамат ишончни суиистеъмол қилиш орқали, ўз шериклари билан тил бириктирган ҳолда жиноятлар со-дир қилған. Яъни болажонлар истеъмол қиладиган си-фатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқарыб, сотиш билан шуғулланғандар.

Аммо уларнинг фирибгарлиги иш бермади. Жарақ-жа-рақ пул топиш илинжида чақалоқлар учун қўшимча озуқа ҳисобланған маҳсулотларни ғайриқонуний тайёрлаган ким-саларнинг юзлари шувут бўлиб қолди.

## ЎРАДАГИ СИР

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Алишер Навоий номли жамоа хўжалигига жойлашган хонадонлардан бирининг шундоққина боғ ҳовлиси ўртасида ковланган ўрани бир қарашда ҳаммаям пайқайвермайди. Унинг устки қисми ҳар хил шох-шабба ва шифер бўлаклари билан беркитиб қўйилған эди.

Сирғали тумани Ички ишлар бошқармасига «Йўлдош-5» мавзесида истиқомат қилувчи фуқаро Д. Наврӯзов томонидан ариза келиб тушди. Унда май ойининг охирларида кечаси уйи олдидан «ВАЗ-21011» русумли шахсий автомобили номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгандиги билдирилган.

Воқеа жойига етиб келган туман ички ишлар ходимлари содир этилган жиноятни ўрганишга киришдилар. Аммо орадан қарийиб беш-олти соат вақт ўтиб кетганлиги туфайли излар йўқолған, жиноятчилар эса яшириниб ултурғандилар. Боз устига биронта ҳам гувоҳлик берувчи одам йўқ. Жабрланувчи бўлса, ушбу воқеадан саросимага тушиб, кайфияти бузилгандиги боис, бирон тайинли гап айта олмади.

Бундай вазиятларда қандай йўл тутиш лозимлигини тезкор гуруҳ вакиллари яхши билади.

Машинанинг изсиз фойиб бўлгани шубҳали эди. Излар йўқ. Фақат таҳмин, мантиқий фикр юритиш мумкин эди. Тезкор гуруҳ бошлиғи ҳамкаслари билан биргаликда ана шу жумбоқ устида бош қотирарди. Ҳар бир ходимнинг таклифи ва фикр-мулоҳазалари тингланди. Эртаси куни икки ходим жабрланувчи ҳамроҳлигида туман ҳудудидаги эҳтиёт қисмлар бозорига борадиган бўлди. Қолганлар эса, қўни-қўшилар, жабрланувчини танийдиган кишилар билан сұхбатлашиб учун жалб этилди. Мақсад битта — жиноят изини топиш ва айбдорларни қўлга туширишдан иборат.

Тонг маҳалда автоэҳтиёт қисмлари бозорига етиб келган жабрланувчи ва ходимлар дикқат билан пештахталарда сотилаётган буюмлар ва уларнинг эгаларини кўздан кечира бошладилар. Бозор ичи харидорлару сотувчига тўлиб кетган, ҳамма ўз ташвиши билан овора. Бу ердан истаган нарсани топиш мумкин. Оддий аравачанинг фиддирагидан тортиб то улкан автоуловнинг эҳтиёт қисмигача. Фақат эринмасдан айланиб чиқилса кифоя. Аммо изқуварлар қидирайтган нарса бу ерда йўқ эди.

Қидирудчиларнинг кўнглидан «наҳотки ишимиз ўнгидан келмас», деган ўй кечди. Шунга қарамай улар қидиришни давом эттиридилар. Бир маҳал олдинроқда бораётган жабрланувчи икки аёл савдо қилаётган пештахта ёнида тўхтаб туриб, ҳамроҳларига имо қилди. Буни англаган милиционерлар бундай вазиятда шошмашошарлик қилмаслик зарурлигини ҳам яхши тушунардилар. Бир чеккага чиқиб кузата бошладилар.

Жабрланувчи Д. Наврӯзовнинг савдо пештахтаси устидаги буюмларини танишиди, автоуловининг ўриндиқларига қопланган матони ўз қўллари билан тикканини айтгач, унинг янгишмайтганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Калаванинг уни топилди. Кузатувчилар пештахта ёнига келиб, турли техника анжомлари сотаётган сотувчи аёллар билан сұхбатлашдилар. Гал нарх-наво хусусида бошланиб, ўриндиқлар баҳоси ҳам аниқланди.

Асосий мақсадга ўтиш фурсати етиб келди. Аксарият ҳолларда қинғир йўллар билан келтирилган молларни арzon гаровда сотиб юборишлари милиция ходимларига кун-

дек равшан. Одатда, ўлжани пуллаётган ўгри ёки унинг ҳамтовори бирон хавфни сезиб қолгудек бўлса, дарров жуфтакни ростлаб қолади. Аммо бу гал бошқача бўлди. Савдо қилаётган аёллар хотиржам ишларини давом эттиридилар. Милиционерларнинг нима учун келганини фаҳмлаган аёллар ўғирланган буюмларни қаердан олганликларини тушунтиридилар. Ушбу матоҳларни уларга икки йигит келтириб берган. Улар ҳақида нимани билсалар айтиб бериши.

Ходимлар зудлик билан кўрсатилган манзилга жўнадилар. Посбонларнинг кутимаган ташрифидан ҳангуманг бўлиб қолган йигит Ички ишлар бўлимига олиб келинди. Дастребки сўроқлар давридаёқ, ёлғиз эмаслигини тан олиб, шериклари ҳақида гапириб берди. Ўша куниёқ жиноятчнинг шериклари ҳам кўлга олинди.

Шундай қилиб, фуқаро Д.Наврӯзовнинг йўқолган «Нексия»си топилди. Жиноятчилар машинани ўғирлаб, қисмларга ажратганлар. Қиммат турадиган эҳтиёт қисмларини талашиб-тортишиб бўлиб олган «шоввозлар» унинг кузовини гумдон қилишни кимнинг зиммасига юклашни билмай иккilonanadilarn. Чунки арзимаган пул турадиган машинанинг бу қисмини сотиш хавфли эди. Шунинг учун уни баҳридан ўтиб, кўмиб ташлаган маъқул. Асқотиб қолган пайтда яна ковлаб олинаверади. Бутун бошли машинани гумдон қилишиб, хотиржам бўлишиди. Шундан кейин эҳтиёт қисмларини олиб танишлариникига отландилар.

Кейинги пушаймон, ўзингга душман. Ўзларининг қилмишидан келадиган оқибатни ўйламаган, тўрга тушганда афсусу надомат чеккан бу йигитларнинг жазога тортилиши тайниндир.

## ТУГУНЧАНИНГ СИРИ

Ёз фасли кириб, кунлар исиб кетди. Тушдан сўнг асфальтдан кўтарилиган ҳид кўнгилни беҳузур қилади. Лобар хола дарвозадан кираверишида, салқин айвондаги чорпояда тикиш тикиб ўтиради. Шу пайтда кўча томондан кимнингдир чақиргани эшитилди. Хола ўрнидан қўзғалиб, эшик томон юрди.

Иссиқдан юзлари бўрсиб кетган, кўзларида чарчоқ аломатлари кўриниб турган нотаниш аёл бекасининг так-

лифими ҳам кутиб турмасдан ўзини ичкарига урди. Бундан ҳайратланган уй бекаси бироз қараб турди-да:

— Келинг синглим, хўш хизмат? — дея сўради.

Меҳмон бўлса, бепарволик билан кўрпача устига чордона қуриб ўтириб олгач, овозини кўтариб нималарни дир сўзлашга тушди.

— Тўхтанг, тўхтанг, ҳой қоқиндиқ. Келинг, бир бошдан гапирсангизчи, ахир. Томдан тараша тушгандай кела солиб нималар деяпсиз ўзи? Сизни биринчи марта кўриб турган бўлсам, танимасам, — дея уни гапиришдан тўхтатди хола.

— Ҳеч ажабланманг, ўргилай опоси, — энди вазминлик билан сўзлай бошлади меҳмон. — Сиз агарда мани айтганларимга қулоқ тутсангиз, асло хато қилмайсиз. Ман хонадонингизга бежизга қадам ранжида қилмадим. Агар гапнинг пўст калласини айтадиган бўлсам, кўчаларингиздан ўтаётуб, дарвозаларингиз қаршисига етганимда, тўсаддан қандайдир бир куч келиб, елкамга урилди денг. Балки бу сизга ёлғондир, лекин манга чин. Шундоқ юраётган йўлимда қотиб қолдим. Қўз олдим қоронfilaшиб, бошим худди чархпалак мисол айланарди. Шу аҳволда қанча вақт ўтганини ҳам билмайман.

Лўли уй бекасининг ҳайрат билан термулиб турган кўзларига қараб мўлжални аниқ олганини сезиб, ишонч билан сўзида давом этди:

— Хонадонингизнинг шундоққина остонасида қандайдир хавф-хатар турганга ўхшайди. Менга аён беряпти, холажон. Қайси дир ичиқора ва гаразгўй ганимларингизнинг сизларга нисбатан адоватини ҳис қиляпман. Яхшиямки, айни пайтида келиб қолдим. Акс ҳолда турли кўнгилсиэликларга дуч келишингиз мумкин экан.

Лўли хотиннинг гапларидан ҳайратга тушиб, лом-мим демай қулоқ тутиб ўтирган Лобар холанинг рангидан ранг қолмади. Ваҳима босиб, вужудини титроқ қоплади.

— Наҳотки, унинг гаплари рост бўлса. Тинч-осуда ҳаётизни ким кўролмаяпти экан. Ахир бирон кишининг кўнглини чўктирмаган бўлсак. Қўлимидан келса доим яхшилик қилишга ҳаракат қиласиз-у, аммо ёмон ниятни ҳеч кимга раво кўрмаймиз, — дея ўйлади хола, лўлининг гаплари ростмикан?

Үйларига ёғилажак фалокатни ўлаб онанинг күзларига ёш келди. Лўли хотин бўлса, хотиржам ишга киришди. Энди буйруқ беришга ўтиб, уй эгасига ҳовли ўртасидаги учта жойни ковлашни буюрди. Лобар холанинг келинларидан бири қўлига белкурак олиб, лўли хотин кўрсатган жойни ковлай бошлади. Вазиятга ҳукмронлик қилаётган лўли хотин биринчи ковланган жойдаги тупроқдан челякка солиб келтиришларини сўради. Ҳаяжондан шошиб қолган мезбонлар унинг айтганларини сўзсиз бажаришар, шундай қилсалар, гўё фалокат арийдигандек эди. Ҳалоскор хотин катта бир пичоқ билан челяқдаги тупроқни бироз титкилади-да, уни Лобар холага узатди.

— Холажон яхшилаб қидириб кўринг, сезишумча бунинг ичиди бир нарса борга ўхшайди. Аммо нима чиқса ҳам уни дарҳол менга берасиз. Зинҳор қўлингизда ушлаб турманг. У хавфли, Сизларга зиён етказиши мумкин. Бу гапларидан руҳи тушиб кетган Лобар холанинг қўлларига ҳақиқатдан ҳам нимадир илинди ва шу заҳоти, аъзойи-бадани титраб уни тупроқ аралаш лўли хотинга узатди. Юзида ногаҳон мамнуният белгиси пайдо бўлган аёл тупроққа қоришиб кетган қопчани олиб, уни эҳтиёткорлик билан оча бошлади. Лол бўлиб қолган Лобар хола келинлари билан қопчадан кўз узмайдилар. Лўли аёл уларга Темир бўлакчаси, соч толаси каби майда-чўйда нарсалар солинган ўн икки дона кичик-кичик тугунчаларни кўрсатиб, булар оиласага там-ташвиш олиб келишини айтди.

Кўз ўнгига юз бераётган воқеаларга чиппа-чин ишонгани Лобар хола рўзгоридан кут-барака кетиб, кўнгилхирачиликлар юз бериши мумкинлигидан қўрқиб кетди. Барча нажотни фолбин хотиндан кутиб, ундан ёрдам беришини илтимос қилди. Оила аъзоларининг соғлиги ва баҳт-саодати учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Лўли хотин бироз ўлланиб ӯргач, ишонч билан деди:

— Энди кўп тушкунликка тушиб ўтиromoқдан фойда чиқмайди. Яхшиси зудлик билан бўлғуси касодларнинг олдини олган маъқул. Тугунчаларни ўқиб, «қайтариқ» қилиш учун ҳар бирига ўн минг сўмдан пул берасиз. Чунки бу «илму амал»ни кўмилганига анча вақт бўлган. Агар эътибор берган бўлсангиз дуоларни ўқиётганда жуда қийналдим. Пешонамдан тер қуилиб, ўзимни беҳол сездим.

Не қиларини билмай боши қотган Лобар хола уйда бунча миқдорда пули йүқлигини, фақатгина түрт минг сүм бера олишини айтди. Вазиятнинг хукмрони бўлиб турган фолбин ҳовлида ўйнаб юрган қизчанинг қулоғидаги тилла зирақларига имо қилди:

— Бизга шунисиям бўлаверади.

Лобар холанинг қўли ишга бормай қолди. Аёлнинг ноҳуш гапларини эсласа таъби хира бўларди. Кечга бориб, боши оғрий бошлади. Кечки пайт дарвоза яна тақиллади. Эшикдан кириб келган қўшнини кўриб холанинг чиройи очилди. Гапдан-гап чиқиб, хола тенгдошига дардини очди. Унинг гапларидан қўшни аёл хушёр тортди.

— Лўли хотин денг. Тупроқни ковлатиб, «илму амал» топдими?

— Ҳа, кимдир ёмонлик истаб хонадонимизга иссиқ-совуқ қилаётганга ўхшайди.

— Соддасизда Лобархон, соддасиз. Ўша фирибгар фолбин бизникигаям кирганди. Ерни чукур ковлатиб, қўлидаги тугунчасини сездирмасдан чelакка ташлади. Хийласини сезиб қолдим. Билмасликка олиб унинг айтганларини қилавердим. Челак ичидаги тупроқни титкилаш чоғида тугунчасини кўрпача тагига беркитдим. Тупроқни титкилаб ўзининг тугунчасини тополмаган лўли мулзам бўлиб, демак, сизларнинг хонадонингиз хавфу-хатардан ҳоли экан, — деб хизмати эвазига юз сўм нарзи олиб, жуфтакни ростлади.

Ҳалиманинг ҳикоясини эшигтан Лобар хола гап нимадалигини дарҳол фаҳмлади. Ҳали узоққа кетмай хонадонларнинг бирида навбатдаги «операция»ни амалга ошираётган лўли хотиннинг сири фош этилди.

## ОҒУГА АЛМАШИЛГАН ТУЛПОРЛАР ТЎЙ ТАРАДДУДИ

Ўша кунги воқеадан бери вужудини сархуш этган хаёллар оғушида маст бўлиб ўтирган Мажид эшик тақиллаётганини ҳам сезмади. Ярим тун, уйдагилар ширин уйкуда. Ташқаридан келаётган овоздан хуши жойига келди. Ким бўлди бу, ярим кечаси келган... Мажид дарвоза томонга юаркан, беихтиёр хавотирга тушди.

— Бу мен Дилшодман, зарур иш чиқиб қолди, узр. Дўстининг овозини таниди, эшикни очди.

— Нима гап ўзи, тинчликми ишқилиб, — саломга алик олишни ҳам унуган уй эгаси меҳмонни саволга тутди.

— Хавотирланма, ҳаммаси жойида, — деб Дилшод унинг кўлларини сиқди.

У маҳалладаги уддабуррон йигитлардан бири. Укаси Дилмурод билан тайинли жойда ишламасалар ҳам ўз “бизнес”лари борлигини Мажид эшиганди. Бундан бир ҳафтача олдин бирга иш қилганларидан кейин уларнинг қандай “тирикчилик” қилишлари Мажидга аён бўлганди. Ака-укалар билан биринчи ҳамкорликлари ёмон бўлмади. Бироз хавфлилигини айтмаса зўр иш. Яхшигина пул ишласа бўлади. Балки ҳозир ҳам бирон жўяли маслаҳат билан келгандир, деган ўйда Мажид унга савол назари билан қаради.

— Хабаринг бор, яқинда укамнинг тўйини қиляпмиз. Буёгини ўзинг яхши тушунасан оғайни. Бу кам-кўстларнинг адоги йўқ экан. Харажат устига харажат. Шунга...

— Тушундим. Пул керак демоқчисан. Очиқчасига гаплашсак.

— Майли.

— Бу гал мени улушим қандай бўлади?... Ҳозирдан айтиб қўйай, ўтган сафардагидек, ёш болани хўроҳанд билан алдагани сингари тилемни тицлаб қолмайманми?

— Яна ўша гапми? Айтдимку сенга, ўшанда Иброҳимнинг зиқналиги туфайли ҳаммамизчув тушдик. Сен билан бир-икки кунлик одамлармасмизку, ахир. Бу сафар қуруқ қоладиган анойи йўқ. Мен кеча ишни пишишиб қайтганман. Эртага қечқурун етти яримда учрашамиз. Дилмурод билан келиб сени олиб кетамиз. Қолган гапни йўлда келишиб оламиз. Кўнглинг тўқ бўлсин, ҳаммаси яхши бўлади.

Мажид унинг таклифига рози бўлиб, кузатиб қўйди. Биродарларнинг яхши кунларида имкон қадар кўмаклашса ёмон бўлмайди, дея дилидан ўтказди у.

Келишилганидек, айтилган вақтда пойтахтнинг Ҳамза тумани худудида жойлашган Авиасозлар техникиуми рўпа-расида учрашишди. Энди биронта янги машинани илинтиришса бас. Дилмуроднинг ишораси билан янгигина Нексия келиб олдиларига тўхтади. Йигитлар ҳайдовчидан Қўйлиққа

олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Йўлкирани келишгач, йўлга тушдилар.

Машина Турсунхўжаев кўчаси бўйлаб физиллаб борарди. Ҳамза тумани электр тармоқлар корхонаси биноси олдига етиб келганида, Дилшод ҳайдовчига тўхтатишни буюрди. Орқа ўриндиқда ўтирган Мажид шу заҳоти ҳайдовчини чап қўли билан бўға бошлади ва ўзи билан олиб юрган кабоб сихини унинг бўйнига тираб, жонидан умили бўлса калитни берипни айтиди. Кутимаган ҳужумдан қўрқиб кетган ҳайдовчи, ўзини ўнглаб олиб, босқинчилар чангалидан қошишга уринди. У бир силтандию Мажиднинг қўлидан чиқиб, рўпарадаги кўчага югорди. Дилшод рулга ўтирди. Машина Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани томон елдек учди. Келишилган манзилда уларни Иброҳим ва Эргаш исмли учарлар кутиб турарди.

Мажид шу куни чўнтагида 70 АҚШ доллари билан уйига қайтди. Дилшод ва Дилмурод хизматлари эвазига 150 грамм героин олди. Уни амаллаб пуллашса, тўй харажатининг бир қисмини кўтариши аниқ эди...

### ИБРОҲИМ БИЛАН ТАНИШУВ

Ўша куни Нексияни қўлга киритганларидан сўнг, Дилмурод уяли телефони орқали танишига уч-тўрт марта сим қоқди. Манзилга етиб боргач, Москвич машинасида келишган, 25-26 ёшлардаги бир йигит тушди. Унинг ёнида Эргаш исмли киши ҳам бор эди. Мажид ўшанда Иброҳимни биринчи марта кўрган эди.

Иброҳим Тожикистоннинг Ленинбод вилоятида туғилган. Айни пайтда Олмалиқ шаҳрида яшарди. Унинг Дилмурод билан яқин дўст эканлигига шубҳа йўқ. Лекин ҳар гал япянги Нексия эвазига арзимаган ҳақ берганидан Мажид хафа эди. Эҳтимол, Дилшоднинг галида жон бордир. Балки Иброҳим бундан кейин уларни хафа қилмас. Энг муҳими, у доимий мижоз. Етказилган ўлжалар эвазига соққами, анавиданми бериб турса кифоя. Иброҳим ҳар бир машина эвазига героин берарди. Дилшод, Дилмурод ва Эргашлардан ташқари Томаз, Сайд, Абдували, Илҳом, Шодмон, Олег исмли ишончли шериклари ҳам бор. Айниқса, уларнинг орасида асли Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан, ҳозирда Олмалиқ шаҳрида яшаётган Томаз ва оҳангаронлик Абдували ўз ишига пухта. Иброҳим улар билан ҳисоблашиб иш қиларди.

## КУЁВ ОШИ НАСИВ ЭТМАДИ

Куз кириб келди. Уйланганига уч кунгина бўлган Дилмурод Мажиднинг уйига келиб, уни қўярда-қўймай Амир Темур хиёбонига бошлаб кетди. Улар йўл-йўлакай ов режасини тузиб олдилар. Иккевлон кўзга яқин бир машина учрашини кутаркан, Дилмурод тўйдан кейин чўнтағида ҳемири ҳам қолмаганини айтиб, аҳволидан шикоят қилди. Бугун эса, куёв ошига ҳам бормасдан пул топишга бел боғлаган эди.

Оқ рангдаги янги Нексия уларнинг кўзига оловдек кўринди. Ҳайдовчи уларнинг ишораси билан машинани ўл четига тўхтатди. — Қурувчилар кўчасига ташлаб қўйинг, — деди Дилмурод. Манзилга яқинлашгандарида олдинги ўриндиқда ўтирган Дилмурод машинани тўхтатишни сўради. Худди шу пайтда орқа ўриндиқда ўтирган Мажид қўйнидан пичоқ чиқарib ҳайдовчининг бўйнига тиради. Эпчиллик билан Дилмурод рулга ўтири. Беш чақиримча йўл босишигач, машина эгасини улоқтириб юбордилар. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги учинчи бригадага етиб келишди. Дилмурод уяли телефон орқали акаси Дилшодни чақири. Дилшод, Иброҳим ва Қаҳрамон исмли яна бир йигит тезда етиб келишди. Келишув-битимдан сўнг улар машинада Бекобод орқали божхона назорати ва йўл патруль хизмати постларини айланиб ўтиб, Тожикистон Республикаси худудига ўтдилар. Эртаси куни Дилмурод Мажидга ўлжадан тегишли улушини ташлаб кетди.

Мажид қандай йўлга кириб қолганини мулоҳаза қилиб ўтирмади. Осонлик билан топилган пул унинг хаёлини ўғирлади. Кейинги кунларда ишхонасига боришини хаёлига ҳам келтирмай қўйди.

Қишининг дастлабки кунларида навбатдаги овга чиқдилар. Республика травматология институти касалхонаси олдидаги бекатда нафас ростлаб турган уч оғайнининг нигоҳи фуқаро Б.Розиев бошқарувидаги Нексияга тушди. Улар ҳайдовчидан Қўйлиққа олиб бориб қўйишини сўрадилар. Йўлкира ҳақи келишилгач, манзил томон жўнашди. Табибий кўчасига кираверишда, машинани тўхтатишни илтимос қилдилар. Шу заҳоти орқа ўриндиқда қулай пайт пойлаб ўтирган Мажиднинг омбурдек қўллари ҳаракатга келди. Дилмурод машина калити ва ҳайдовчи чўнтағидаги ҳужжатларини

тортиб олиб, рулни бошқарди. Бироз юргач, Розиевни тушириб юборишди-да, Ўрта Чирчик туманининг Бектемир кўргони томон жўнадилар. Кўргонга етгандарида Дилмурод тушиб қолди. Дилшод билан Мажид Оҳангарон туманидаги жамао хўжалик томон равона бўлишди. У ерда уларни Олег ва Шодмонлар кутиб туришарди. Яна ўша йўл орқали юриб, машина Тожикистон Республикасига олиб ўтилди. Бу хизмати учун Мажид 100 минг сўм улуш олди.

Орадан бир ой вақт ўтди. Дилшоддан ҳануз дарак йўқ. Мажид сабрсизлик билан дўстларини кутарди. Кутилмаганда уйига Олег Шодмон билан кириб келди. Яна янги машина керак экан. Мажид Дилшод ва Дилмурод билан ишлашга одатланганлиги сабабли, иккиланиб қолди. Олег аввалги сафар Дилмурод билан пул устида тортишиб қолгани боис тўғри Мажиднинг олдига келган экан. Мажид таваккал қилди. Уларнинграйини қайтармай, йўлга отланди. Иш олдидан Олег уларни Магистраль кафесида яхшилаб меҳмон қилди. Кайфиятлари чоғ бўлгач, кўчага чиқиб, Ж.Акбаров бошқарувидаги Нексияни тўхтатдилар. Яна ўша усул қўлланди. Мажид бу гал ҳам ишини қойиллатиб бажарди.

Ишнинг хамирдан қил суургандек силлиқ кечганидан хурсанд бўлган Олег Мажиднинг қўлига 100 АҚШ доллари тутқазди.

— Бу хамир учидан патир, — кўз қисди Олег. Ўзлари ўлжа билан Тожикистонга кетдилар.

Фуқаро Акбаровга тегишли машина ҳам жиноий уюшма атъолари томонидан гиёхванд моддага алмаштирилиб ўзаро тақсимлаб олинди.

Табиийки, бундан хабар топган Дилшод хафа бўлди. Унингсиз ҳамтоворогининг Олег ва Шодмон билан иш қилганлиги Дилшодга оғир ботганди.

— Пулга муҳтоҷ эдим, — дея ўзини оқлади Мажид. Дилшод чўнтагидан бир даста пул чиқарди: — 100 минг. Ёрдаминг керак. Ишни битирсак яна тегишингни оласан. Дилшоднинг гапи ерда қолмади. Икковлон Амир Темир хиёбони томон равона бўлдилар. У ердан Лисенко исмли йигит бошқарувидаги яшил Нексияга ўтириб, ҳайдовчидан “Фарғона дәҳқон бозори”га олиб боришни илтимос қилдилар. Бу сафар машина билан бирга ҳайдовчининг

Лисенкони шахсий паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, нархи 100 минг сўмлик чарм куртка, 70 АҚШ доллари 10.000 сўм пул ва бошқа буюмлар ўлжа олинди.

— Буюртмачи бу Нексияни 800 грамм “героин” моддасига алмаштириди. Гиёҳванд моддаси контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтилиб, жиной гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланди. Мажид ҳамкори Дилшоддан яна 100 минг сўмни қуртдек санаб олди.

### ДАРЁ БЎЙИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Мажиднинг борган сари тажрибаси ортиб борарди. Боз устига гиёҳвандлик таъсирига тушди. Энди бу заҳри қотилдан қабул қилиб турмаса мазаси қочадиган бўлиб қолди.

Мартнинг ўрталарида у Дилшод билан яна “ов”га отланди. Пойтахтимиздаги Япония элчихонаси олдида буюртмачилар кўнглига мос тушадиган яна бир Нексия машинасини тутиш илинжида турган босқинчилар бу гал ҳам ниятига етди. Аввалдан ҳайдовчининг қўлига 1200 сўм пул тутқаздилар. Дилшод одатдагидек олдинга, Мажид орқа ўриндиқقا ўтириди. Машина “Сувсозлар” ўйингоҳи ёнига етганда Дилшод машинани тўхтатишни сўради. Мажид машина эгаси И.Элизовнинг бўйнига пичоқ тиради. Дилшод чаққонлик билан калитни суғириб олиб, рулни бошқаришга ўтириди. Ҳайдовчи Мажиднинг қўлидан чиқиб, унга мушт тушириди. Оғриқдан қони қайнаган Мажид шафқатсизларча ҳайдовчининг кўкрагига пичоқ урди. Жабрланувчини ўриндиқقا ётқизиб, йўлга тушдилар. Мурдани Чирчик дарёси ёнидаги жарга ташлаб юбордилар. Босқинчилар марҳумнинг қўлидаги соатни ечиб олишни унутмадилар.

Ўлжани манзилга етказиб, Эргашнинг уйида меҳмон бўлиб, ҳеч нарса кўрмагандек ортга қайтдилар.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Мажид хизмати эвазига 140 минг сўм пул ва 20 грамм героин — “инъом” олди. Героинни бир ўзи истеъмол қилиб юборди. Бу машина ҳам Тожикистонлик Илгор исмли шахсга 600 грамм героин моддасига алмаштирилди.

### САМАРАСИЗ ТАКЛИФ

Мажид кўчада кетаётган эди. Қаршисидан Дилмурод деган таниши чиқиб, жиддий иш ҳақида сўз очиб маслаҳат

сўраб қолди. Бу йигит ўзи қўли гул усталардан бўлиб, ҳар қандай русумдаги автомобилларни таъмирлай оларди. Айниқса, “Жигули”, “Москвич”ларни у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқадиган абжир йигит эди.

— Бир таклифим бор, — дея гап бошлади сирли оҳангда.  
— Мени биласан. Одамларнинг ҳожатини чиқариб, тирикчилик қиласман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Хўп десанг, бирга ишлаймиз. Ҳафа қилмайман.

— Ниятингни очиқ галиравер, — далда берди унга Мажид.  
— Менга ВАЗ-2106 русумли жигули керак. Бу сени қўлингдан келади. Агар ёрдам берсанг, 100 минг сўм оласан.

“Така бўлсин, сут берсин”, хаёлидан ўтказди Мажид. Унинг жавоби қисқа бўлди: — «Кечки пайт Амир Темур хиёбонида учрашамиз». Қоронгида топишган ошналар оқ рангли “ВАЗ-2106” жигулини тўхтатиб, ҳайдовчидан «Курувчилар» кўchasига элтиб қўйишини илтимос қилдилар. Манзилга етганларида Мажид ҳайдовчининг биқинига пичноқ тиради-да, қаршилик кўрсатмасдан машинани қолдириб кетишини талаб қилди. В. Османқулов эса зўравонлар билан муштлашиб кетди. Яхшигина зарба еган Мажид ҳайдовчининг елкасига икки марта пичноқ урди. Бирдан қарши томондан кедаётган машина тезлигини пасайтириди: Вазиятдан фойдаланган ҳайдовчининг жони омон қолди. Қўлга кири-тилган ўлжани Ўрта Чирчик тумани томон ҳайдаб кетаётганларида машина ариқча тушиб кетди. Уни чиқариб олишга кучи етмаган босқинчилар машинани ташлаб кетдилар. Мажид икки қўлини бурнига тикиб қолаверди.

Сўнгги вақтларда, “бизнес”ларидан хайру барака кетиб бораётгани, боз устига ўртачириклик ҳамтовоқларидан садо чиқмаётганидан хавотирга тушган Иброҳим яқин оғайниси Томаз билан йўлга отланди. Уларни қадрдонлари Дилшод кутиб олди. Кейин Мажидникида меҳмон бўлдилар. Зиёфатдан сўнг навбатдаги режа тузилди. Меҳмонлар уларнинг ишлари эвазига тўланадиган ҳақни оширадиган бўлдилар. Иброҳим ҳар битта Нексия учун 800 граммдан героин беришни ваъда қилди.

Меҳмондорчиликнинг эртаси куни икковлон кечки пайт яна Амир Темур хиёбони томон йўл олдилар. Навбатдаги курбон оқ рангли Нексия бўлди. Яна эски усул қўлланилди. Дарҳол рулни қўлга олган Дилшод машинани Бектемир

томонга ҳайдади. У Мажидни йўлда қолдириб, Олмалиққа жўнади. У ерда Дилшодни Иброҳим билан Томаз кутарди. Ўлжа етиб келгач, улар Иброҳимни шу ерда қолдириб, иккови Тожикистон Республикаси худудига ўтиб кетдилар.

Нексия 800 грамм героинга алмаштирилди. Кўлга киритилган ўлжа жиноий гуруҳ аъзолари ўргасида тақсимланди.

Шундай қилиб, жиноий гуруҳ аъзолари ўз гаразли мақсадлари йўлида ўта усталик билан фаолият олиб боравердилар. Гуруҳ аъзолари жиноий ишини давом эттиравердилар.

Мажид, Дилшод, Дилмуродлар яна бир неча машинани гумдон қилдилар. Фуқаро Б.Холматов бошқарувидаги Тошкент халқаро аэропорти давлат унитар корхонасига тегишли Нексия "Болалар дунёси" дўкони қаршисида тўхтаб, икки нафар йўловчи билан Кўйлик томон йўл олди ва шу бўйи дом-дараксиз кетди. Бундан ташқари фуқаро Ф. Санаев, П. Каргалов ва А.Бекназаровлар ҳам бу босқинчиларга Нексияларини ўз қўли билан топширишга мажбур бўлдилар.

Машиналарнинг барчасини турли йўллар орқали Тожикистон Республикасига олиб ўтган жиноятчилар, уларни гиёҳванд моддага алмаштириб қайтган. Хизматлари эвазига олинган «ажал уруғи»дан эса, улар ўз билганича фойдаланган. Дастреб ҳар бир ўлжа учун ўз тегишини фақат пулда олишни талаб қилган Мажид ҳам бора-бора героинга қаноат қиласидиган бўлди. Чунки унинг ўзи ҳам оғусиз туролмайдиган, овга чиққанларида озгина истеъмол қиласа, ўлжасига бамисоли оч бўридек ташланадиган бўлиб қолганди.

## ЖИНОИЙ ГУРУҲ ИЗИДАН

Бу воқеалар 1999 йилнинг охири ва 2000 йилнинг бошида юз берганди. Пойтахтимиз кўчаларидан «Нексия» русумли машиналар изсиз йўқолишида давом этган. Жиноятчи тўда аъзоларининг иш усули бир хил бўлган. Ярқираган машиналар тўхтатилиб, бирон бир манзилга элтиб қўйишни сўрашган. Пулни мўлжалдагидан ортиқроқ айтишган. Жиноятчилар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаган. Автоуловларни қўлга киритгач, маълум манзил томон равона бўлганлар. Баъзан йўловчиларнинг ҳара-

катлари шубҳали кўринганида ёки улар тўсатдан ҳужум бошлаган пайтларда қаршилик кўрсатишга уринган машина эгалари босқинчиларга бас келолмаган. Тоҳикистонлик ҳамтовоқлари томонидан ҳар бир ўлжа эвазига маълум миқдордаги героин билан тақдирланган «шоввоз»лар ушбу заҳри қотил таъсирида янада дадил иш кўрганиклиари шундоққина аён. Бора-бора ширин оғу қулига айланиб қолган бу шахслар ҳатто ҳеч қанақа «буюртма»сиз ўзлари машина ўғирлаб, сўнгра, «ҳалоскор»лари томон ошиқадиган даражага етган.

Тўда аъзолари аксарият ҳолларда, Тошкент шаҳридаги «Тата» меҳмонхонаси, «Буратино» кафеси ва Амир Темур хиёбони атрофларида қоронги тушишдан олдинроқ иш кўрган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари томонидан жиноий гуруҳ аъзоларидан бири Нишонбой исмли кимса қўлга олинди. Тергов жараёнида Нишонбой ва унинг ҳамтовоқлари томонидан тортиб олинган барча автомобиллар турли миқдордаги гиёҳванд моддаларга алмаштирилганлиги фош этилди.

Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин ҳам чиқади леб беҳудага айтишмаган. Осон пул топишга мазахўрак бўлиб қолган йигитлар ана шу нақлни эшишишмаган чофи. Уларнинг хатти-ҳаракатларига барҳам берилди. Қисқа вақт оралиғида ўтиздан ортиқ жиноий ишда гумон қилинган гуруҳнинг 14 нафар вакиллари қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

## ТЎЙФИЗГАННИНГ ҚОРНИГА...

Абдусамат ака оғриқнинг азобини сезмас, кўзларини юмганча беҳуш ётарди. Фожеадан саросимага тушиб қолган оила аъзоларининг бири йиғлаган, бири ҳангуманг, яна бири тоғ у ёққа, тоғ бу ёққа югуради. Кўзларидан қаторқатор ёш томчилётган аёл нима қиларини билмай эрининг сўлгин юзларини оҳиста силарди. Қонга беланиб ётган дадажонисининг аҳволидан кўрқиб кетган кенжатой Соҳибжон ҳеч нарсага овунмай: «Дадажонимни ўйғотинглар. Нега уларнинг кийимлари қон?», – дея йиғларди.

Оиланинг түнгичи ўзини ўнглаб қўшниларни чақирди. Кимдир милицияга, яна кимдир «Тез ёрдам»га сим қоқди. Бир зумда уй одамлар билан тўлди. Қоронғуликда қай томонга юришни билмай, ҳовли ўртасидаги ҳовузга йиқилиб, бир оёғи қаттиқ шикастлангани боис қочишга улгурмай қолган айборни Шайхонтоҳур туман ички ишлар ходимлари қўлга олдилар. Бу орада тезкор гуруҳ вакиллари билан бир вақтда ҳозир бўлган шифокорлар жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиб, уни касалхонага олиб кетдилар.

Мазкур жиноят нима сабабдан ва қандай содир этилди?..

Қодир ўша куни дўстининг хонадонида меҳмонда эди.

... Ул-бул харид учун бозорга чиқкан Абдусамад ака уйга қайтаётib, оғайниси Қодирни мардикор бозорида учратиб қолди. Анчадан буён кўришмаган қадрдонлар дийдор кўришганидан мамнун эдилар.

Тўкин дастурхон атрофилда суҳбатлашиб ўтирган икки дўст, кеч тушганини ҳам сезмай қолишиди. Сертакалуф мезбон меҳмонни бу кеча уйда тунаб қолишига кўндириди.

Абдусамад аканинг дўсти шаҳарга иш қилириб келган эди. Унга қандай қилиб бўлса-да ёрдам бериш лозим. Қодир қийналиб қолганга ўшайди. Ўринларига ётгандан кейин ҳам анча вақт гаплашиб ётдилар.

Ҳовлидаги чироқ шуъласи ичкарини ҳам гира-шира ёритиб турарди. Хонадон соҳибининг уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилган меҳмон ўрнидан туриб, хона тўрида жойлашган жавондаги тилло тақинчоқларни олиб қўйнига тиқди. Мезбоннинг ўйғонишини хаёлига ҳам келтирмаган Қодир ичига пуллар солинган кутиниям топиб олди. Омади юриш-шაётганидан хурсанд бўлган ўғри дўстининг тўйга тайёрла наётгани ҳақида гапирганини эслади. Худди шу пайт чироқ ўчиб, атроф зимистонга айланди. Қоронғуда қолган меҳмон ногоҳ мезбонга урилиб кетди.

— Қодир бу сизми? — сўради Абдусамад ака. У ҳайрон бўлиб шам ёқиши учун ўрнидан турди. Бирдан ҳовлидаги чироқ ёниб, унинг шуъласидан хона ичи ҳам ёришди.

Дераза ёнида турган Қодирга кўзи тушган мезбон «Ҳа, эшикка чиқмоқчи эдингми? — деб сўради-да, бориб хонанинг чирогини ёқди. Меҳмон қўйнида ва чўнтакларида ни манидир беркитган куйи саросимада қолди. Хонадон соҳибининг эшиклари ланг очиқ қолган жавонга кўзи тушгач, ҳаммасини тушунди.

— Қодиржон, нега бундай қилдинг, оғайни?.. Дўстим дея уйга тақлиф этган инсоннинг хатти-ҳаракатидан ҳайратга тушган Абдусамад аканинг саволи жавобсиз қолди. Номард меҳмон хонтахта устида турган пичоқни олиб унинг қорнига санчди.

Мана жиноятнинг қисқача тафсилоти. Дўстини қувонч билан кутиб олган оққўнгил инсоннинг яхшилигиганомард дўстнинг жавоби шу бўлди. Хайрият, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди. Фарзандларининг баҳтига Абдусамад aka омон қолди. Соғайиб яна оиласи бағрига қайтди. Аммо унинг қалбида дўстим деган кимсадан торған жабри битмас яра бўлиб қолди.

### БИРОВНИНГ МОЛИ ЎЗГАГА...

Бир тасаввур қилинг. Уйингизни тўлдириб турган, хизматингизни беминнат бажариб, узогингизни яқин, оғирингизни енгил қилиб келаётган автоуловингиздан кутилмаганда ажралиб қолсангиз. Уни ўғирлаб кетиб, кўнгиллари тусагандай фойдалансалар. Дейлик, учар тўлпорингиз ғаламислар қўлида қисмларга ажратилиб ташланса, оддийгина ғемир матаҳга айланиб қолса. Мол аччиғи — жон аччиғи детанларидек, бундай кўнгилсиз ҳодисалар ҳар бир мулк эгасининг таъбини хира қилиши аниқ. Яхши кунларимга ярап, фарзандларимга мендан бир совға бўлсин дея, не-не эзгу умидлар ила пешона тери эвазига сотиб олинган буюмингизни талон-тарож қилишса, жаҳлингиз чиқадида. Ўгрилар топилиб жазоланишини истайсиз. Бироннинг мулкига кўз олайтирган ноинсоф кимсаларга нисбатан дилингизда нафрат ўйғонади.

Қишининг аёзли кунларидан бирида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани, Марказ-5, 26-йнинг қаршисида қолдирилган, фуқаро Жаҳонгир Абдуллаевга тегишли «ВАЗ-2105» русумли автоулов ҳам номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди.

Эрта тонг ўйғонтан Жаҳонгир одатдагидек нонушта қилиб ишга отланди. Кўчага чиққанида машинаси жойида йўқ эди. Унинг хаёлига ҳар хил ўйлар келди. Не қиларини билмай ортга қайтди. Унинг хабаридан уйдагиларнинг ҳам кайфияти тушиди.

— Энди шу ташвиш етмай турувди, — дея хафа бўлди унинг отаси, — вақтни бекорга ўтказишдан фойда йўқ. Дарров милицияга хабар бериш зарур. Отанинг ўзи «02» га сим қоқиб, бўлган воқеани айтди. Кўп ўтмай, туман ички ишлар бошқармасидан тезкор-тергов гуруҳи вакиллари етиб келишди. Бу вақт оралиғида бутун шаҳар милицияси оёқса туриб, жиноятчиларни ушлаш ҳаракатига тушишди. Аммо ҳанузгача бирон маълумот йўқ эди. Вазиятдан келиб чиқиб, шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳали излар бо силмай туриб, жиноятни очиш лозим эди.

Энг аввал илгари жиноят содир этган шахслар аниқланди. Улардан бири 23 ёшли Анвар исмли йигит бўлиб, муқаддам судланган. Озодликка чиққач ўзига холоса чиқармаган.

Олиб борилган дастлабки тергов жараёнларда Шайхонтохур туманида яшовчи ушбу фуқаронинг бугунги кунга қадар бир неча марта ҳудди шундай жиноятларни содир этганлиги фош этилди. У ҳамтовори Расул билан биргаликда, ўтган йилнинг октябр ойида Акмал Икромов тумани ҳудудида Чилонзор-14 мавзеда истиқомат қилувчи фуқаро Ортиқбоев Жаҳонгирга тегишли яшил рангли «ВАЗ-2105» русумли автомашинани ҳам олиб қочганлиги маълум бўлди.

Улар 2002 йилнинг ноябр ойи бошларида Чилонзор туманидаги «Спорт» моллари дўкони олдида қолдирилган «ВАЗ-2106» русумли автомашинани олиб қочишган.

Овлари бароридан келаётганидан руҳланган ўғриларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Ўзларини чапдаст ва омадли санаган жиноятчилар ўзлари яшайдиган туман ҳудудида омадларини синаб кўришга бел боғлайдилар. Ўрда кўчасидаги дўкон олдида турган «ВАЗ-2107» русумли машина кўзларига яхши кўриниб кетиб, кўп вақт ўтказмай уни ҳам гумдон қилдилар.

Расул шерикчиликка қаноат қилмай қўйди. Устозидан ўрганган «ҳунар»ни ишга солиб мустақил ишлашга аҳд қилди. У 2003 йилнинг январ ойи ўрталарида Шайхонтохур тумани Лабзак кўчасида турган, «ВАЗ-2106» русумли машинани олиб қочди. Ҳеч кимга «ҳидлантирмай» ишни охирига етказди.

Хўш, бу «шоввоз»лар ўғрилаган машиналарини нима қилган?..

Анвар билан Расул қўлга киритган машинани мўлжаллаган манзилга етказишган. Уларни ҳамтовоқлари, яъни ҳар қандай техникани кўз очиб юмгунча бўлак-бўлакларга ажратиб ташлашни қойиллатадиган «қўли гул усталар» интиқ бўлиб кутиб турган. Жиноятчиларнинг бу каби «устахона»лари шаҳримизнинг Акмал Икромов, Чилонзор туманларида ва яна бошقا жойларда мавжуд бўлган. Аниқланишича, Руслан, Ботир ҳамда Комил исмли йигитлар ўғриларнинг ўлжаларини майдалаб бозори чаққон эҳтиёт қисмларни безиён ҳолда ажратиб берган. Жиноятчилар машиналарнинг кузовларини ҳам ташишга қулай бўлиши учун ўртасидан кесиб, хавф-хатардан холи жойларга олиб бориб ташлагандар. Иккита ана шундай машинанинг кузовларини ўртасидан кесиб, Жалолобод кўчаси орқали оқиб ўтадиган каналга ташлаб юборганилиги аниқланди.

Шуниси ҳайратланарлики, қингир йўллар билан келтирсан, ўзгаларга тегишли машиналарнинг эҳтиёт қисмларига харидорлар доим тайёр турган. Тергов ҳаракатлари давомида арzon-гаров эҳтиёт қисмларни сотиб олишга иштиёқманд фуқаролар ҳам аниқланди.

Шундай қилиб, пойтахтимизнинг турли масканларидан асосан, жигули русумидаги автомашиналарни ўғирлаб, уларни эҳтиёт қисмларга ажратиб ва келишилган нархларда пуллаб келган ушбу жиноий гуруҳнинг ўн бир нафар аъзоси қўлга тушди. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, бу шахслар содир этган жиноятлари учун тегишли жазосини олдилар.

## СОХТА МИЖОЗ

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деган нақл бежизга айтилмаган. Мирзанинг миясига тер тўқмасдан, осон ва мўмай пул топиш мумкин деган фикр ўрнашиб қолди. Ниҳоят ўйлай-ўйлай топган режасини амалга оширишга аҳд қилди. Унинг бу қарорга келишилгига мажбур қилаган нарса чўнтагининг куп-қуруқлиги эди. Ахир бир тоvuққа ҳам дон, ҳам сув керак. Унинг сигарет сотиб олиш учун ҳам пули қолмади. «У ёқдан» қайтиб келганига анча

вақт ўтди-ю, ҳамон бирон ишнинг бошини тутишга бўйни ёр бермади.

Мирза кўз остига олган хонадон сари йўлга тушили. Шайхонтохур тумани ҳудудидаги уйларнинг бирига келиб, аввалдан тузган режасини амалга оширмоқчи бўлди. Дарвоза олдидা бироз талмовсираб, у ёқ-бу ёқни кўздан кечиргач, қўнғироқ тугмасига кўл узатди. У қадам товушидан аёл киши келаётганлигини дарров фаҳмлади. Бу эса, Мирза учун айни муддао эди. Ҳар ҳолда эркак кишидан кўра аёлларнинг қулоғига лағмон осиш осонроқ, деб ўйларди у. Ичкаридан «Ким у» деган жавобни эшитгач, Мирза ташрифдан муддаосини билдириди.

Уйларидан тўй-маъракалар учун ишлатиладиган анжомларни ижарага олиб кетувчи мижозларнинг вақт-бевақт келишига ўрганиб қолган уй бекаси бу нотаниш йигитнинг ҳам шу мақсадда келганини эшлитиб эшикни очди.

Илтифот, салом-аликни ўринлатган мижоз маърака учун стол ва стуллар зарур бўлиб қолганлиги, имкони бўлса, ижарага бериб туришларини илтимос қилди. Бека рози бўлди. Бундан мамнун бўлган Мирза, қоида бўйича ўзининг фуқаролик паспорти билан ижара ҳақи учун 5800 сўм пул қолдириб, 30 дона стол ва 120 та стулларни йўловчи машинага ортиб, жўнаб кетди.

Иш хамирдан қил суғиргандек силлиқ битганидан мамнун Мирза, энди «ўлжа»ларни фурсатни бой бермай, пуллаш тўғрисида бош қотириб борарди.

Юк ортган ушбу машина Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган тижорат дўйони ёнида тўхтади. Мирза шошганича ичкарига кириб, ўз ишлари билан банд сотувчига юзланди. Унга стол-стуллари борлигини, пул зарур бўлиб қолганлиги боис, уларни сотмоқчи эканлигини айтди. Мабодо сотиб олиш нияти бўлса, арzonроқча ҳам рози бўлиши мумкинлигига ишора қилди.

Бу нотаниш йигитнинг сўzlарига унчалик ишонқирамай, иккиланиб турган сотувчи, ундан: «стол-стуллар ҳақиқатдан ҳам ўзингизникими», деб сўради. – Ҳа, – деди Мирза киприк қоқмай. У ўз оёғи билан келган, нархи ҳам бинойидек молларни қўлдан чиқаргиси келмай, сотиб олишга рози бўлди. Ҳар жуфт стол-стул эвазига 15000 сўмдан беришини сўраб турган «мол эгаси»ни харидор 5000 сўмдан

нақд пул беришига күндириди. Шундай қилиб, «омади кел-ган» дўкон эгаси 30 та стол ва 120 та стулни бор-йўғи 150 минг сўмга сотиб олди.

Аммо «осмондан тушган» стол-стулларни қанча баҳога бўлмасин «тепиб юбориш» айни дамда пулга зориқиб турган Мирза учун аҳамиятсиз эди. Чунки нима бўлганда ҳам чўнтаги қаплайса бас.

Эртасига у яна ўша аёлнинг уйига келиб, бу гал бир оғайнисиникида ҳам тўй бўлаётганлигини, аммо тўйхонада давра кенгайиб кетганлиги сабабли, ўрин етмаётганлигини қойилмақом қилиб тушунтиргач, яна 20 дона стол, 80 дона стул ва гиламчаларини қўлга киритиб, «эртасига ҳаммасини бир йўла олиб келиб топшириб кетаман», деб содла аёлнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, жўнаб кетди.

Иккинчи марта ҳам «ови» бароридан келган уддабурон йигит навбатдаги ўлжаларини ҳам тезроқ пуллаб юбориш чорасини осон топди. С. Раҳимов тумани, Форобий кўчасида яшовчи фуқаро С. Шаҳобиддинов билан савдони пиширди. 10 дона стол ва 40 дона стул 100 минг сўмга кетди. Аввалига С.Шаҳобиддинов ҳам унинг гагларига ишонмади. Аммо Мирзанинг «Бу нарсалар ўзимники. Ошхона очиб, иш юритмоқчи эдим, лекин бунинг ҳеч иложини қилолмай турибман. Чунки, онам бетоб бўлиб қолдилар. Шунга ўзингиз биласиз, дори-дармонга пул зарур бўляпти. Агар ҳожатимни чиқарсангиз савобга қолар эдингиз...» деган гапларидан кейин, молларни келишилган баҳода олишга рози бўлди.

Омади келиб, чўнтаги пул кўрганидан шодланган Мирза, ўзидағи 10 дона стол ва 40 дона стулларни ҳам сотиб юборишга шошиларди. Уларни ҳам Чилонзордаги тижорат дўкони сотувчисига ўтказиб, 50 минг сўмни куртдек санаб олди. Стуллар устига тўшаладиган гиламчалар ҳам 8 минг сўмга баҳоланди.

Аммо ўзгаларнинг мол-мулклари эвазига топаётган пуллар Мирзанинг юзини яна шувут қилиб қўйди. Билаклари айни кучга тўлган, меҳнат қилиб чарчамайдиган бу йигит ҳалол меҳнат ортидан кун кечириш ўрнига қатор фириб-гарлик жиноятларини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

## ШИРАКАЙФ ЎФРИЛАР

Куз фаслининг осуда тонгларидан бири. Дараҳтларнинг сарғайған япроқлари тўкила бошлаган. Ҳаво салқинлиги боис, кўпчилик ҳамон ширин уйқуда. Фақатгина фаррош хотинлар кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари ва йўлакларни супуришмоқда. Шу дамда улардан бирига тўрт қаватли уйнинг томида кимдир юргандек туюлди. Аввалига унчалик эътибор қилмаган аёл кимдир томга туташган дарахт шоҳлари орқали пастга тушаётганини кўрди. У чунонам тез ҳаракат қилаётган эдикси, худди дараҳтдан дараҳтга сакраб юришга мослашган маймунларни эслатарди. Бир зумда у ерга тушди. Энди жуфтакни ростлашга шайланганда, оёғи қайрилиб, йиқилиб тушди. Унинг хатти-ҳаракатини қузатиб турган фаррошлар шубҳага тушишди. Тонг саҳарлаб томдан тушган бу йигитдан шубҳаланиб қолишиди.

Шу пайт уйнинг олд томонидан югуриб келаётган милиция ходимига кўзи тушган аёллардан бири вазиятни дарор тушунди ва йигитнинг йўлини тўсди. Дараҳт танаси қўлларини тилиб юборган, кийимлари йиртилиб кетган қочоқ фаррош хотинга чап бериб ўтаётганида, кутилмаган зарбдан ерга қулади. Аёл уни супурги билан тушириб таъзирини берди. Айни чоғда ҳозир бўлган посбонлар унинг қўлларига киshan солдилар.

Тергов жараёнида маълум бўлдики, Чилонзор тумани, 14-мавзеда яшовчи, бирон жойда ишлашни ўзига эп билмайдиган Андрей исмли бу йигит ҳамтовоги Дима билан анчадан буён мўлжаллаб юрган режаларини айнан шу уйда амалга оширишни маъқул топгандилар. Икковлон мазкур масканни обдон ўрганишиди. Кўз остига олинган фуқаро Б.Агаевнинг хонадонига кириш учун кўп бош қотирдилар. “Етти ўлчаб, бир кес” деганларидек, ҳар томонлама пухталик билан ўйлаб, кейин “иш”га киришишиди. Кўни-қўшнилар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмаган. Ким қачон чиқиб кетиб, қай вақт уйга қайтади. Бу ерда кимлар истиқомат қилишиади. Ҳаммаси Андрей ва унинг шеригига кундек равшан бўлди. Улар ниятига етишиш учун ҳеч нарсадан тап тортмади.

Икковлон ярим тунда уйнинг томига чиқиб, тонг ёришишини кутишиди. Чунки, кундузи бегона уйнинг томига

чиқиши хавфли эканлигини улар яхши билишарди. Ўлжани құлға киритиш учун эңг қулай вақт қундуз, яғни хонадон соҳибининг ишга кеттган вақти. Бунинг учун эса, тун қорон-фусида шундоққина ўлжанинг тепасида қулай фурсатни пойлаш керак.

Икки оғайнининг тузган режаси аввалига силлиққина амалға ошди. Күтилганидек, хонадон соҳиби Б.Агаев тонг соат олтиларда күчага отланди. Уни катта күчага чиқиб кетишини кузатиб турган томдаги «шоввозлар» ниҳоят қувониб кетишиди. Ҳар дақиқа ғанимат эди. Ичкарига кириш учун ягона йўл фақатгина шахта орқали. Чунки эшик ва деразаларга сигнализация мосламалари ўрнатилганлиги уларга маълум. Бир амаллаб ичкарига кириб олган ўғрилар чор атрофни кўздан кечирдилар. “Пичоқча илингулик буюмлар кўп экану, аммо “Қуруғидан” топилса, жуда соз иш бўларди”, – дея умид қилган ўғрилар уйни тинтуб қилишга тушди.

Чунки пулдан бошқа нарсани уйдан олиб чиқиб кетишининг иложи йўқ. Бир зумда хонадондаги ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди. Аммо күтилган долларлардан даррак йўқ. Нима бўлганда ҳам бу ердан қуруқ қайтиш уларга алам қиласди. Ахир шунча “мехнат”лари зое кетишини ким истайди. “Ҳар эҳтимоли шарт, асқотиб қолар” деган ўйда белларига туғиб келган сўмкалари бир зумда видеомагнитфон, стериомагнитафон каби турли қимматбаҳо буюмларга тўлди. Ўлжаларни жойлаган ўғрилардан бири жавонда терилиб турган бир-биридан чиройли шишаларни кўриб қолди. Қарасаки, ичимликларнинг ҳар хил туридан бор. Буни кўрган йигитларнинг томоқлари тақиллаб кетди. Бири дарҳол хорижда тайёрланган винони столга қўйиб, музлатгичдаги нарсалардан газак тайёрлади.

Кечаси билан томда тунаган икки оғайнининг иштаҳаси очилиб кетди. Ранг-баранг идишлардаги винолардан иккичасини бўшатиб, диванга ёнбошлиб ётишиди. Улфатлар ўғирликка келганини ҳам унугашган, ўзларини худди оналарининг уйида ўтиргандек хотиржам сезишарди. Кун ёришиб қолди, уй исисиб, хона димиқиб кетганди. Пешонасидан терчиқа бошлаган Андрей бориб деразани очди-да, шериги билан суҳбатни давом эттиреди. Деразадан майнингина шабада кириб, икки оғайнинга ҳузур баҳш этарди. Шу пайт қулоқларига сайроқи қушларнинг ёқимли овози сингари товуш

эшитилди. Андрей тамаки тутатиб, ёнбошлаб ётганди. Дима уй эгасининг кийимларини кўздан кечириб, ўзига лойифини излаётганди. Бирдан икки дўст ўзларининг қаердалигини эслаб қолди: “Эшик кўнгироги жиринглаяпти, ким келди экан”, дея шеригидан сўради Андрей. Кайфларидан асар ҳам қолмаган улфатларнинг нима қилишга бошлари қотиб, типирчилаб қолдилар. Биттаси эшик тирқишидан мўралади. Не кўз билан кўрсинки, ташқарида милиция ходимлари туришарди. «Энди қандай бўлмасин қочиш керак!» Икковлон шошганича, шахта томонга югуришди. Буюмларга тўла сўмкаларини ҳам ташлаб, томга чиқиб олган ўтилар иккиси икки томондан пастга тушишга шошилди.

Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси Қўриқлаш бўлими Марказий қўриқлаш пультида ташвишгоҳ ишлаб кетганлиги сабабли, тезкор қўлга олиш гуруҳи кўрсатилган манзилга дарҳол етиб келишган эди. Посбонлар кўрдиларки, эшик ёпик, қулф бузилмаган. Демак, хавф дераза томондан юз берган бўлиши мумкин. Шу пайт машина олдида қолган ҳайдовчи милиционер алоқага чиқиб, дараҳтдан кимдир тушаётганини айтди. Бу ширакайф ўтилардан бири – Андрей эди. У шоша-пиша сирғалиб тушаркан, пастда ҳовли супураётган фаррош хотинга эътибор бермади. Аммо фаррош аёл, ўрини пайқаб, супургиси билан боплаб туширди. Бу вақтда Дима чаққонлик қилиб, қочиб қолишга ултурган эди. Аммо у ҳам тезда қўлга олинди.

Енгил-елпи пул топишмоқчи бўлган икки ошна энди қора курсида ўтирибди. Айниқса, Андрей елкасига тушган супурги зарбини бир умр унутмаса керак.

## ТОПТАЛГАН ТУЙФУЛАР, УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

... Гулининг Ибодулла билан танишганига кўп вақт бўлгани йўқ. Йигит унга бир кўришдаёқ ёқиб қолди. Диляда севгига ўхшаш бир ҳис кеза бошлади. Баланд бўйли, келишган хушмуомалали бу йигит қизнинг хаёлидан бир дам нари кетмас, тушларига ҳам кириб чиқарди.

Ошигининг райони қайтаришга одатланмаган Гули бугун уларнинг бўлажак никоҳи тўгрисидаги таклифга розилик бериб юборди. Бунинг нечоғлик жиддий масала эканлигини яхши билса-да, негадир ўйлаб кўришга вақт керак

деб айтотмаганига афсуслана бошлади. «Нима иш қилиб қўйди ўзи?.. Наҳотки, ҳақиқий муҳаббат деганлари шу бўлса... Аммо энди нима бўлганда ҳам уйдагиларимга хабар беришим, уларнинг маслаҳатларига қулок тутишим керак. Ахир ҳазилакам иш эмас, умр савдоси бу». Ниҳоят қатъий қарорга келган қиз Ибодуллани ҳам фикрига кўндириди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, икки севишган Гули туғи-либ ўсган қишлоқда йўл олишиди. Ибодулла Гулининг қарин-дошлари билан бўлажак савол-жавобга хаёлан тайёрланган эди. Нима дейишни яхшилаб ўйлаб олганди. Шу боис ҳам хотиржам эди. Гулини негадир ич-ичидан ҳаяжон босиб, фикрларини бир жойга жамлай олмасди. Ибодулла ўзини хурсанд кўрсатиб: — Холаларингиз рози бўлса ҳозирча ўзимизнинг урф-одатларимиз бўйича никоҳ ўқитамиз. Кейинчалик имконият топганда тўй қиласмиз. Насиб этса, тўйимизга ҳаммалари бош-қош бўлишади, — деди.

Улар қишлоқда бир кун меҳмон бўлиб қайтишди. Гулининг яқинлари икки ёшга баҳт тилаб хайрлашдилар. Йигит ўзида йўқ шод: — Қизларини берса мендек йигитга беришади-да, — деб гуурланиб қўярди. Уйдагиларнинг олдидан ўтганидан Гулининг елкасидан тоғ афдарилгандек бўлди-ю, лекин негадир кўнгли ғаш эди. Холасининг насиҳатлари ҳарлаҳза ёдига тушаверди.

— Қизим ҳаёт деганлари жуда мураккаб. Йўлларинг доимо равон бўлавермаслиги мумкин. Ўнқир-чўнқирларга тушиб қолганингда ҳам сабр-тоқатли бўлишни асло унутма. Ақл-хүшингни жамлаб, обдон ўйлаб иш тутгин. Ахир ёш бола эмсан. Бошингдан озми-кўпми аччик-чучукни ўтказдинг...

Шундай қилиб, икки севишган бир-бирига суяниб қолди. Улар бир кун кўришмасалар бир-бирини соғиниб қолишаарди. Ўзаро келишиб олганларидек, ҳозирча бирга яшамасалар-да, аммо ўзларини янги келин-куёвлардек ҳис қилишарди. Гули ҳамон Сирғали туманидаги икки хонали уйида яшар, ҳурмат ва ишонч тариқасида севгилисига уйининг калитини бериб қўйганди.

Тошкент шаҳрининг энг гавжум бозорларидан бири бўлган Сирғали бозорида савдо-сотиқ қилиб, тириқчилик ўтказиб юрган Гули ўзига тўқ кун кечирарди. У ёлғиз яшас-да, эртами-кечми турмуш қурганида керак бўлади, деб рўзгори учун ҳамма керакли нарсаларни олиб қўйганди.

У Ибодуллани автотранспорт вазирлигининг бўлимларидан бирида мутахассис бўлиб ишлашини ва ундан ташқари имкониятларидан келиб чиқиб бизнес билан ҳам шугулланиб туришини биларди, холос. Буни фақат йигитнинг оғзидан эшитган. Ўзи эса негадир турар жойи, қариндошуруғлари тўғрисида ҳеч нарса демас, мабодо мавриди келиб гап очилиб қолса, дарров мавзуни бошқа ёқقا буриб юборар эди. Шундай бўлса-да, Гули унга ишонар, ҳеч қандай шубҳа-гумонга бормасди. Бора-бора Ибодулла ундан ўзини торталигани, камнамо бўлиб қолди. Кўнғироқ ҳам қилмай қўйди. Сабабини сўраса турли баҳоналарни рўкач қиласади.

Кунларнинг бирида у Гулига сим қоқиб, шаҳардаги 16-касалхона олдига келишини илтимос қилди.

— Тинчликми ишқилиб, — хавотирланди қиз. Сўнг ўзини тинчлантирди. Бирор зарур иши чиқиб қолгандир-да. Қиз турли ўйлар билан учрашув жойига шошилди. У эшикдан чиқиб, йўловчи машиналардан бирига ўтириши биланоқ, уни кузатиб турган Ибодулла фурсатни бой бермай ўйга шошилди. Тезда уйга кириб, кўз остига олиб қўйган буюмларни катта сўмкага жойлай бошлади. Қўллари қалтирад, қизнинг ҳали-бери келмаслигини билсаям шошиларди. Японияда ишлаб чиқарилган видеомагнитофон, видео ва аудио кассеталар, дазмол, тилло тақинчоқлар, духи-дезодорантлар ва ҳатто беканинг кийим-кечакларини ҳам сўмкага жойлади. Шошганидан эшикни ҳам қулфлашни унутиб жуфтакни ростлади.

Учрашув жойида ошигини кутавериб, тоқати тоқ бўлган қиз ҳеч нарсага тушунолмай, уйига қайтди. «Балки бирон иши чиқиб қолгандир. Давлат ишидаги одам», дея юпатди ўзини.

Эшикка калит солиши билан ўз-ўзидан очилиб кетди. Бундан ҳайратга тушган Гулининг вужудини титроқ қоплади. Ўзини кўлга олиб ичкарига кирди. Не кўз билан кўрсинки, хонадонида ҳамма нарса сочилиб ётарди. Атрофга разм солиб, уйини ўгри урганига амин бўлди. Унинг ҳўрлиги келиб йиғлаб юборди. Энди нима қиласади? У ҳайрон бўлиб, деворга суюнганича қотиб қолганди. «Кимнинг иши бу?.. Нахотки, мен ишонган, ўша суйган Ибодулла... Шундай иш қилган бўлса?.. Hera? Қайси гуноҳим учун бундай қилиши мумкин? Эшик бузилмаган. Кулфдан очилган. Унда ҳам уй-

нинг қалити бор эди...» Турли ўйлар гирдобидаги қизнинг пешонасидан совуқ тер қуйиларди. Дераза ойналари ҳам бус-бутун. Бу ишни Ибодулладан бошқа одам қўлмаган. Буниси аниқ. Гули ўзини қўлга олиб, уйига кирган одамни қўшнилар кўргандир деб ўйлаб, дарҳол сўраб-суришгирди. Унинг кўз олдида Ибодулла гавдаланаверар, худди унинг аҳволидан кулаёттандек эди.

Шу пат йўлак томондан кимдир чақиргандек бўлди. Қараса, қўшниси Хосият опа. Гули уни кўрибоқ йиглаб юборди.

— Уйимни ўғри урди хола.

Хосият опа қизга нима дейишни, қандай юпатишини билмасди: — Синглум яхши иш бўлмабди, Аммо сизга бир гапни айтмасам бўлмайди. Бир соатча оддин Ибодуллани кўрдим. Катта сўмка кўтариб шошганча югуриб кетаётган эди. Қўринишпи шубҳали эди. Бирон нарса дейишга ботинмадим.

Гулининг деярли барча қўшнилари Ибодулла билан муносабатларини яхши билишар эди. Уларни кўпинча бозордан бирга қайтаёттанини кўришган. Шунинг учун бугун Хосият опа ёмон хаёлга бормаганди.

Бу гапларни эшиттан шўрлик қиз ўзини кўярга жой тополмай қолди. Ҳам ёридан, ҳам молидан айрилганди. Унга алам қилгани йўқолган матоҳларидан кўра, ишонганини алдагани, қалбида авайлаган ҳисларини топтагани эди. Бу нафақат ўтирилик, балки таҳқирлаш, туйғуларини яксон қилиш эди. Ишончи поймол бўлган, не-не орзу-умидлари саробға айланган бечора ожиза дардини кимга айтишини ҳам билмай эзилганича қолди...

Ҳаётда шундай тоифадаги одамлар ҳам учраб тураркан. Аслида арзимас буюмлар ёки пуллар учун ор-номусини унугдиган, виждонсиз кимсалар сирасига кирувчи Ибодулла исмли бу шахснинг яна қатор жиноятларга қўл урганилиги ҳам фош этилди. Унинг юзига фирибгарлик никобини кийиб олиб, ўнлаб фуқароларимизнинг мол-мулкларини талон-тарож қилиб, яшириниб юрганилиги ҳам тергов жараённада тўла-тўқис очиб ташланди.

Жиноят оламининг хавфли ишлатларидан саналмиш фирибгарликни ўзига касб қилиб олган Ибодулла 1999 йилнинг куз ойларида Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри-

да истикомат қылувчи фуқаролар М. Қодиров ва М. Ўрозовларга ўзини «Автотранспорт вазирлигининг масъул ходими» деб танишигари. Уларга қалбаки ҳужжатини кўрсатиб, ҳар иккисига ҳам биттадан «Дамас» автомашинасини кредитта олишида ёрдам беришни ваъда қиласди. Уларнинг «хамир учидан патир» қабилида 330 минг сўмдан пулларини куртдай санаб олади ва кўздан гойиб бўлади.

Шу зайл бирин-кетин амалта олишётган режаларининг ҳосилидан баҳра олган фирибгар уларга қаноат қилмай, нафбатдаги иш устида бош қотиради. Аммо бу сафар Ибодулла бутунлай ўзгача усулни қўллашни ўзига маъкул қўради. Яъни Бўка шахрида яшовчи фуқаро О. Эргашевага укаси А. Эргашевни Корея давлатига ишга жўнатишга ёрдам беришни ваъда килиб, унинг ишончига киради. О. Эргашевага ҳам ушбу соҳага тегиши кўлбола ҳужжатларни намойиш этиб, улардан 150 минг сўм пуллари ҳамда тилло зирагини олади. Опа-ука билан Тошкент шахрида жойлашган Корея давлатининг элчихонаси олдилда учрашишга кўндиради. Белтиланган жойга айтилган вақтда уч кун қатнаган солдадил опа-уканинг милицияга хабар қилмоқлийдан бошқа чораси қолмайди.

Хулас, ушбу жиноятчи устидан олиб борилган терлов ҳаракатлари жараёнида қаллобнинг жамики кирдикорлари, хийлаи-найранглари фош этилди. Бир бегуноҳ ожизанинг ишончини ер билан яксон этиб, орзу-умидларини чиптакка чиқарган бу йигитни ким деб аташ мумкин. Қолаверса, бирорининг ризқ-насибасини тия қилиб, пул-маблағларини турли йўллар орқали эгаллаб олиб, маълум вақт роҳат-фарогатда ҳёт кечирган фирибгар охир-оқибат темир панжара ортига равона бўлди. У ўз қилмишларидан балки пушаймондир. Виждов азоблари унга энди тингчлик бермаётган бўлса ажабмас... Лекин кейинги пушаймондан не фойда?!

## ТОВЛАМАЧИДАН МАКТУБЛАР

Эрта тонг. Соат чамаси еттидан ошганди. Одатдагидек ишга отганаётган эдим. Машинамни ўт олдириб қўйиб, дарвозани очиш учун ички зулфларига кўл узатарканман, тирқишида турган корозга қўзим туши. Ҳайрон бўлиб уни қўлимга олдим. Юзига манзилим аниқ қилиб бигилган конвертни очарканман, хаёлимдан бу кимдан келган экан, саҳар чо-

ғидан ташлаб кетишибди-я, деган ўйлар ўтди. Хатда нима ёзилгани мени жуда қизиқтириб қўйганди. Мактубни очиб, босма ҳарфларда батартиб ёзилган сатрларга кўз югуртирдим. Ўзига хос бу ҳуснинатда ҳарфлар аниқ-равшан акс этган бўлиб, ўқиши ҳам енгил эди. Аммо дастлабки қаториданоқ исмимни бирмунча ўзгартириб ва боз устига ноўрин кўшимча сўз қўшиб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилганига ажабландим. Чунки, шу ёшгача ҳеч ким бу тарзда мени атамаганди. Майли, балки бирор англашмовчиликдир-да, дея эътибор бермай ўқишида давом этдим.

Не кўз билан қарайки, ҳақоратомуз оҳангда битилган сатрлар юрагимга наштардек ботди. Ўқиганим сари ҳаяжоним ортиб, юрагимга ғулғула тушди. Миямга ҳар хил саволлар қўйилар, айни дамда ҳеч қайсисига жўяли жавоб беролмасдим. Сабаби, мактубдаги қалбни изтиробга солиб, киши нафсониятига тегувчи сўзлар вужудимга нинадек санчилиб оғриқ берарди. Бехос отилган маломат тошларининг зарби ҳар қандай одамни ҳам гангитиб қўяди.

Пешонамдан совуқ тер чиқиб, қўл-оёқларим титрай бошлиди. Анчадан буён безовта қилмай қўйган юрагим санчгандай бўлди. Кўзларим ҳамон мактубнинг қайсиdir жумласига қадалиб, нуқтадай қотиб турганини пайқадим. Энди бир оз кучимни жамлаб хатнинг давомини ўқидим. Сўнгги сатрларда яна қатор-қатор шартлар ёзиб қўйилганди. Мабодо уларни бажармасам, ҳаётимнинг фожеали тугаши аёвсиз тарзда қайд этилган. Бундан ташқари, нафақат менинг жоним уларнинг қўлидалиги, балки акс ҳолда оила-аъзоларимни ҳам тинч қўймасликлари мени гангитиб қўйди.

Тўғриси, хат муаллифи тилга олган ва бераҳмларча жазолаш тарзида огоҳлантиришлари қалбимни парчалаб ташлади. Миямда пайдо бўлган оғриқ азоб берар, бир дардим иккита бўлди. Шу ёшга кириб бирор нарсани ўқиб, бунчалик ларзага тушмаган ёки эзилиб адо бўлмагандим. Илгари мени бундай аҳволда кўрмаган хотиним қўрқиб кетди. Унга сирли хат ҳақида сўзлаб, унинг ҳам дилини вайрон қилдим. Эр-хотин тақдирга тан бериб, болаларимизга билдирамасдан чора изладик. Бу чигал жумбоқни ечолмай эзилиб юрдик. Дардимизни кимга айтишни билмаймиз. “Кимдан најот олсак бўларкин?” дея, бош қотирамиз, мактубда айтилган огоҳлантиришлар кўз олдимдан ўтиб, оёқ-қўлимни боғлаб

құяди. Чунки хатда, « агарда бирорға оғиз очтудек бүлсанғиз, айниңса, милиция ходимларыга, у ҳолда ҳеч қандай сұроқсиз ер тишилатаман», деб катта ҳарфлар билан таъкидлаб қўйилган эди.

Шу зайл бир-биримизга термулиб ўзимиздан ўтганини ўзимиз билдик. Доимо елкадош, дилдош ва сирдош хотиним йиглайвериб-йиглайвериб эзилиб кетди. На еб-ичишимизда, на юриш-туришимизда ҳаловат бор. Худди борган сари қуриётган дараҳтга ўшаб қолдик. Тушларимга ҳам шу савдо кириб чиқарди. Ўйғониб кетиб тонггача ўша номард мактуб әгаси билан хаёлан гаплашиб чиқаман. Унга қаратада ўзимча саволлар ёғдирашман.

«Шундай муддаонг бор экан, нега келиб ўзимга айтмайсан?! Истагингни талаб құлмайсан?... Агарда бирор айбим бор бўлса, кел, ўзимни жазола! Ур! Ё калтакла! Нима қиласан, руҳимни синдириб, тириклайн кўмгандай қўлдинг-ку ахир, номард!.. Оиласнинг нима гуноҳи бор? Тинч хотиржам кечәётган ҳәётимизни остин-устин қилиб юбординг-ку, ахир! Қолаверса, ҳар қандай ножӯя иш қилган тақдиримда ҳам чора қўлладиган қонун бор. Сенинг бу товламачилигинг, талаб қилаётган пулларинг ҳеч ақлага сифмайди-ку!... Унга саволлар ёғдираш ва ундан жавоб кутиб вақт ўтганини ҳам билмай қоламан. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ катта миқдордаги пулларни талаб қилаётган, бажармаган тақдиримда эса, ҳәётимга нуқта қўйилишини аёвсиз таъкидлаётган ушбу товламачининг ҳам юраги, оиласи, болачаси бордир ахир. Уларнинг ҳам қалбида меҳр-муҳаббати мавжудми ёки шундай қабиҳ ўй-ниятлардан бўлак ҳеч нарсаси йўқмикан?! Наҳотки шундай тоифадаги кишилар ҳам орамизда бор бўлса, деб ўзимни-ўзим яна қийнайман...

Азиzlар, бошимга тушган мазкур савдони у дунё-бу дунё ҳеч бир кимсага раво кўрмасдим. Бу имзосиз мактуб туфайли қанчалик азият чекканлигимизни эслаб, бугун сизга дилимни очиб турганим... Илоё, ҳар кимнинг хонадонига бундай таҳдидли хатлар эмас, фақат ва фақат эзгу дил из-ҳорлари битилган мактублар келсин. Ҳеч кимнинг тинчосуда ҳәётига бирорға солмасин.

Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган воқеа жиноят кўчасига кириб, товламачиликни касб қилиб олган қаллоб томонидан жабрланган бир юртдошимизнинг ҳикояси эди.

Ушбу жиноят иши билан танишиши жараёнида бевосита жиноятчи ҳамда у туфайли жабр кўрган бир нечта юртдошлиаримизнинг фикрларини ўргандик.

Дастлаб, ўз хаёлий ниятларини амалга ошириш мақсадида шундай жиноят ва ўта хавфли усулни топган Тўхтамурод (маълум сабабларга кўра исм-шарифлар ўзгартирилган) исмли шахс тўғрисида тўхталсак.

У шаҳримизда истиқомат қилган. Оиласи. Тўрт нафар фарзанди бор. Олий маълумотли. Иқтидори ва имкониятларини кўпчилик каби осойишта тинч ҳаётта сарфлаб, ҳалол меҳнат қилиб, кун кечириш ўрнига жиноят кўчасини ўзига маъкул деб билган. У имзосиз мактублар орқали қўрқитиш йўли билан жабрланувчилардан жуда кўп миқдорда пул талаб қилиб, уларни оғир шароитга, изтиробга солиб қўйган. Оқибатда, ўзингиз шоҳиди бўлганингиздек, унинг мактубларини олган беайб кипилар оиласида тинчлик бузилган.

Товламачи ўзининг навбатдаги “ўлжасига” айланган Муҳиддин исмли фуқарога талаб қишинган 30 минг АҚШ долларини белгиланган жойга келтириб қўйишни буоради. Аммо жабрланувчи хушёрлик қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади. Шундан сўнг, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тезкор ходимлари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида жиноятчи пулларни келишилган жойдан олаёттанида қўлга олинди.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари жараёнида унинг ўндан ортиқ фуқароларга ана шундай мактублар йўллаганилиги аниқланди.

Шундай қилиб, жиноятчининг фаолиятига чек қўйилди. Товламачиликни касб қилиб олган бу шахснинг ўз қўли билан ёзган имзосиз мактублари ўзига жазо санкцияларини белгилашга хизмат қилди.

Фуқароларимиз гайриқонуний ҳаракатга дуч келишилари биланоқ ёки уларни сезишлари баробарида, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этсалар яхши бўлар эди. Қонунларимизга зид бўлган ва умуман, инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини паймол этувчи ҳолатларга қарши биргаликда кураш олиб боришимиш лозим. Токи, биз юқорида ҳикоя қилган товламачиликни ўзига касб қилиб олиб, бир неча бегуноҳ кипиларнинг қалбини изтиробга тўлдириб, сало-

матлигига, тинч-осойиштага турмуштага рахна солиб, бунинг ортидан мұмайгина даромат ортириб олишни күзляган пасткаш кимсалар қабиқ ниятларини амалта оширолмасынлар.

## УДДАБУРОН ТАДБИРКОРЛАР

(әхуд үйріларнинг қыл устидағы ҳаёти ҳақида)

Маълум вақт “у ёқда” заң бетоннинг азобларини бошидан кечириб қайттан Тальят озодликка чиққач, эгри күчадан юрмасликка қарор қилди. У шаға кезларда ёшлик қилиб, үйламасдан босған қадами оқибатида ўтказған қора күнларини яна тақрорланыс俩и учун ҳалол мәхнат билан күн кечириштага асдоидил бел боғлади.

Шашар құчаларининг биридан кетаётіб, қаршиисида тасодифан учраб қолған эски “қадрдон” ларини үрратмагани маъқул эди. Тальят улардан үзини олиб қочишиға ҳаракат қилді-ю, аммо Игорь деганлари аллақаған уни пайқаган эди.

— О, неча йиллар үтиб, қанча сувлар оқиб кетди-я, оғайнини. Буни қараки, тақдирі-азал бизни яна учраштируди, — дея сүз бошлади Игорь. Унинг феъл-атвори, нимага шағым қилаёттани Тальятта аён эди. Аммо у ҳаётини бошқатдан бошлашпа қаттый қарор қылтандыгидан эски биродарларини күришни ҳам истамасди. Чунки айнан шуларға қүшилиб, қінғир йўлга кирганидан пушайтмон қиларди. Саёқ юриб, таёқ еди. Бутаёқларга бадани дош берди-ю, виждан азобига чидай олмади. Игорнинг илмоқді гаплари унинг вужудини зирқиради.

— Тўғри, Игорь бу учрашувимиз шунчаки тасодифий ҳолат, ҳолос. Кечирасан-у, бундан буён биз худди бегоналардек ўз йўлимизда кетганимиз дуруст, — лаблари титраб сўзларди Тальят. — Негаки, энди кўзларим очилган, у ёқда оққан-тўқкан кўз ёшларим нафақат юзимни, балки қалб губорини ҳам ювиб юборган.

Бундай гапларни айтишга авваллари ҳадди сиғмаган. Ортга йўл йўқ. Аниқки, Тальятнинг бу сўзлари Игорнинг ғашини келтирди.

— Эй, оғайнини, нималар деяпсан, ўзи, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ. Турмада ўтказған қора күнларингни нега рўкач қиласыпсан? Манавилар керак бўлса сандан ҳам кўпроқ ўтириб чиқишиган, — ёнида турган шериклари Уйғун билан Илгизларнинг елкаларига қоқиб қўйди у.

Сендан бу гапларни кутмагандим. Биз сен билан бир масала юзасидан маслаҳатлашмоқчи эдик, холос, — вазминлик билан давом этди Игорь. — Ҳозир биз савдо-сотиқ ишлари билан шугулланаяпмиз. Ҳар ҳолда топишимиш ёмон эмас. Агар ҳоҳласанг сағимизга қўшилишинг мумкин.

Игорь ўзларининг ишлари ва даромадлари тўғрисида сўзлади. Талъатга, «сен фақат тайёр молларни сотишда ёрдам берасан, холос» деди.

Уларнинг бу “бизнеси” асосан, турли русумдаги телевизор, магнитофон, видеомагнитофонлар, турли хил кийим-кечаклар ва умуман, ҳар хил уй-рўзғор буюмлари сотишдан иборат. Аммо Талъат собиқ ошнасининг бундай буюмларни қаёқдан олишини дарҳол фаҳмлadi.

— Гапни кўп чигаллаштирасдан дангалига ўтсангчи, Игорь. Ёш боламасман-ку, ахир. Ундан кўра ўша молларнинг барини ўғирлаб келаётпиз, сан бўлсанг “клиент” топишимишга кўмаклаш, десангчи, — деди Талъат. У Игорнинг жавобини ҳам кутмай, мен ҳозир келаман, носвой олиб келай. — деди-ю, ер ости йўлаги орқали метрога тушди. У бекатда поезд келишини бетоқатлик билан кутар экан хаёлини “милицияга хабар берсаммикан ёки ҳеч кимга ломмим демаганим маъқулми?” деган ўй банд этганди. Асаблари таранглашганидан ўзини кўярга жой тополмас, у ёқданбу ёқقا бориб келарди.

Бекат йўловчилар билан гавжум. Шу онда навбатчиликда хизматларини ўтаётган милиция ходимларига кўзи тушган Талъат бироз дадилланди. Агарда «қадрдон»лари ортидан келиб қолишиса, бирдан бир умиди милиция ходимларидан. Талъат бир тўхтамга келиб, бўлиб ўтган воқеа тўғрисида милиция ходимларига сўзлаб беришга қарор қилди.

Бу каби вазиятларда масалани чуқурроқ таҳлил қилиш лозимлигини яхши билган ходимлар ҳаяжондан пешонасидан тер қуйилиб келаётган йигитнинг гапларини диққат билан тингладилар. Кейин икки ходим Талъат таърифлаган шахслар турган жойга югурди. Афсуски, Игорь ва унинг шериклари ғойиб бўлишган эди.

Метрополитенни қўриқлаш ички ишлар бошқармасининг тезкор вакиллари-милиция майори Алишер Файзиев ва милиция лейтенанти Алишер Шермуҳаммедовлар Игорь бошлиқ гуруҳнинг фаолиятини текширишта киришди. Даст-

лабки суриштирувларданоқ, худди Таъват айтганидек, ушбу гуруҳ аъзолари фуқаролар хонадонларига турли йўллар орқали кириб, пулга арзийдиган нимаики қўлларига илинса ўтиргаб, бозорда пуллар экан. Ўғрилар қайси хонадонга кирмасин, аввало, эшик қўнғироғини текшириб кўрган. Режаларини кундуз куни амалга оширган. Бу пайтларда аксарият хонадон эгалари ишда бўлишган. Ҳар хил қалитлар ёрдамида истаган хонадонига кира олган. “Уддабурон” олғирлар ўлжаларини қўлга киритишгач, “инсоф қилиб”, эшикни яна қулфлаб кетишган.

Тезкор вакиллар ушбу жиной тўданинг Мирзо Улугбек тумани, Пушкин кўчасида жойлашган 79-йнинг хонадонларидан бирида содир этилган ўғирликдан сўнг изига тушишиди.

Улар мазкур хонадондан “Самсунг ” русумли телевизор ва магнитофон ҳамда турли хил кийим-кечакларни ўмарисади. Изқуварлар калаванинг учини топди. Қарийб бир ҳафта давомида олиб борилган суриштирув ва текширувлар натижасида тўда аъзоларидан бири, Илгиз истиқомат қиладиган уй аниқланди. Шаҳримизнинг Бектемир туманида жойлашган бу хонадонда гуруҳ аъзолари тез-тез йигилиб турадиган маскан экан. Игорь бошчилигига улар навбатдаги режани тузиб, қўлга киритилган ўлжалар шу ерда тақсимланаар экан.

Куппа-кундуз куни узлуксиз тарзда юқ ортган машиналарнинг серқатнов бўлиб қолгани ҳеч кимни қизиқтиримаганлиги кишини ажаблантиради. Қўни-қўши nilар, маҳалла аҳли кириб-чиқаётган машиналарга мутлақо бефарқлилар билан қарашган.

Илгизнинг онаси ҳам ўғлининг бу буюмларни қаёқдан олиб келаётганини суриштириш у ёқда турсин, ҳатто унинг аҳён-аҳёнда гиёхванд моддаси қабул қилиб турганидан бехабар бўлган.

Аниқ кун белгиланиб, Илгизнинг уйи назоратга олинди. Кутилганидек, келган юқ машиналаридан Уйғун тушди-да, ҳайдовчига пул узатди ва атрофни зимдан кузатганича дарвозага яқин борди. Эҳтиёткорлик билан эшикни тақиллатди. Негадир ичкаридан жавоб бўлмади. Уйғун асабийлаша бошлади. Чунки у Мирзо Улугбек тумани, “Измайловা” кўчасидаги хонадонларнинг биридан ўмарилган

қимматбаҳо гилам ва кир ювиш машинасини сотиб олиш учун мижоз топиб келган эди. Уйғун бетоқат бўлиб, энди ортига қайтмоқчи бўлаёттанида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Илгизнинг уйини уч кун кузатиши. Тезкор гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам шу ерга етиб келиши. Ниҳоят, тўртингчи кун эрта тонгда Илгиз пайдо бўлди. У нимадандир безовта, кўтариб олган катта сўмкасини гоҳ бу елкасига, гоҳо у елкасига олар эди. Дарвазага калитини солишга чоғланган Илгиз кутилмаганда пайдо бўлган ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатмади.

Орадан кўп ўтмай, жиноий тўданинг раҳнамоси Игорь қўлга олиниб, уларнинг қўлмишлари фош этияди. У шериклар Қилғиз ва Уйғулар билан яна қамоқقا олинди. Уларнинг этагидан тутиб, ушбу қалтис “хунар”ни ўрганишга аҳд қилган икки-уч нафар шогирдлар қўлмишига яраша жазо олдилар.

## БОСҚИНЧИ БОЛАЛАР

Кўчанинг ёқасида савлат тўкиб турган дараҳтларнинг соясида ҳар доимгидек сигарета тутатиб, вақтларини чоқ ўтказишига ўрганган улфатларнинг бугун негадир кайфиятлари йўқ. Ариқ атрофида чордана қуриб олганларича тип-тиник сувнинг жилоланиб оқаёттанига маҳлиё бўлиб ўтирган учолов шу дамда шериклари Алексейни кутарди. Ҳеч қачон бирон жойга кеч қолишга одатланмаган Алексейни ўртоқлари чамаси уч соатдан буён бетоқат кутарди. Боиси бугунги йиғин учун сарфланадиган харажатларни у зиммасига олганди.

Оғайнилари ҳузурига қош қорайганида етиб келган Алексей пул тополмаганини яширди. Аммо бундан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини ўзи биларди. Шунинг учун ҳам кун бўйи сарсон бўлгани, лекин ҳаракатлари натижасиз тугаганини тан олди. Унинг гапларига қулоқ тутиб турган йигитлардан бири жигибийрон бўлиб: — Қуп-қуруқ келишини кўнглим сезганди-я, — деб у ёқдан-бу ёқса бетоқат юра бошлиди.

— Нега дарров жаҳл қиласан Артём? Нима ўзинг шу ҳолатга тушмаганмисан?... Ундан кўра кел, биргалашиб бирон чорасини топайлик. Зора, иложи топилиб қолса... — Ерга

термулганича лом-мим демай турган Алексейнинг ёнини олди Равиль. Аввал ҳам судланган шу йигитдан ҳар доим жўяли фикр чиқишини ҳаммалари яхши билишарди. Шундай қилиб, тўртовлон ўзаро кенгашиб, анча вақтдан бўён ўзларига яқин бўлиб қолган қизнинг туғилган кунига совфа ҳамда у-бу харид қилишга пул топишни ўйлаб қолишиди. Ҳар ким ўз билганича миясига келган фикрни ўртага ташлади. Бу гал ҳам ўз ишига пухта Равиль ушбу тифиз дақиқаларда муаммони ҳал қиласидиган режа топди.

— Йигитлар гапнинг очиги, сизларни билмайман-у, аммо мен имкони борича яхши еб-ичишга, тузуккина кийиниб юришга одатланганман. Бу каби туғилган кунларга ҳам муносиб совфа-саломлар билан бориш кераклигига фаҳмим етади. Бугун ҳам обрўйимизга муносиб иш тутишимиз зарур. Ҳозир эса, вақтимизни бекорга ўтказмасдан бирор чорасини топайлик. Ҳўш, қани пулни қаёқдан оламиз?.. — ўртага савол ташлади у. — Ҳамма жим. Демак, менда таклиф бор.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнар экан. Гап бундай омадимиз чопиб қолса, тузуккина соқقا қилиб олса бўладиган бир иш бор. Диққат билан эшишиб, яхшилаб тушуниб олинглар. Хуллас, гап бундай...

Уч киши шу ердан қўзғалмайди. Биттамиз йўлга чиқиб, йўловчи машиналардан бирини тўхтатамиз. Мабодо, ҳайдовчи ёлғиз, машинаси янги бўлса, ўшани мўлжалга оламиз. У ёғини ўзинглар яхши тушунасизлар. Ҳайдовчига бирор манзилга элтиб қўйишини илтимос қиласидза, маълум жойга етганда асл муддаога ўтамиз. Лекин айтиб қўяй, ҳар доимгида буйруғимга итоат этасизлар. Чунки бугунги режа аввалгиларидан кўра анчагина мураккаб ва хавфли. Билиб бўлмайди, агарда машина эгаси қаршилик кўрсатгудек бўлса, куч ишлатишимиизга тўғри келади. Ахир «мол аччиғи-жон аччиғи» дейдилар. Энг муҳими, ақл билан, шошмасдан ҳарарат қилишимиз лозим. Режамиз силлиққина якун топса, ошифимиз олчи бўлди деб ҳисоблайверинглар.

Учовлон Равилнинг гапларига диққат билан кулоқ тутишиди. Кўринишларидан баъманигина бу ўспириналар бирон жойда ўқимас ёки ишламасди. Бирон касб-хунар ўрганиши хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уларнинг ичидаги ёши Александр бўлиб, еттинчи синфни аранг битирган, мактабга қатнашни аллақачон йигиштириб қўйган.

Чор атрофга қоронғу тушди. Режа мұаллифи ва ташки-  
лотчысы Равиль машина тұхтатиш учун ана шу кичкіндей  
Александрни маңқул топди.

Йүлда оқ әнгли «Тико» күрінді. Болакайни құл күттар-  
ганини күриб ҳайдовчи машинаны тұхтатді. Александрнинг  
шеріклари келиб машинага чиқдилар. «Тико» шаҳримиз-  
нинг Юнусобод тумани, 18-мавзеси томон йўл олди. Ай-  
тилган манзилга яқын қолғанда, йүловчилардан бири ҳай-  
довчидан машинаны қоронғу күчага буришини сұрайді. Аммо  
бирозгина юрар-юрмас, унға шу жойда тұхтатиб юориш-  
ни илтимос қилди. Машина тұхташи билан тұртовлон оч  
бүрилардек ҳайдовчига ташланишды. Күтилмаган хужумдан  
довдираб қолған машина эгаси уларға ҳеч қандай қарши-  
лик күрсатолмади. Босқинчилар уни аямасдан калтаклаб,  
оёқ-құлларини боғлаб, йўл четига ташлаб, машинани олиб  
кетдилар. Кучли зарбалардан оғир тан жароҳати олган жабр-  
ланувчи кимсасиз жойла қолди.

Овлари ўйлаганларидан ҳам бароридан келган босқин-  
чилар ўлжага айланған тойчоқда шамол каби учиб бори-  
шарди. Энди уларнинг назаридә қуруғига боғлиқ бўлган  
жамики муаммолар ўз ечимини топгандек эди.

Кийим-бошлари, юз-кўзлари қонга беланған жабрла-  
нувчи қўл-оёғини бир амаллаб ечиб, кўнғироқ қилиб воқе-  
адан милицияни хабардор қилди.

Воқеа жойига Юнусобод тумани ички ишлар бўлими  
навбатчилик қисмидан бир гуруҳ ҳодимлар зудлик билан  
етиб келишиди. Тезкор-тергов гуруҳ аъзолари жиноятчилар-  
ни аниқлаб, уларни топиш учун чора-тадбирлар кўришга  
киришдилар. Жабрланувчига шошилинч тиббий ёрдам кўрса-  
тилди.

Шаҳримизнинг Юнусобод тумани ҳудудида юз берган  
мазкур босқинчилик жинояти осойишталик посбонлари-  
нинг саъй-ҳаракатлари туфайли қарийб бир соат ичиде  
очилди.

Жиноий гуруҳ аъзолари — Чилонзор туманида истиқо-  
мат қилувчи А.Равиль, Ж.Артём, К.Алексий ҳамда Р.Алек-  
сандрлар қилмишларига муносиб қонуний жазо олишди.

Мустақил ҳаёт останасида турган тўрт нафар ўспирин  
томонидан содир этилган жиноятнинг қисқача тафсилоти  
шундай. Афсуски, улар сингари турли хилдаги қинғир иш-

ларга құл ураётган айрим фуқароларимиз жамият равнақыға раңа солмоқдалар. Бир нарса аёнки, жиноятчи ҳар доим жазосини олиши аниқ.

## ҚОТИЛ «МЕХМОН»ЛАР

Мәхмөнларини кузатиб қайтган Зулфия бироз дам олиш ниятида телевизор қаршиисига ўтири. Ҳали қиладиган ишлари күп. Дастанхон йигиштирилмаган. Қаттиқ чарчаганидан күзлари юмилиб кетялғы. Мәхмөн кугишининг ўзи бўлмайди. Ҳар ҳолда ул-бул егулик ҳозирлаш лозим. Бу эса уй бекасидан меҳнат талаб этади. Боз устига Зулфия уйида ёлғиз бўлса, барча юмушларни қилиб улгурди. Тижорат иши билан Россияга кетган турмуш ўртоги ҳали-вери қайтмайди. У юмшоқ ўриндиқда телевизорга термулиб ўтирган куйи уй-куга кетди... Тун қоронғуси, ҳамма уйқуда... Сукунатни йўлдан онда-сонда ўтиб бораётган машиналарнинг овози бузиб турарли.

Атрофда қад кўтарган кўп-қаватли уйлар деразаларида чироқлар сийраклашиб қолган. Зулфия ётоқхонасига боришга эриниб, мәхмөнхонада ухлаб қолди.

...Соат миллари тунги уч яримни кўрсатиб турарди. Зулфия яшайдиган уй яқинига бир такси келиб тўхтаб, ундан 25-27 ёшлар чамасидаги икки йигит тушди. Улар бироз гаплашиб туришгач, ёғоч ўриндиққа келиб ўтириб, сигарета тутатиши.

— Қизиқ ҳануздагача мәхмөнлар кетишмаганга ўхшайдику Ойбек? — деда чироги ёниқ дераза томонга ишора қилди Икром.

— Ўтиришгандир-да ялло қилишиб, биласан-ку, аёлларнинг гаплари тугамайди. Ўзинг кўрдинг уларнинг қандай қувноқликларини. Бир-бирларига навбат бермай гаплашаётгандир.

— Бир ҳисобда айб ўзимизда шопшиб кетвормаганимизда ҳозир биз ҳам улар билан ўтирган бўлармидик, — деда кинояли жилмайиб қўйди Икром.

— Балки, деганинг нимаси?!... Ўзини Гуля деб таништирган қиз билан роса толишиб улгургандим-да, аттанг. Сен ҳамма нарсани белига тепдинг. Яхшигина тил толишиб қол-

гандик... Кетамизга тушиб қолганинг чакки бўлди-да, оғайни, – деб дўнғиллади Ойбек.

– Энди нима бўлса-бўлди. Маишат қилиш қочмас. Аввал асл мақсадимиизга эришиб олайлик. Кейин... Ундан кўра вақтни ўтказмай тезроқ ишга киришайлик.

Икковлон ичкарига йўл олиши. Зулфиянинг уйи биринчи қаватда эди. Хонадон соҳибаси эшик қўнгиригининг жиринглашидан уйғонди. – Ким экан бу, ярим кечада? Ёки меҳмонлардан биронгасимикин?..

Зулфия иккиланибигина эшик яқинига келди ва эҳтиёт шарт эшикнинг кўзчаси орқали ташқарига қаради. Ҳеч ким кўринмагач, «Ким у», деб сўради.

– Бу мен, Икромжонман. Биз Ойбек билан яна қайтиб келдик.

Таниш овоздан кейин хотиржам тортиб, ҳаяжони бироз босилган Зулфия эшикни очди.

– Ҳа, тинчлики? Бекободга жўнаб кетолмадингларми?... Сизларга бугунча қолаверинглар бизницида, десам қўнмадинглар. Кеч бўлишига қарамай йўлга тушдинглар, – деда Зулфия уларни ичкарига таклиф этди.

Икром Зулфиянинг опасини ўели. У Бекобод шаҳрида яшайди. Ойбек эса Олмалиқда истиқомат қиласди. Бу оғайниларнинг иккаласи ҳам Тошкент вилоятидаги футбол жамоаларидан бирида тўп сурарди. Шу кунларда улар мусобақалар олдидан ўтказилаётган танлов босқичларида иштирок этиш мақсадида пойтахтга келишган. Бугун Икром оғайниси Ойбекни олиб, Зулфияларникига меҳмонга борган эди. Улар келишганларида Зулфия ўзининг тўрт нафар дугонаси билан чақчақлашиб ўтирган экан. Йигитлар даврага қўшилиши. Суҳбат энди қизиганда эса, Икром кетамиз деб туриб олди. Қизлар билан хайрлашиб, чиқиб кетдилар. Аммо улар шу 22-мавзедан узоқча бормай, 2-3 соат вақтни кўчада ўтказишли. Кейин эса, йўловчи машинага ўтириб, яна орт-ларига қайтиб келишиди.

Зулфия бемаҳалда қайтиб келган меҳмонларга чой дамлаш учун ошхонага йўл олди. Шу дамда йигитлар аввалдан тузган қалтис режаларини амалга оширишга киришдилар. Бири ошхона томон борди ва чойнакни сувга тўлдираётган уй бекасининг бўйнига чаққонлик билан арқон солиб, уни бўға бошлади. Кутимаганда бўйнига солинган арқон ва бақувват

құллар чангалидан чиқишига ожиз бүлган хонадон эгаси полга йиқилди. Осонгина мақсадларига етган «мәҳмөн»лар хонадонни бир пасда остин-устун қилиб ташладилар. Құлларига илингандың тиілла тақиңчоқтар ҳамда яна бир неча хил кийим-кечакларни сумкаларига жойлаб, жуфтакни ростладилар.

Акмал Икромов тумани Ички ишлар бүлімінинг навбатчилик қисмігі 22-мавзеда жойлашған ушбу хонадонда содир этилган қотиллік жинояты түғрисіса шошилинч ха-бар берилди. Вөкеа жойда ҳозир бүлган тезкор-тергов гуруұх ходимларининг олдіда ушбу мудхіш жиноятни очиш вазифасы турады. Номағым шахслар томонидан амалға оширилған хұнрэзлик ҳар қандай киши қалбини изтиробға соларди.

Тұман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Үткір Ханжаров бошчилігінде изқуварлар қидируд үшларини бошлади. Фожеа юз берған хонадонда шубҳали буюм ёки бирон бир из ҳам қолдирилмаган зди. Фақаттана дәразалар очиқ зди, бу жиноятчилар томонидан ўйланған бир ҳийла зди. Чунки улар ўзларига шубҳа үйғотмаслик мақсадыда дәразаларни очиб кетишишкан. Гёеки, кимдир зшик орқали змас, балки дәразадан кириб, уй соҳибасыға ҳамла қылғандек. Мабодо шубҳа остига олиб, сүроқ қилишганида, биз ҳақиқатдан ҳам уйда бүлғанмиз. Лекин мана шу қызлар гувоҳ. Биз ҳаммадан олдин кетғанмиз деб жағоб берішни күзлагандилар. Хуллас, мазкур қотиллік жинояты анчагина жұмбоқ зди.

Тұман ИИБ жиноят қидируд ҳодимлари құни-құшнілар билан суҳбатлашиб күрдилар. Улар ҳам ўша куни кечкүрун Зулфиянинг хонадонида мәҳмөнлар Йиғилишганини таъкидлашды. Мархұманның дугоналары ички ишлар ҳодимларига билғанларини рүй-рост айтишды. Энди эса фақат Икром билан Ойбек исміли ўша йиғитларни топиш ва уларни ҳам сүроқ қилиш қолған зди.

Жиноят қидируд бүлімінинг катта тезкор вакили, милиция майори Рағысан Исломов ва бошқа ҳодимлар шаҳарда суроштирув-қидируд үшларини давом эттиридилар. Милиция подполковники Шұхрат Ахмедов ва милиция капитани Аброр Иброҳимовлар Бекобод шаҳрига йўл олишди. Аммо йиғитлар Бекободдан топилмагач, изқуварлар түппа-түғри Олмалиққа жүнадилар. Бу ерда шаҳар жиноят қидируд ҳодим-

лари билан ҳамкорликда қидирув-суриштирув ишлари давом эттирилди. Бундай ишлар билан кўп бор тўқнаш келган милиция ходимлари калаванинг учини топишига муваффақ бўлдилар. Олмалик шаҳридаги хонадонларнинг бирида бамайлихотир ширин сұхбат қуриб ўтирган бу икки «шоввуз» куттилмагандан пайдо бўлган ички ишлар ходимларини кўриб, саросимага тушиб қолиши. Лекин шу дамда ўзини қандай тутишни яхши билган «уддабурон» Икром артистдек ролга кириб, қариндоши Зулфиянинг ўлеми тўғрисида эшитиб, ҳўнграб йиғлай бошлади. Аммо бу ҳаракатлардан ҳеч қандай фойда чиқмади. Шундай қилиб, энди бор ҳақиқатни беркитган билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигини англаб етган йигитлар айбларини бўйнига олиши. Улар милиция ходимлари ҳамроҳдигида пойтахтга олиб келинди. Шубҳа ва гумонлар ўз тасдигини топди. Мудҳииш жиноят уч кун ичиде очилди. Жиноятчилардан марҳумага тегишили далилий ашёлар, ҳатто хорижда ишлаб чиқарилган Икромга «ярашиб» турган кийимлар ҳам ўша куни кечаси олиб кетилгани исботланди.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини оладилар. Ҷуюмлар, мол-мулқларни деб, ҳатто ўз қариндошининг хаётига зомин бўлган Икром ва унинг ҳамтовоги Ойбек энди қўлган ишидан пушаймон. Шайтон сувидан маст бўлиб, кўзига ҳеч нарса кўринмаган бу икки йигитнинг пешоналарига «қотил» деган тамға бир умр ёзилиб қолди.

## САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

Кўйидаги воқеа «Қувасой воқеа» МЧЖнинг «Омад қувончи» телелотореяси ташкилотчилари ҳақида. Улар кўпчиликнинг ишончипи лоймол қилиб, аввалига бениҳоят шодлантирган ва маълум муддат ўтгач, ҳар бирининг бошига турлича ташвиш солган, сарсону саргардан этган. Бу виждонини йўқотган кимсаларнинг қінғирликлари оқибатида жабрланган юртдошларимизнинг сарсонликларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Истагимиз шуки, бу каби ҳолатларнинг яна тақрорланмаслиги, ҳеч бир инсоннинг кўнгли озор чекмаслиги учун авваламбор ҳар нарсадан огоҳ бўлмоғимиз даркор. Ушбу воқеани эса, жабрланувчи, Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани, М. Декқонов номли жамоа хўжа-

лигига истиқомат қилувчи Урманжон ака Мирзакуловнинг ўзи ҳикоя қилиб берди. 2002 йилнинг эрта баҳорида Кўқон шаҳридаги янги бозордан ул-бул ҳарид қилиб бўлгач, яхши ният қилиб, уч дона лоторея сотиб олдим. Ҳа, бу телевизор орқали ҳар ҳафтада бериладиган «Омад қувончи» телелото-реяси эди. Юракка яқин турсин дея, уни кўйлагимнинг кўкрак чўнтағига солдим-да, уйга келдим. Бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга айтмадим. Сир тутдим. Сабаби шу пайтгача бирон марта омадим кулиб боқмаган, ҳеч қайси лотореядан ютма-гандим. Бахтимга ҳатто номигагина бўлса ҳам на бир сўм ёки на биронта буюм ютуғи соҳибига айланиб қувонмаган-ман. Уйдагиларимга «сюрприз» қилишни дилимга туғиб, интиқдик билан ўйин кунини кутдим. Ҳаёлимда худди бо-шимга баҳт қуши қўнадиганга ўхшаб, бундан ич-ичимдан магрурланиб юрадим. Ҳаттоки икки марта тушимда катта-катта нарсаларни ютиб, ўнгимдаям мендан шод одам йўқдек қувонардим. Охири чидамадим. Кўнглимдаги бу ҳислар тўғри-сида хотинимга гапирдим. У бўлса жилмайганича, «Эй, да-даси-ий, қани эди шундай бўлганида. Ахир биргина рўзго-римиз учун қанча нарса сотиб олишимиз керак. Булардан ташқари...» — Бўлди-бўлди етар, онаси. Мана кўрасан, ба-рибир кўнглим ниманидир сезаяпти. Ҳали қувонганимиз-дан бошимиз осмонга етади, — дедим ишонч билан.

Хуллас, оиласиз аъзолари билан ойнаи-жаҳон қарши-сида жамулжам бўлиб, «Омад қувончи» телелото-реяси ўйи-нининг бошланишини кутдик. Сиз, воқеанинг бүёғини эши-тинг. Сизларга ёлғон, аммо менга чин ўйин давом этаркан, бирин-кетин қўлимдаги чиптанинг рақамлари бошловчи ти-лида янграй бошлиди. Ҳаяжон ва севинчдан терлаб-пишиб кетдим. Кўз ёшларим рўмолчамни жиққа ҳўл қилиб юборди. Шу онда болаларимга қараб, «Мана айтувдим-ку ютамиз деб. Яхши ният — ярим давлат, деганлари шу-да ахир», дея такрор-такрор гапирдим. Дарров болаларимдан бирини яқин-атрофда турадиган қариндошларга хабар беришга жўнатдим. Ўзим яrimта олиб келишга чопдим. Бир зумда уйимиз одам-ларга тўлиб кетди. Ҳатто узоқларда яшайдиган уругларимиз ҳам етиб келиб, бизни ютуқ билан табриклашдилар. Оға-ини, қадрдонларимнинг шунчалик кўплигини ҳам ўша куни яна бир бор ҳис қилдим. Барчаси менинг қувончимга шерик бўлиб, омад билан кутлардилар. Э, дарвоқе, ўзим билан

Ўзим бўлиб нима ютганимни ҳам айтишни унугибман-ку. Ўша мени ва оила-аъзоларимни бениҳояг суюнтирган, ўз оғушида маълум муддат маст кишилардек сархуш қилиб қўйган баҳтли лоторея «Тико» русумли машинани ҳадя этган эди. Ҳа, осмондан тушган ушбу совғадан аввалига довдираб қолдим. Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай шошардим. Ана шундай ички кечинмаларимни саронжом қилиб улгурмай, Тошкентта йўл олдим. Менга ўғлим ва бир қариндошимиз ҳамроҳ бўлиб, бизга қувонч ва омад келтирган «Омад қувончи» телелотореяси ning манзилига – Мирзо Улутбек туманидаги Устабоев қўчасида жойлашган «Кувасой воҳеа» МЧЖни бир амаллаб топиб келдик. Мажалла ичидагина шинамгина шаклда қад кўтариб турган бинонинг атрофида тумонат одам. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Кўм-кўк рангта бўялган каттакон темир дарвозаси шу ерда ҳозир бўлган гимиздан бўён тўрт соат ўтган вақт оралиғида бир марта ҳам очилмади. Бу ҳолат мени ажаблантириди. Ҳаёлимдан, «балки бугун уларнинг қабул куни эмасдир», деган фикр ўтди. Аммо йиғиланларнинг гапларига секин қулоқ тутиб, вазиятга тушуниб етдим. Қисқаси номаълум сабабларига кўра мақкур ташкилотнинг ходимлари ташриф буюрган кишиларни кутиб олиш ёки лоақал гапларига қулоқ солиши ўрнига ўзларини олиб қочаётган экан. Юрагим ноҳуш нарсани сезиб увишиди. Бу ерга келганимизнинг тўртингчи куни туш маҳалларини кейингина менга ичкарига кириш насиб этди. Тўғрироғи ўзим салгина қишлоқча чапанилик қилиб, йўлимни тўссаларда, бошлиқларининг ҳузурига киришига аҳд қирадим. «Ҳар ҳолда мақсадимга эришарман энди», деган илинжда салом-аликдан сўнг сўз бошладим. Қаёққандир шошаётган одам сингари типирчилаб ўтирган ҳалиги киши ноиложликдан гапларимни тинглади-да, бир қоғозга нималарнидир ёзиб, қўлимга тутқазди ва соҳтагина илтифот билан мени кузатишга ошиқди. Аммо у ёзиб берган қоғозга дарров кўз югутириб чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам 63-тиражнинг 1-турнида 0712777 номерли телелотореямга «Тико» русумли автомобил ютганлитим қайд этилган бўлиб, бир ҳафтадан сўнг келиб олиб кетишим мумкинлиги таъкидланган эди. Демак, ўша куни ишим амалга ошаркан деб ўйлаб, кўчага чиқдим. Ҳавонинг қизиганидан кўча чегидаги дараҳтлар тагида жонларини сақлаб, кутиб ўтирган ҳалиги

одамлар мени күрганлари заҳоти югуриб келишди. Бир-бirlарига навбат бермасдан менга саволларни ёғдира кетдилар. Чунки уларнинг ҳар бири ичкарига бир неча маротабалаб кирган бўлсалар-да, ҳаммаларининг қулоқларига «лағмон илиб» юборганлар. «Ҳисоб-китоб бошланниб қолди, кейинроқ келлинг», «Бизда ҳозирча пул масаласи қийинроқ бўлиб турибди. Бироз вақт ўтгач, ютуқларни эгаларига топшира бошлаймиз», «Ютиб олдим» деб кўтариб юрган лотореяларингизни биз обдон текшириб кўришимиз керак» каби турлитуман, узуқ-юлиқ ваъдаларни рўкач қилиб, ютуқ соҳибига айланиб, хурсанд бўлиб келган фуқароларни қўйниларини пуч ёнроққа тўлдириб, жўннатаверган эканлар. Бу сингари гапларни эшитавериб очиги менинг ҳам ҳафсалам шир бўла бошлади. «Тошкентта етиб бориб, Худо берган машинани қабул қилиб олибоқ, оптимизга қайтамиз», дея ўйлагандик. Афсус режаларимиз пучга чиқди. Мусоғир шаҳарда яна бир ҳафта қолиб кетадиган бўлдик. Аммо начора, ахир қишлоқда бизни «Тико» миниб келади деб, болаларим, яқинларим, умуман, ёру дўстларим кутиб турибдилар. Колаверса, ҳам деб бориб, келаверишининг ҳам ўзи бўлмайди. Шундай қилиб, қийналсан ҳам, овораю-сарсон бўлсакда ютуқни кўлга киритиш дамларини кутишга аҳд қилдик.

Орадан айттиган бир ҳафта вақт ўтди. Эрта тонгдан келиб олиб, шу ерда ишлайдиган ходимларни санай бошладик. Бир маҳал менга қозоз ёзиб берган ҳалига киши «Нексия» машинасидан тушиб келди. Худди отамни кўргандек қўзим порлаб кетди. Қаршисида пайдо бўлдим. У ҳам аввалига бироз талмовсираб турди-да, дарров ўзини ўнглаб олиб, «Какраз сиз керак эдингиз бутув менга. Янгишмаётган бўлсам сиз «Тико» ютган эдингиз, тўғрими», дея билагимдан тутиб мени ичкари томон етаклади. У билан бораяшман-у, қаттиқ ҳаяжонга тушдим. «Наҳотки, ҳозир машинали бўламан!» Бир пайт хаёлимни жамлаб қарасам, ёнимдаги ўша ҳамсұхбатим мени телевиде-ниедаги ўйинда иштирок этишга таклиф этэйттан экан. Ростини айтсам, бу гапдан бадтар ҳаяжонландим. Нима деб жавоб қайтарипни билмай иккисандим. Кейин маълум бўлишича, ушбу одам «Омад қувончи» телелогореясининг ташкилотчиларидан, яъни «Кувасой воқеа» МЧЖнинг мъсулиаридан бири экан. Шундай қилиб, шу куни ҳәётимда ilk марта телевиде-ниега бордим. Тўридан-тўғри эфирга узатиладиган мазкур

ўйинда қатнашиш баҳтига мұяссар бўлиш юрагимга ўт ёқсан-дек бўлаверди. «Энди нима бўлса бўлди» дея, ўзимни қўлта олиб, ўёқ-буёғимни тўғриладим-да, даврадан жой олдим. Жарангдор куй садолари остида кўрсатув бошлангач, дастлабки дақиқалардаёқ ўйин бошловчиси менинг тўғримда қисқача маълумот бериб ўтгач, даврага таклиф қилди. Бироз шошиб қолдим, боз устига тортинаётганимдан юзларим шолғомидек қип-қизил бўлиб кетди. Ҳар бир сўзи дона-дона, жилмайганича ўйинни давом эттираётган бошловчи йигит силлиққина қилиб гапириб ўтди-да, студиядаги иштирокчилар ва мен учун энг таъсирли бўлгани, бизни кўриб муҳлислар олқишлиари остида дабдаба билан «Тико»нинг қалитини қўлимга тутқазди. Ҳаяжонланғанимдан қўлларим қалтираб қалитни тушуриб юборишимга бир баҳя қолди. Келишиб олганимиздек, ушбу лаҳзаларда тилларим қалима қайтаришга ҳам ожиз бўлса-да, қисқагина миннатдорчиликимни изҳор этиб, сўнгра, «Омад қувончи» телелотореясини ўйнашга бошқаларни ҳам чақириб қўйдим. Аммо бўёғи қизиқ бўлди. Ҳудди ҳозиргидек эсимда. Ўйин тугагач, ҳамма студиядан чиқиб-чиқиб кетди. Мен бўлсам, ўйинга таклиф қиласан одамни қидирадим. Бир пайт бошловчи йигит ёнимга келди-да, «Ака, энди бизни қалитни беринг», дея ҳазил қилди. Юрагимни суургандек бўлиб қалитни қўлига тутқаздим. Уларнинг бу ҳаракатлари қўпол бўлсада айтаман: ҳудди «ишим битди, эшагим сувдан ўтди», дегани иборага мос эди. Бироз ўйланиб қолдимла, ўша йигитни тўхтатиб, «Ука, энди мен нима қилай» деб сўрадим. Экран орқали бурро-бурро сўзлаб ҳечам ҷарчамайдиган бошловчи бу саволни кутмаганмикан, бироз ўйланиб олди-да, эртасига эрталаб офицларига етиб боришимни раҳбарларидан бири тайинлаб кетганлигини айтиб, мен билан қуюққина хайрлаши.

Тошкент шаҳрида навбатдаги тонгни ҳам қаршиладик. «Ушбу кун биз учун энг ёдда қоларли ва қувончли дамлар бўлиб, бир умрга қалбимизда муҳрланади», дея интизорлик билан яна «Қувасой воқеа» МЧЖ жойлашган манзил сари шошидик. Тасодифни қарангки, бу ерга илк бора келган кунларимизда мен билан ҳамсуҳбат бўлган кишиларнинг кўпчилиги ҳамон ушбу бинонинг эшикларига кўз тикиб ўтирадилар. Улар мени кўришлари билан шу заҳоти чор тарафимдан ўраб олдилар-да, ўтган галдагидан ҳам кўпроқ саволга кўмиб ташладилар. Айниқса, қайсисинингдир «Телевизорда

ҳам күрсатиши сизни. Демак, энди ютуғингизни олиб кет-санғыз керак», деган сўзлари мени ҳам ўйлантириб қўйди, ҳам ҳаяжонга солди. Бирданига уйдагиларим ва қишлоқдаги-ларни эслаб қолдим. «Ахир улар ҳам мени телевизорда кўришган. Кўзлари ўнгида савлат тўкиб, «Тико»нинг қалитини жиринглатиб қабул қилиб олдим-ку. Бунчалик кечикаётганимдан хавотир олиб ўтирган жигарларимнинг экран орқали кўринганимдан кейин кўнгиллари бирозгина таскин топгандир», – деган хаёл дилимдан ўтди.

Шинамгина хонада башибонг кийинган бир киши илиқлик билан кутиб олди. Сұхбатимиз жуда қисқа кечди. Ана шу сонияларда кўзларимдан яна такрор ёш чиқиб кетди. Аммо бу ёшларни рўмолчам билан артишни ўзимга жоиз деб топмадим. Бунинг устига қўлларим ҳам қаттиқ мушт бўлиб туғилган эди. Шу лаҳзаларда елкамга бир шайтон кўниб олган ва мени ўзига қулоқ тутишга тинмай даъват этаверарди. Лекин барибир дилимдаги қандайдир туйғуларим оғирроқ бўлишта, узоқни кўзлаб иш тутишта чорлади. Мен ақл билан иш тутишга аҳд қилдим. Ҳатто ҳозиргина яна қатор-қатор ёлғон ваъдаларни бериб, умидимни бир онда чиппакка чиқарган раҳбарга қаратга ҳам лом-лим демалим. Ўзимни босдим. Энди роса амин бўлдимки, ютуқни қўлга киритишим амри маҳол экан. Аммо энг ёмони ўша телевизор орқали чиққанлигим бўлди. Фақаттана ўзларининг фойдаларини ўйлаб бошқалар устидан кулаётган бу номард инсонлардан қаттиқ хафман. Шунчалик ҳам ёлғон сўзлашдан кўрқмайдиган одамлар ҳам бўларкан, бу ҳаётда. Одамни лақقا тушириш «маданиятини» сув қилиб ичиб юборган бу кимсаларга ёлғон гапириш ҳам худди эгнидаги кийиб олган қимматбаҳо костюм-шим сингари ярашиб турғанлигига қойил қоласан киши. Бу тоифадаги кишиларда ҳам виждон, ор-номус, инсофу диёнат деган нарсалар бормикан?! Билмадим...

## «ОМАД ҚУВОНЧИ» МАШМАШАЛАРИ

Ёлғон-яшиқ гапларга алданиб қолган кишини содда ёки лақмаликда айблашади. Аммо қоп-қоп ваъдалар бериб, соддадил «мижоз»ларни лақиллатиб юрган фирибгарларнинг мушугини бирор «пишт», демагани галати туюлади. Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин ҳам чиқаверади. Қонун

устувор жамиятда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Найрангбозлар-у товламачиларнинг юзларига ёпиб олган ниқоблари ҳам албатта, бир кун келиб йиртилиши аниқ.

2002 йил ҳам тарихга айланди. Ўша йил кимгадир қувончу шодлик, омад инъом этди. Айниқса, бахт кулиб боқсан бирон лотерея ўйинидан юттан кишиларнинг қувончи чексиз бўлганини тасаввур қилиш қийинмас. Аслида омад деганлари бахти кулган одамларгагина насиб этади. Аммо бъзида омади чопғанларнинг барчаси ҳам бундан шодлана олмас экан. Келинг, энди «Омад қувончи» телелотереяси ҳақидаги турфа ҳангомалардан эшигитинг.

Наманган вилоятининг Чуст тумани, Қизилтепа қишлоғида истиқомат қулувчи Гулчехра Латипова айнан шу лотерея ортидан не-не қийинчилкларга рўбарў келмади дейсиз. Гулчехра опага «Омад қувончи»нинг 70-тиражи, 15-турида 561. 797 сўм пул ютуги насиб этганди. Ўшанда қувончи ичига сифмаган уч нафар фарзанднинг ёлғиз онаси қўшнисидан қарз олиб йўлга отланди. Тошкентта етиб келиб, мазкур телелотереяниң ташкилотчилари жойлашган манзилни бир амаллаб топди. Уни илиқлиқ билан қарши олган фирмада ходимларидан бири икки кундан кейин хабар олишини айтиб кузатиб қўйди. Бегона шаҳарда болалари билан у энди қаёққа ҳам борарди. Яхшиямки, шу «Кувасой воқеа» МЧЖга қарашли «Омад қувончи» телелотереяси фирмаси жойлашган маҳаллада бир аёл билан танишиб қолди. Мавжуда исмли бу аёлдан икки кунгагина жой сўради.

Ваъда қилишган куни у яна фирма эшигига термулганича шомни қаршилади. Шу алфозда кунлар ва ҳафталар ўтаверди. Натижা йўқ. Сўнгти бора «бир ойдан кейин ютуғингизни оласиз», деган жавобни эшигтан Гулчехра опа Наманганга қайтиб кетди. Бир ой ҳам ўтди. Бу гал ҳам ҳалиги қўшнисидан эски қарзи устига яна 30.000 сўм пул олиб, не-не умидлар билан пойтхатта жўнади. Дунёда яхши одамлар кўп экан. Мавжуда опа Гулчехрани яна ижарада туришига рози бўлди. Эрта тонг уйғонгандан то кечта қадар ютугини кўлга киритиш илинжида фирма дарвозаси атрофида сарғайиб ўтириб, ортига ҳеч вақосиз қайтадиган Гулчехранинг болаларига уй эгаси парвона бўлар ва ҳатто, ижара ҳақини ҳам «пулларингизни олганингиздан сўнг берарсиз» деба, қистовга олмасди. Орадан салткам бир ой ўтиб кетгач,

ҳафсаласи пир бўлган Гулчехра опанинг уйига қайтишдан ўзга чораси қолмади. Боз устига кенжা қизини касал қилиб қўйгани қолди. Қишлоқда қораси қўриниши биланоқ қарзини сўраб чиқсан қўшни аёлнинг оттан маломат тошлари, унинг қалбини яна тилка-пора қилди. Тошкентдан юраги эзилиб, кайфиятсиз ҳолда қайтган ютуқ соҳибаси бўйни-даги қарзни ўйлаганича йиглаб ўтиради...

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Баҳодир Давронбеков ҳам ўтган йилнинг 19 май куни «Омад қувончи» телелотореясининг 58-тиражида «Матиз» автомобили соҳибига айланади. Қувонганидан сабри чидамаган ютуқ эгаси бир ҳафта ўтгач, «Кувасой воқеа» фирмаси томон учади. Кутимагандан омад баҳшида эттан «Омад қувончи»чининг «хўжайнлари» унга ушбу ютуқ иккита одамга чиқсанлигини тушунтириб, қулига тилҳат тутқазадилар. Ютуқни ҳақиқатдан ҳам унга тегишли эканлигини билдирувчи бир парча қофозни кўтарганича айтилган муддатда фирма раҳбарларидан бирининг ҳаршисида ҳозир бўлган Б. Давронбеков яқинда тўй бошлаб қўйганилиги, шунга ютуқ ҳисобидан 1000000 сўм пул берилганини сўрайди. Аммо «бизда фақат почта орқали тўрт ой муддатдан сўнг пулингизни олишингиз мумкин, ҳозир эса ҳеч иложи йўқ», деган жавобни эшигтгач, тарвузи кўлтиғидан тушганча уйига қайтади.

Осмондан тушган пулларга ишонган ютуқ соҳиби ҳаражатлар учун бир танишидан 600.000 сўм пул қарға олиб, тўйни бир амаллаб ўтказиб юборади. Бу орада «Омал қувончи» телелотореяси тўғрисида турли миши-мишлар тарқалиб, унинг ташкилотчилари устидан жинойи иш кўзғагилганилиги Б. Давронбековнинг ҳам қулоғига чалинганди. Шундай қилиб, омади чопганидан аввалига бениҳоя суюниб, аслида Фирибгарларнинг найрангига алданиб қолганини тушигигач, у ҳам жабланувчи сифатида шикоят ёзишга мажбур бўлди.

Ойнажаҳон орқали такрор ва такрор намойиш қилинган «Омад қувончи» телелотореясидан қўпчиликнинг ишончи сўнди.

Унинг ташкилотчилари ютуқ эгаларининг қўйнилари-ни пуч ёнгоқча тўлдириб қайтаравердилар. «Кувасой воқеа»

МЧЖга қарашли «Омад қувончи» телелотереяси раҳбарлари устидан тергов ҳаракатларини олиб борган Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бўлимига фуқароларимиздан жами 480дан ортиқ шикоят аризалари келиб тушди. Муаллифларнинг ҳар бири маълум миқдор ёки турли буюм ютуқларини ютиб олган бўлсалар-да, аммо уларни кўлга кирит олмай алданниб қолавергандар. Агарда ўз эгаларига тортиқ этилиши лозим саналган ютуқларнинг умумий баҳосини ҳисоб-китоб қилиб қаралса, кишини таажжубга солувчи рақамлардан ҳайратта тушасиз.

Жумладан, шу йилнинг биргина апрел ойида «Омад қувончи» лотереясидан Ялонғоч даҳасида яшовчи М. Абдиев 3. 850000 сўм ютиб олган, Навоий вилояти Қизилтепа шаҳри, Наврӯз кўчасида истиқомат қилувчи Н. Қиёмов бўлса 1000000 сўм пул ютуғи соҳибига айланган, март ойи мобайнида эса, Фарғона вилояти, Кўқон шаҳар, Парпашабов кўчасида яшовчи С. Иномов 4000000 сўм, Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, М. Далгалов номли жамоа хўжалигида яшовчи Ш. Мардонов 2666670 сўм, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Мехнатобод жамоа хўжалиги Бенакапа қишлоғига яшовчи О. Эшонқулов 4. 257596 сўм, май ойида Наманганд вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳри, Андижон кўчасида истиқомат қилувчи Т. Фаниев телевизор ютуғи, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Безор кўчасида яшовчи Н. Эгамбердиев 3. 000000 сўм пул ютуғи, Тошкент шаҳрининг Кўйлиқ-6 мавзеси, 11-йда истиқомат қилувчи фуқаро Н. Мерганова 2000000 сўм, июн ойларида Самарқанд шаҳар, Самарқанд тумани, А. Насриев кўчасида яшовчи Ш. Умаров 762. 711 сўм, Андижон вилояти, Кўргонтепа тумани, Рашидов жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи З. Маҳкамбоев 1. 052631 сўм, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, 4-кичик даҳа, 29-йда истиқомат қилувчи Р. Бобоҷонов 570000 сўм пул ютган. Ютуқлар соҳиблари бўлган юртдошларимизнинг ҳам юқорида ҳикоя қилиб ўтилган воқеалардаги сингари ортиқча ташибиши ва сарсонгарчилликларга тушишиб, фақат асабийлашгани қолди. Шунда яна ўйга толасан киши. «Омад қувончи» ташкилотчилари босган қадамларининг охир-оқибатини наҳотки ўйламаган бўлсалар? Дунёда адолат, инсоф-диёнат, қадр-қиммат деган нарсалар

ҳам бор-ку, ахир. Қолаверса, бу каби ўйинларда ҳалоллик ва мардлик мезон бўлмоғи зарур эди.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида олиб борилган узоқ муддатли тергов жараёнлари давомида «Кувасой воқеа» МЧЖга қарашли «Омад қувончи» телелотеряси ташкилотчиларининг ноқонуний ва адолатсизлик билан юритган фаолиятлари тўлалигича фош этилди. Кўпчиликнинг ишончини суистеъмол қилган айборлар қонун олдидаги жавоб бердилар.

## КАЛТАК ЕГАН БОСҚИНЧИ

Дунёда ҳар бир инсон орзу умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат билан пул топиб оиласини таъминлаб қўяди. Аммо айрим шахслар эса, тер тўкиб, ҳалол ризқ топишдан кўра, ўзгаларга тегишли мол-мулкга кўз олайтиришни афзал кўради. Қуйида эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган ҳикоямизнинг қаҳрамони ҳам ўзининг хатти-ҳаракати билан шундай тоифага мансуб эканлигини исботлади. Содик исмли ушбу шахс пул топишнинг қингир йўлини танлагани оқибатида, бугунги кунда қилмишидан қаттиқ пушаймонда ўтирибди.

Эндиликда у содир этган жиноий ҳаракатининг нечоғлик бемаъни эканини англаб етди шекилли, тергов жараёнида берилаётган сўроқларга юзи шувут бўлиб, шундай жавоб берди:

— Тўғриси, пул керак бўлиб қолгани учун шу ишга қўл урдим. Чунки ҳеч қаерда ишламайман. Шайтон сувига маст бўлиб, кайфчиликдан содир этган мазкур ҳаракатимнинг нечоғлик ёмон оқибатга олиб келишини ўйламаганимдан афсусдаман. Мана энди ким деган одам бўлдим. Обрўйим, шаънимга ўзим доғ туширдим. Хотиним, уч нафар фарзандларим бор. Уларнинг кўзларига қандай қарайман...

Маълум бўлишича, Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшовчи бу йигит шаҳримизнинг Амир Темур хиёбонида 2-таксопарк ҳайдовчиси Тоҳир Шокировга тегишли «Тико» русумли автоуловга мижоз тариқасида ўтириб, Чилонзор тумани, 19-мавзега элтиб қўйишини илтимос қилган. Машина айтилган манзилга етиб келгач, орқа ўриндиқда қулай фурсат пойлаб ўтирган «мижоз» қўлидаги бўш

шиша билан ҳайдовчининг боши узра урган. Аммо унинг омади юришмаган шекилли, ўйлаган режаси тамомила ўзгача тус олган. Кейин нима бўлганини эса, яхшиси воқеанинг яна бир иштирокчиси, яъни жабрланувчи Тоҳир Шокировнинг ўзидан эшитайлик:

— Айтилган мансилга яқинлашганда қоронги кўчалар бошланди. Орқа ўриндиқда ўтирган мижозим тоҳ ўнта, тоҳо чапга дея, йўлни кўрсатиб борар эди. Ва ниҳоят, у кўп қаватли уйлардан бирининг олдида тўхташимни буюрди. Шу пайт бошимга кучли бир зарб урилди. Қарасам, машина ўриндиқлари устида шиша бўлаклари сочилиб ётарди. Шунда англадимки, ҳалиги йигит ароқнинг бўш шишиаси билан бошимга урган. Аммо шукирки, Яраттанинг қудрати билан унчалик шикаст емадим. Факаттина бўйним тилиниб озигина қон томчиларди, холос. Ўзимни кўлга олиб, шу заҳоти, машинадан тушдидим. Ҳалиги йигит ҳам тезлик билан машинадан тушлида, югурга кетди. Мен унинг ортидан қувиб, шу ерда жойлашган мактабнинг спорт майдонида ушлаб олиб, таъзирини бердим. Шимидағи камарини ечиб олиб, кўлларини боғладим. Кейин эса, ўловочи машиналардан бирини тўхтатиб, зўравонни ортдим-да, ички ишлар бошқармасига олиб келиб топширдим. Ана шу дамда чунонам қоним қайнаб кетганинг боиси бор эди. Бу йигитни балки калтакламасдим. Лекин ўзимни тўхтатолмадим. Кўз олдимга раҳматли акам келди. Чунки акам ҳам худди шундай воқеага дуч келиб, унинг курбонига айланган эди. У ҳам таксист бўлиб ишларди. Бир куни машинасига ўтирган имонини йўқотган бир босқинчи акамга ёвузларча ҳамла қиласди. Ўртадаги олишувда қаттиқ жароҳат олган акам дунёдан кўз юмди...

Ўзим билан юз берган ушбу воқеадан кейин акам учун қасос олгандекман гүё. Ўзгалар мол-мулкига кўз олайтирадиган битта газанда камайди, леб айтиш мумкин.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳозирги кунда айланувчига нисбатан пойтахтимизнинг Чилонзор тумани Ички ишлар бўлимида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси иккинчи қисми, «А» банди бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Тергов жараённида аниқланишича, айланувчининг ўзи ҳам бир пайтлар такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаган экан.

Таажжубланарли жойи шундаки, унинг айтишича, ҳайдовчиллик фаолияти давомида ўзи ҳам икки бора шундай босқинчилар билан тўқнаш келган. Лекин ушбу касбнинг бутун оғир-енгил жиҳатларини била туриб, бир бегуноҳ кишининг пешона тери эвазига топаётган маблағларига куз олайтирган бу босқинчи албатта, қилмишига муносиб жазога лойик.

Халқимизда, «кейинги пушаймон, ўзингта душман», деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳозирда ушбу айборнинг боши эгик. Аммо фишт қолилдан кўчган. Ҳар бир жиноятга қонун доирасида жазо белгиланган.

### «АНТИҚА» ҲИЙЛА

Кечаси соат ўнлар чамаси эди. Пойтактимизнинг Акмал Икромов тумани Ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисмига кийим-бошлари бетартиб, юзларидан нимадандир саросимага тушсанлиги акс этиб турган бир йигит келиб, ҳаяжонли оҳангда милиция ходимларидан ёрдам беришларини сўради. Ўзини Баҳром деб таништирган ушбу фуқаронинг ёзган аризасида, икки нафар номаълум шахс унга нисбатан босқинчилик жинояти содир этиб, бошқарувидаги «БМВ-5/1» русумли автомобили ва 2000 АҚШ долларини олиб кетишганлиги кўрсатилган эди.

Мазкур ҳолат бўйича воқеа жойига зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи жалб этилди. Бу каби жиноятларнинг хавфлилиги ва босқинчиларни имкон қадар тезроқ қўлга тушириш зарурлиги инобатга олинди, бутун шаҳар милицияси оёққа турди. Барча постлар ва йўналишларда хизматларини давом эттираётган ички ишлар ходимларининг дикқат-эътибори мазкур жиноятни очишга қаратилиди. Кўрилган саъй-ҳаракатлар натижасида орадан ярим соат вақт ўтмасиданоқ, ўғирланган машина топилди. Аммо унинг эшиклари очик, ичидаги нарсалар ҳар томонга сочилиб ётарди. Жабрланувчи айтган 2000 АҚШ доллари ҳам жойила йўқ эди. Демак, босқинчилар пулларни олиб, жуфтакларини ростлашган...

Тезкор ходимлар ушбу автоуловни обдон кўздан кечирдилар. Лекин таажжубланарлиси, машинанинг бирор жойида босқинчиларнинг бармоқ излари қолдирилмаган. Бирон бир далилий ашё ҳам топилмади. Наҳотки, бу жиноятчилар

машина эгасига ҳамла қилишда фойдаланган арқон ва пи-  
чиқни ўzlари билан олиб кетишган бўлса?...

Акмал Икромов тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Жумабек Хавасов ва ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Аброр Ибрагимовлар жабрланувчининг кўрсатмаларини яна бир бора тинглаб кўрдилар.

...Ўша куни қоронғиликда унинг «BMW-5\1» русумли автоуловига йўловчи сифатида ўтирган нотаниш шахслардан бири тахминан икки чақиримча ўйл босишгач, кутилмагандага ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солиб, бўға бошлаган. Иккинчиси бўлса, Баҳромнинг қаршилик кўрсатмоқчи бўлган қўлларини лично билан тилиб ташлаган. Кейин эса, машина калити, ҳужжатлари ва пулларини тортиб олиб, қочиб кетишган...

Бу каби вазиятларда ўта синчковлик ва зийраклик билан иш тутиш зарурлигини кўп йиллик бой тажрибадан яхши англаған милиция ходимларининг назарида энди ушбу жиноят ҳолат бироз файритабиийдек кўрина бошлади. Чунки даставвал жабрланувчининг бўйнидаги сиртмоқ изларига разм соглан кишининг ажабланиши табиий ҳол эди. Ахир машина ичидаги ҳайдовчининг орқа томонидан сиртмоқ солиб бўғилганда, сиртмоқ излари бўйнининг олд томонида қолиши аниқ. Аммо бу излар негадир жабрланувчи бўйнининг орқа томонида қолдирилган. Қўлларидаги пичоқ жароҳати ҳам тезкор ходимларда шубҳа уйготди.

Бундан ташқари, у бир гал ўша йўқолган пулларини август ойи ўрталарида дадасидан тижорат мақсадида, яъни ўртоқлари билан юқ олиб келиб, сотиш мақсадида олганлигини айтса, иккинчи гал эса, уларни «Компьютер ўйинлари» хонаси очиш учун олган эдим деб, кўрсатма берди. Ҳуллас, қалаванинг учи айнан жабрланувчининг ўзида эканлигига энди шубҳа қолмаганди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ўйлаган ҳийлаларидан ҳеч фойда чиқмаслигига амин бўлған Баҳром милиция ходимларига охири «ёрилди».

У ўша куни ўртоқларини кузатиб қўйгач, машинасига ўтириди-да, кўчага чиқди. Шу онда кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Ҳаёли чунонам паришонлигидан қаёққа кетаётгани ўзига ҳам аён эмасди. Чилонзорнинг 21-мавзеси бўйлаб бораркан, тасодифан келиб қолган болалар боғчаси

рўпарасида тўхтаб, қатъий қарорга келди. «Иш»ни энг аввало, машинасининг калити ва техник паспортини шу ердаги яшил девор тагига ташлаб юборишдан бошлади. Кейин эса, ичидаги майда-чўйда нарсаларни сочиб ташлади ва милиция ходимларига «пул шу ерда эди...», деб кўрсатган кулдонни ҳам ўрнидан қўзғатиб қўйди. Бироз уйланиб турида, босқинчилар ҳамласига дучор бўлганлигини «исботлаш» ва кўрсатиш мақсадида куйлагининг ёқасини бўйнига аямасдан ишқалай кетди. Кўп ўтмай, бўйнининг орқа қисмидан бироз қон томчилаб, ачишганидан сўнг эса, иккинчи «жароҳат»ни ҳосил қилишга киришди. Кўзларини чирт юмди-да, қўллари, билакларини дараҳт танасига то қони чиққунича куч билан ишқалади. Сўнг «ночор» аҳволга тушган жабрланувчига ўҳшаш қиёфада нажот истаб, милиция ходимларининг хузурига ошиқди.

Акмал Икромов туман ички ишлар бошқармаси тергов бўлимида шу туманда истиқомат қилувчи Баҳром исмли ушбу «жабрланувчи» аризаси асосида аввалига босқинчилик жинояти содир бўлганлиги учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси қўлланиди. Воқеалар ривожи тамомила ўзгача тус олиб, ҳақиқат юзага чиққанидан кейин эса, ички ишлар идораларига ёлгон хабар берганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддаси қўлланилиб, ҳозирда тергов ҳаракатларини бошлади.

Шу ўринда, йигитнинг ўз жонини қийнаб бундай маккорлик ишилатишига нима сабаб бўлдийкин? деган савол туғилиши табиий. Мазкур ҳолат бўйича тергов ҳаракатларини олиб борган туман ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси, милиция майори Муса Бердимуродовнинг аниқлашича, «Баҳром 2000 АҚШ долларини йўқотиб қўйган. Сўнг дадасига бу ҳақида нима дейишни билмай, кўрққанидан ушбу «антика» ҳийланни ўйлаб чиқарган ва шу йўл билан вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлган. Балки у ўша пулларини умуман бошқа жойга сарфлаб юборгандир. Унинг тергов жараёнида кўрсатмасига кўра, кафеда йўқотганига ёки дискотека майдончасида тушириб қўйганига ҳам ишониш жуда қийин. Хуллас, нима бўлганда ҳам энди кеч. Оқибатини ўйламай, кўрсатган найранги натижасида ички ишлар ходимларининг қанча вақтлари кетди. Қанча транспорт воситаларидан фойдаланилди. Ўзи эса энди қонун олдида жавобгар.

## ЯНА БИР ҚАЛТИС ЎЙИН

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ИИБ навбатчилик қисмига Жарариқ даҳасида жойлашган 40-үйда босқинчлилк жинояти содир этилгандиги тўғрисида хабар келиб тушди. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳ ходимлари жабрланувчининг берган қўрсатмалари асосида сурнштирув-текширув ишларига киришдилар.

— Кечаси соат икки яримлар чамаси эди. Кутилмаганда икки нотаниш шахслар хонадонимизга бостириб киришиди ва мендан пуллар ҳамда машинанинг калитини беришими талаб қилишди, — дея ҳаяжонланиб ҳикоя қилади жабрланувчи. — Мен уларнинг талабига бўйсунмаган эдим, дўқ-пўписа қилиб, кўрқитишди. Улардан бири қўлидаги пичоқ билан қорнимни тилиб, қаттиқ шикаст етказди. Агар айтгандарини бажармасам, ҳолимга маймуналар йиглашиби таъкидлади. Ўзга чора қолмаганини тушуниб, тўшак тагида турган 300 минт сўм пулни ва ҳамқишлоғим Эргаш акага тегиши «ВАЗ-2105» русумли автомобилнинг калитини босқинчиларнинг қўлига топширишга мажбур бўлдим.

Мазкур жиноятни зудлик билан иссиқ изида очиш мақсадида туман ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан шошилинч тадбир ишлаб чиқилди. Воқеа юз берган хонадонда жиноятга даҳлдор бўлган ҳар бир ҳолат синчковлик билан кўздан кечирилди. Аммо милиция ходимларининг назарида ушбу жиноятнинг тафсилоти бирмунча галати кўринди. Бундан ташқари, жабрланувчи айттанидек, унга ҳамла қилган шахслар из қолдирмаган. Хонадондаги жиҳозлар ҳам батар гиб турар, эътиборни жалб этувчи ҳолат кўзга ташланмасди.

— Биз мазкур жиноий ҳаракатнинг ягона гувоҳи жабрланувчи, яъни Жасурдан воқеа тўғрисида яна аникроқ гапириб беришини сўраган эдик, ҳамма нарса ойдинлашди, — дейди туман Ички ишлар бўлими терговчиси, милиция майори Элмурод Ёрмаматов. — У энди бироз талвасаланиб турса-да, бўлиб ўттан воқеани рўй-рост айтиб берди.

Хуллас, аслида ҳаммаси бутунлай бошқача тус олганлиги ойдек равшанлашди.

Андижонлик Жасур исмли ушбу йигит ҳамқишлоғи Эргаш ака билан Тошкентта ишлагани келган. Ўша куни Эргаш ака оиласидан хабар олиш учун қишлоғига йўл ола-

ди. Кечқурун зерикканидан нима қилишга боши қотган Жасур унинг машинасини кўчага ҳайдаб чиқади. Йўлда ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўзгага тегишли автоуловни бошқариб бораётган ҳайдовчига ЙПХ ходимлари тўхташ ишорасини кўрсатишади. Аммо у инспекторларнинг талабини бажариш ўрнига тезликни оширади. Машинанинг ёқилғиси тутагач, ярим йўлда қолдириб, ўзи қочиб кетади. Уйига келгач, машинанинг эгасига нима деб тушунтиришга боши қотган Жасурнинг миясига “антика” хаёл келади. У ўзича режа тузади. Ишни энг аввал тўшак тагидаги 300 минг сўмдан бошлайди, пулни маҳаллада курилаётган уйлардан бирининг девори тагига беркитиб қўяди. Жигулининг калигини ҳам гумдон қиласди ва қўлига лизвея оладида, тишини-тишига қўйиб, ўз танасининг қорин қисмини тилади. Шундан кейин “02” га сим қоқиб, хонадонига босқинчилар ҳужум қилганлиги тўғрисида шопшилинч хабар беради.

Ички ишлар идорасига берилган мазкур хабар асосида дарҳол тезкор-тергов гуруҳи етиб келди. Улар қанчадан-қанча вақт сарфлашди. Транспорт-техника кучларидан фойдаланилди.

Суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари ҳам жалб этилиб, уларнинг маҳсус текширишлари натижасида “жабрланувчи”нинг қорнидаги жароҳатни унинг ўзига ўзи етказган деган қатъий хulosага келинди.

Шундай қилиб, ушбу қаҳрамонларимиз ўйлаб топган “ўйин” ларининг жиноят эканлитини, оқибати нима билан тугаши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганлигини учун афсус чекаётган бўлса ажабмас.

## НАСИБ ЭТМАГАН ЎЛЖА

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига Пирмуҳамедов кўчасида жойлашган хонадонларнинг бирига кириб, талончилик жиноятини содир эттан Гўзал исмли қиз милиция ходимлари томонидан ушланди.

Деворлари қора ойналар билан қопланган ҳашаматли банк биносининг эшити атрофи тумонат одам. Тўпланганлар пул

алмаштириш шахобчасига келишган. Уларни зимдан кузатиб турған Гүзәлнинг нигоҳи ногаҳон кўк рангли сумка кўтартган етмиш ёшлардаги бир кампирга тушди. «Балки менга насиб қилинажак ўлжа шудир», — дея хаёлидан ўтказди у ва кампирни кузатишда давом этди. Бир маҳал «ўлжа» банкнинг ортида жойлашган тўққиз қаватли уйлар томон йўл олди. Уни кўлдан чиқармасликка аҳд килган Гүзәл ҳам изидан борди. Ахир омади чопадиган бўлса, нақд бир сўмка пулнинг эгасига айланиши ҳеч галмас. Шу зайл бироз қўрқув ва ҳаяжон билан кампир кирган йўлакдан ичкарига юра бошлигар Гүзәлнинг энди қўл-оёқлари негадир титрарди. Зиналар орқали тепага кўтаришларкан, лифтнинг нечанчи қаватда тўхташи ва кузатаётган одами қайси хонадонга кириб кетишини аниқласа бўлгани. У ёфи бир гап бўлар...

Олтинчи қаватга кўтаришган кампир ортига қайтиб чиқмади. Демак, у шу ерда яшайди. Нима бўлганда ҳам ушбу кўз остига олган ўлжани қўлдан чиқармасликка қарор қилган Гүзәл йўл-йўлакай режа тузди. Эшик қўнғирофини босиб: «Биз аҳолини рўйхатдан ўтказиб юрибмиз. Илтимос, паспортларингизни кўрсатингизлар», дерди. Орадан ярим сония вақт ўтмай эшик очилди. Шу дамда шундоққина йўлакчадаги кийим жавонга суюб қўйилган кўм-кўк рангли сумкага кўзи тушган «жэк ходими»нинг кўзларидан олов чиқиб кетаёзди. Ичкаридан соchlари оппоқ, қадди эгилган, ёшлари анчага бориб қолган хонадон соҳиби унга сўралган ҳужжатларни тутқазди. Аммо Гүзәл шу дамда чолни кўксига зарб билан урди-да, ҳалиги кўк рангли сумкани олиб, ташқарига отилди.

Ошхонадан бир пиёла чой ичиб чиққунигача бўлган қисқа лаҳзаларда аввалига нима бўлганини тушунмаган кампир пулларининг ўғирланганлигини билгач, эшикка юргурди. «Ёрдам беринглар, ўгри...» дея, қўшниларни чақирди. Кутилмаган зарбдан ўзини ўнглаб олган чол ҳам аранг лифт олдигача келди.

Ўлжасини маҳкам сиққанича лифт эшиги очилиши билан кўчага отилган Гүзәл қаршисида пайдо бўлган қўшниларга ҳам тутқич бермади. Аммо ҳовлида кишилар ушлаб олдилар.

«Нима бўлганда ҳам энди чекиниш ярамайди. Бир амаллаб ана шу вазиятдан қутулсан бўлгани...» дея, жон ҳолатда

қочаётган Гўзал қўшни уйнинг йўлагига кириб кетди. Зиналар орқали охирги қаватга кўтарилиб, томга чиқиб кетмоқчи эди, аммо чордоқ эшигига катта қулф осилган экан.

Гўзал яширган уйнинг йўлаги қаршисида анчагина одам тўпланди. Бироқ талончи қизнинг ортидан чиқишга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Чунки саксон ёшли қарияга кўл кўтариб, пулларини олиб қочган бу қиздан ҳар нарсанни кутиш мумкин. Кимдир милицияга хабар берди. Ушбу ҳудудда хизматда юрган пост-патруль хизмати ходимлари ва Миробод тумани Ички ишлар бўлимининг тезкор вакиллари воқеа жойида ҳозир бўлдилар. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзгалар мулкига кўз олайтирган Юнус обод туманида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган Б. Гўзал исмли ушбу шахс далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Кексайган чоғида тан жароҳати олиб ва сал бўлмаса, 2000000 сўм пулларидан ажralиб қолаёзган Миробод тумани, Пирмуҳамедов кўчасида истиқомат қўливчи саксон ёшли пенсионер Магаметтагир Даҳдемиров талончини қисқа фурслатлар оралиғида тутишга муваффақ бўлган Миробод тумани ички ишлар ходимларига ўз миннатдорчилигини билдириди.

## МАККОРА ҚИЗ

Эрта тонг маҳалдан телефон қўнғироғининг жарангли товушидан уйғониб кетган Абдурауф aka шошганича гўшакни кўтарди. Нотаниш бир йигитнинг ҳаяжонли оҳангдаги сўзлари қулоқларига чалиниши баробарида унинг пешонасидан совуқ тер қўйила бошлади. Шу онда у лом-мим дёёлмай ўйга чўмганича қотиб турарди...

Сўнгги вақтларда Абдурауф aka маъюс, сал нарсадан таъсиrlанадиган бўлиб қолганди. Негаки, кўзининг нури, жондан азиз саналган зурриёти томонидан содир этилаётган ташвишлару-кўргиликлар дилига азоб берарди. Ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда ҳаётининг мазмуни, суюнчиғи бўлган – фарзандларининг камолини кўриш ниятида яшайди. Баъзан дуч келган қийинчилик, ташвишлар олдида ҳам ана шу умидлар йўлдошу елкадош бўлади. Ахир турмушнинг турли сўқмоқлари, қувончли ва серташвиш онлари одам боласи учун бир синов эмасми...

– Ўелим, бироз шошманг, илтимос. Ҳа, мен Зулайҳо-

нинг отасиман. Аммо ўзингиз ким бўласиз?... Бу савол қўнгилароқ қилувчининг жаҳдини чиқарди.

— Қизингизнинг қаердалиги билан қизиқмаётганти-гингизга ҳайронмиз. Қанақа одамсиз ўзи? Шунчалик ҳам бефарқ бўладими одам дегани. Демак, унинг қилмишлари-дан ҳам бутунлай бехабар бўлсангиз керак-а? ...

— Ростини айтсам, жуда хавотирдаман. Онаси иккозимиз кечаси билан деярли мижжа қоқмадик. Нима қилишни ҳам билмай, унинг йўлларига кўз тикканимизча, эшиқдан кириб келишига интиқмиз, ахир. Қизимнинг ҳеч бунаقا одати йўқ эди, — дея кўзлари ёшланди отанинг.

— Бўлти ока, бизлар ҳам мусулмонмиз. Сизни ҳам тушуниб турибмиз. Ҳозир уй манзилингизни айтсангиз. Олдингизга бориб, бафуржা суҳбатлашиб олсак.

Орадан ярим соат вақт ўтиб, уйларига икки йигит кириб келди. Улардан бири ўзини Дониёр, иккинчисини эса Отабек деб таништирди. Ҳонадон соҳиби меҳмонларни ичкарига таклиф этиб, илтифот кўрсатди. Меҳмонлар саломаликдан сўнг муддаога ўтдилар.

— Ока, ҳали айтганимиздек, бизга қизингиз керак эди. Фақатгина ўзи билан юзлаштирангиз, нима гаглигини ўшанда билиб оласиз. Мезбон пиёлага қўйилган чойни Отабек томон узатаркан, унинг ушбу сўзларидан яна ҳайратга тушди. Кейин уларга ҳозир чиндан ҳам қизи уйида йўқлигини, унинг қилиб юрган ишларидан ҳам меҳнат таътилида бўлиб қайтганлиги боис, мутлақо бехабарлигини ва аммо келса, албатта, ўзи билан обдон гаплашиб олишга ваъда берди. Отанинг ҳаяжондан куйиб-пиниб айтиётган гапларидан сўнг, йигитлар ҳам мақсадга ўтишди. Бўлиб ўтган воқсани бошдан-оёқ ҳикоя қила бошлашди.

Хуллас, бундан ўн кунча олдин Зулайҳо Отабекнинг укаси Ҳалим билан тасодифан танишиб қолган. Ҳалим машинасида Корасу даҳаси томон кетаётган эди. Йўлда бораётганида кўчанинг чеккасида бир қиз қўлини кўтариб, Ички ишлар Академиясининг олдигача элтиб қўйишини илтимос қиласди. Ҳайдовчи ҳам қизнинг ҳожатини чиқариш ниятида уни айтган манзилига етказиб қўйишга рози бўлади. Йўлда кетаёттиб, йўловчи қиз Ҳалимдан кутилмагандан айни вақтда доллар курсининг баҳоси неча сўмлигини сўраб қолади. Ҳалим аслида бу ҳақда аниқ билмасада, «1400 сўм бўлса керак, бир

доллар», деб жавоб беради. Қиз исми Зулайҳо эканлигини, Марказий Банкда ишлашини ва мабода доллар керак бўлса, унга давлат курсида, яъни 1300 сўмдан олиб бериши мумкинлигини айтади. Банкнинг валюта бўлимидаги яқин танишлари ҳам бу борада ўз ёрдамларини ҳеч қачон аямасликларини ҳам алоҳида таъкидлади. Нотаниш қизнинг таклифларига ҳайрон қолган Ҳалим аввалига лом-лим демади. Кейин эса, қизнинг «агарда пул топсангиз, давлат баҳоси бўйича банкдан «кўқидан» олиб бераман. Сўнг икковимиз уларни қора бозор нархida ўтказамиз. Қарабисизки, бир пастда йўқ жойдан жарақ-жарақ даромадга эгамиз. Қанийди, ҳозирда ўзимда пул бўлганида, буни ҳатто сизга айтиб ҳам ўтирумасдим», деган гапларидан «таъсирланиб» кетган Ҳалим, «бўпти, рости ўзимда йўқ, лекин бирон танишимдан олишим мумкин», деб юборганини ўзи ҳам билмай қолади. Зулайҳо дарҳол ундан телефон рақамини қолдиришини сўради ва айтилган манзилида тушиб қолади.

Кутилмаган, аммо агарда амалга оширса, яхшигина фойдали иш тўғрисидаги ҳалиги таклиф Ҳалимнинг хаёлини ўғирлади. Зулайҳонинг, «бир соатдан кейин қўнғироқ қиламан. Пул топсангиз, шу заҳоти ишга киришамиз», дея ишонч билан гапиргани унга ўлжани нақд қилиб қўйгандек туюлди. Уйига кириши билан курсдоши Отабекка сим қоқди ва бир миллион сўм пул бериб турини илтимос қилиб, бор гапни тушунтириди. Ўртоғининг яхши билган Отабек унга ёрдам беришга розилик билдириди. Қувончи ичига сиғмай кетган Ҳалим дарҳол Зулайҳога пул топганлигини маълум қилиш учун сим қоқди. Қиз уни шу куни кеч соат 18.<sup>10</sup> да А. Темур хиёбони яқинида жойлашган «ДЭУ Юнител» фирмаси олдида учрашувга чақирди. Ҳалим белгиланган вақтда ҳозир бўлиб, Зулайҳони машинасига ўтирафизиб олди-да, Отабекдан пулларни олиш учун «Болалар дунёси» дўкони томон равона бўлди. Ҳамма иш бир маромда борарди. Бир миллион сўм пулни қўлга киритган икковлон Тошкент Марказий Универмаги ёнида жойлашган Марказий Банкка етиб келдилар. Бинонинг орқа тарафига тўхтадилар ва Зулайҳо шу пайт Ҳалимга ҳозир банкдан 3000 АҚШ доллари олиб чиқиши кераклигини айтди. Бу гапдан ҳайрон қолган Ҳалим ундан, «ушбу бир миллионнинг эвазига қандай қилиб шунча доллар олиш мумкин», деб сўрайди. Зулайҳо Ҳалим-

га шундай тушунтириди: «Банкнинг ҳисоб рақамига бутун фақат 1. 000. 000. сўм пул тушиши керак. Ҳозир ана шу пул бизларда бор. Ҳозир шуни берсак, қолганини эртага берсак ҳам бўлаверади» деб ишонтириди. Шунда Ҳалим иккилансада, целофан пакетга солинган пулларни Зулайҳонинг қулига тутқазиб юборди. Қиз ярим соатдан сўнг чиқишини айтиб, банк ичкарисига кириб кетди. Ҳалим машинада хаёл сурганича унинг қайтишини кутиб қолди. Бир соатдан сўнг, Зулайҳо чиқди ва унга: «машинангизни бинонинг орқа томонига қўйиб, мени кутиб туриңг, бироз ишлар кўпайиб қолди» дедида, ўзи яна ортига қайтиб кириб кетди. Орадан яна бир соат ўтди. Аммо ҳамон Зулайҳодан дарак йўқ. Энди Ҳалимнинг кўнгли ғаш бўлиб, миясида ҳар хил ўйлар пайдо бўлаверди. Энди эса, вақтни бекорга сарфламай, Зулайҳонинг ортидан бориш кераклигини тушунди ва эшик олдида турган милиционерлардан ўша қиз ҳақида сўради. Улардан бири Ҳалимга бу қизнинг эрталабдан бери шу ерда юрганигини, ҳар ярим соатда қаёқларгадир қўнғироқ қилиш билан оворалигини ва унинг бу ерда ишламаслигини эса аниқ билишини айтди. Бу гаплардан Ҳалимнинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Пулларини шамол учириб кетгандига амин бўлди ва бу ҳақида Отабекка хабар беришга ошиқди. Телефон орқали ўртоғи билан боғлангач, икки ўртоқ зудлик билан ҳалиги қизни топишга бел боғлашди. Отабек яна бир Дилшод исмли оғайниси билан етиб келиб, Ҳалимдан Зулайҳо тўғрисида ҳатто бирон бир маълумотта ҳам эга бўлмаганлигини эшлишишгач, энсалари қотди. Аммо шу пайтда Ҳалимнинг ўз уяли телефонидан Зулайҳо кимгадир қўнғироқ қилганлиги ёдига тушиб қолди. Уч оғайнини шошганича, уяли телефон хотирасида сақланиб қолган рақамга сим қоқдилар. Тимур исмли йигит трубканни кўтаргач, Отабек билан Дилшод у билан учрашишга кетишиди. Ҳалим шу ерда ҳар эҳтимолга қарши Зулайҳони кутиб қолди. Кўп фурсат ўтмасдан Отабек қайтиб келди ва Ҳалимга у Тимур деган йигит банкда қоровул бўлиб ишлашини, Зулайҳони эса, банкда ишламаслигини билиб олди. Лекин бундан ҳам муҳими, Зулайҳонинг Баҳром деган йигитдан ҳам пул олиб, қайтариб бермасдан қочиб юргани маълум бўлди. Баҳромнинг қаерда яшашлигини Тимур билар экан. Шундай қилиб, ўша куни Зулайҳо Ҳалимни чув тушуриб кетди. Энди уни

Баҳром орқали топиш мумкин. Ҳалим билан Отабек Баҳромнинг уйига бориб унинг отаси билан гаплашди. Ҳақиқатдан ҳам ўғлидан Зулайҳо исмли қиз пулларини алдаб олиб, 18 май куни бир қисмини қайтарганлиги тўғрисида эшилдилар. Бу суҳбатдан сўнг икки оғайни бир фикрга келди: «Демак, Зулайҳо бизнинг пулни олиб, бошқа қарзни узган».

Шу тариқа Зулайҳонинг турар жойи, ишхонаси ва яна бошқа маълумотлар аниқланди. Отабек билан Дилшод ҳам шундан кейингина Зулайҳоларнинг уйига боришиди. Энди воқеанинг қолганини эшигининг:

Уйларига келиб, отасига арз қилиб кетишган ўша йигитлар ва Баҳромнинг отаси билан Зулайҳонинг ўзи боғланди. Уларга, «Нега уйимга келдинглар? Пулларингни еб кетмасдим, қайтараман вақти-соати билан. Бунча ваҳима қиласанглар. Нимага отамга айтасизлар? Бориб ҳазиллашдик денглар. Йўқса пулларингни қайтиб кўрмайсизлар» дея пўписа қилиб қўйди ва ҳар бирлари билан учрашув белгилади. Лекин бу гаплар ҳам найранглардан бўлак ҳеч нарса эмасди. Отабекнинг олдида жудаям ноқулай аҳволда қолган Ҳалимнинг ўзи бир неча бора Зулайҳога қўнғироқ қилиб, «Келинг учрашайлик, менга ҳеч қанақа доллар кепрак эмас. Ўзимни пулларимни қайтарсангиз кифоя, илтимос, синглим», дея ўтиниб сўраса-да, барибир ҳеч қандай натижа чиқмади.

Шу зайл нотаниш қизнинг сўзларига лаққа тушиб ўз пулларини тутқазиб юборган содда кишиларнинг бошлари қастди. Бирлари ноиложликдан милицияга хабар берган бўлса, бошқаси ўз пулини қўлга киритиш илинжида турли йўлларни қидирди. Зулайҳо билан бир амаллаб учрашган жабрланувчилар ундан пулларини қайтаришини талаб қилди. Зулайҳо бундан ташвишга тушиш ўрнига, аксинча, уларни қандайдир манзилларга бошлаб бориб, у жойлардан ҳам қуп-куруқ қайтиб чиқар ва хафсалаларини пири қилиб, навбатдаги ваъдаларни кслтирганича хайрлашарди. У ҳатто жабрланувчиларга нисбатан туҳмат қилишгача борди. Айримларининг ўз пулларини қайтаришини сўрайвериб чарчаганликлари етмай, ушбу номард қизни «ўғирлаб кетганликда» ҳам айбланиб қолишларига сал қолди. Яхшиямки, аслида бундай бўлмаган. Бу тергов ҳаракатлари давомида тўлалигича аниқланди.

Бўйнидаги маълум миқдордаги қарзлардан осонликча кутулишни мўлжаллаган ушбу фирибгар қизнинг, «мени но-маълум сабабларга кўра ўғирлаб кетишди», деган қатор бўхто-ну хийлалари ҳам иш бермади.

Булардан ташқари, Олийгоҳда ўзи билан ишлайдиган М.Ўразовани ишончини суистеъмол қилиб, «сартарошхона очмоқчиман, шунга бир кунга 700. 000 сўм бериб тургин» деб олиб, пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, яна бир таниши У. Султоновга «Пулларингни банкдаги танишларим орқали кўпайтириб бераман» деб, уни ҳам лаққа тушириб, жами 2. 500. 000. сўм пулни куртдек санаб олганлиги, «Асака Банк» биносида фуқаро Т. Нормуродовни алдаб, «арzon нархда доллар олиб бераман» дея, унинг 228. 000 сўм пулларини қўлга киритганлиги ва Халқ банки бўлими биноси олдидаги фуқаро М. Исмоиловни ишончига кириб, унга ҳам танишлари орқали банкдан 800. 000 сўм пулларини алмаштириб беришини ваъда қилиб, аммо ўзи қочиб юрганлиги ҳам фош этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноий жавобгарликдан четда қолиш, кишиларга етказган моддий зарарни қопламаслик мақсадида турли сунъий далилларни вужудга келтирганликлари ҳам тергов давомида холисона текширилгач, ўз исботини топмади.

Зулайҳо аввалига турли жойларда бинойидек ишлаб келган. У телевидениеда ҳам маълум вақтлар фаолият кўрсатиб, турмуш жабҳалари тўғрисида ҳатто кўрсатув орқали чиқишилар қилган. Аммо гувоҳи бўлганингиздек, ўз иши ва обрў-эътиборига ўзи билиб-бilmай путур етказганлиги оқибатида, сўнгги вақтларда ишлаб келган идоралар ҳам у ҳақида мутлақо салбий тавсияномаларни тақдим этганликлари унга бўлган ишончнинг шу даражада паст эканлигидан далолатдир.

Отанинг телефон қўнгириғидан юраги зада. Унга ҳам қийин. Ахир қайси ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрарди. Ҳар бир инсон учун бу беш кунлик дунёда бутун борлиғу қувончи ҳам ширин-шакар дилбандлариридир. Улар хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин ота-онасининг умр давомчилари саналадилар. Улғайгач, ҳаётдан ўз ўрнини топиб, бирон касб-хунарни эгаллаб, жамиятга фойда келтирадиган ақл-хушли ва пок қалбли инсонлар бўлиб етишисалар, ота-оналари учун

бундан-да ортиқ баҳт топилмайды. Бугунги күнде эса, со-дир этган құлмишларидан үзига қандай хулоса чиқарып ол-дийкин билмадик. Яқындагина у, со-дир этган қатор ножүя хатти-харакатлари учун Жиноят Кодексининг тегишли мод-далари билан айбдор деб топилиб, маълум муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жазоланишга тортилган эди. Республи-камиз Президенти томонидан чиқарылған авф этиш фар-мойишига асосан жазодан озод этилгач, бундан үзига түғри хулоса чиқарып олиш ўрнига, аксинча, яна жиноят күчасидан борганлиги кишини таажжубга солади. Энг ачи-нарлиси, яхши ниятлар ила «Ушбу түнгіч қызимни ҳам баҳти очилиб, эрта бир куни биз ҳам түй қиласыз. Эл-юртта ош берамиз», деган умидда юрган ота-онанинг олди-ла шунча ташвишлар кутиб турған экән. Аслида келинлик либосини кийиб, оптоқ чойшаб ярашгудек бошларини бу-гунги күнде үз құлмишлари оқибатида әгилиб қолишига фақат үзи сабабчи бўлган бу адашган қиз лоақал энди түғри йўлдан қадам босса ажабмас. Ахир ҳар бир оилада ота-она-дан кейин үзидан кичикларига энг аввало, түнгіч фарзанд ўрнак кўрсатиши лозим. Зулайҳо ҳеч бўлмагандан бундан кей-ин опа сифатида ҳам ҳалол ва ростгўй инсон бўлиш нақа-дар муҳимлигини кўрсатишга уриниб яшармикан. Модоми-ки, аёлларга хуш одоб ва чин сўзлилик энг муносиб фази-латдир. Қолаверса, азал-азалдан латофатда тенги топилмас, ҳаё-ю ибода ҳаммани лол этгувчи момоларимизнинг ибрат-ли изларидан бориш ҳар бир ўзбек қизи учун баҳтнинг үзи эмасми?...

Мана шунақа гаплар. Сиз азизларни ҳам ушбу ҳангома-лардан воқиғ қилаётганлигимиздан ягона муддаомиз жа-миятнинг равнақига раҳна солувчи, фуқароларнинг асабла-рига тегиб ва сарсон-саргардон қилгувчи, фирибгарликни ўзларига касб қилиб олган ушбу «қаҳрамон»имиз сингари айрим кимсалар ўз гаразли мақсадларига етолмасликларини чин дилдан истаб қолар эдик.

### УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Шундай инсонлар борки, улар қандай лавозимда, ким бўлиб ишламасин, ўзининг одамийлиги, ҳақгўйлиги, са-мимияти, фидоийлиги, бурчига садоқати ва бутун умрини

ээгу ишларга бағишилаганлиги билан ёшлар учун ҳамиша ибрат мактаби вазифасини үтайди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг Жиноят қидириув бўлимида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини суроётган истеъфодаги милиция подполковниги Анвар ака Расуловнинг мазмунли меҳнат фоалияти юқоридаги фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Анвар ака Расулов пойтахтимизнинг энг кўхна масканларидан бўлмиш Шайхонтохур туманидаги Гулобод маҳалласида 1937 йилнинг 11 августида дунёга келди. Бутун умрини асосан турли раҳбарлик лавозимларида фаоллик билан кечирган падарибузруквори Сайдқодир ака Расулов ва 40 йилдан ортиқ ёш авлодга таълим-тарбия бериб, кўпчиликнинг табаруқ устозига айланган онажониси Нуринисо аяларнинг Панднасиҳатлари ва ўғитларидан ўзига тўғри йўлни танлаб олди. Болалигиданоқ ақёли-хушли, хушхулқ фарзанд бўлиб улгайди. Ота-онаси ҳамма нарсага қизикувчан, интигувчан ва тиришқоқ бўлиб ўсаётган Анваржонга алоҳида эътибор қаратиб, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, орзу ниятларига эришиб камолга етишишига кўмаклашди. Ёш ўғлон мактабни тугатгач, жисмоний тарбия ва спорт билим юргита ўқишга кирди. 1955 йилда ушбу илм ўчогини тугатгач, ҳар тамонлама намунали, жисмонан соғлом ва етук ёш мутахассисни Қашқадарё вилоятiga спорт жамиятининг раиси этиб тайинладилар. Икки йилдан ортиқ аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини тарғиб этиш, кишилар билан мулоқот ёш раҳбарнинг дунёқарашини бойитди. Сўнгра, у яна Тошкентга қайтиб, бирмунча вақт Авиасозлар заводида ишлади. Орадан кўп вақт ўтмай Анвар ака Низомий номли Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг тарих факультетига сиртдан ўқишга кирди. Бир вақтнинг ўзида, 132-ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади.

Ёшлик чоғлариданоқ ички ишлар соҳасига кириб ишлаш ёки ҳукуқшунос бўлиш орзусидаги Йигит Мирзо Улугбек тумани (аввали Куйбишев райони) Ички ишлар бўлимига келди. Ҳаракатчан, серғайрат, юрагида ўти бор бу ёш ходимни раҳбарият энг жиддий ва масъулиятили саналган Жиноят-қидириув бўлимига тезкор вакил лавозимига ишга тайинлади. Анвар ака қисқа вақт ичидаги ҳамкаслари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Шу боис аввалига шаҳар милициясининг Жиноят-қидириув

бошқармасига тезкор вакил лавозимига ишга жүнатилди. Орадан бироз вақт үтгач, уни Шайхонтоғур тумани Ички ишлар бўлимининг Жиноят-қидириув бўлимига бошлиқ этиб тайинладилар. Ушбу мъсулиягли лавозимда етарли тажриба ва билим ортирган А. Расуловни раҳбарият Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг Жиноят-қидириув бошқармасига бўлим бошлиғи, кейинроқ эса, яна Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига жўнатдилар.

Инсоннинг самарали меҳнати муносиб тақдирланиши бутун умрини эл тинчлиги йўлида сарф этган мана шу инсоннинг ҳаёт йўлидан ҳам билса бўлади. Чилонзор тумани Ички ишлар бошқарма бошлиғи ўринбосари ва айни пайтда Жиноят-қидириув бўлими бошлиғи лавозимига тавсия қиладилар. Жонкуяр раҳбар бу ерда ҳам аҳоли ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, эл-юрт тинчлигини таъминлашга ўз ҳиссасини кўшиб, туманда содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш, жиноятчиларни аниқлашда салмоқли натижаларга эришди.

А. Расулов Ички ишлар Бош бошқармасининг Жиноят-қидириув бошқармасида бўлинма бошлиғи вазифасида ишлади. Бироз вақт Ички ишлар Вазирлигининг Нақлиёт милициясида фаолият кўрсатди. Анвар ака қаерда ишламасин, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга, кўл остидаги ходимларга ва барча ҳамқасбларига ўрнак бўлишга интилди.

Милиция подполковниги Анвар ака Расулов иш фаолиятининг сўнгги Йилларида Ички ишлар Бош бошқармасининг Жиноят-қидириув бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлади. У ҳозирда кексалик гаштини суряпти. Тиниб-тинчимас, сергайрат, жасур ва мард изқувар ходим милиция подполковниги А. Расуловнинг фарзандлари ҳам ўзи каби эл-юрт учун хизмат қилмоқдалар. Қизлари Нодирабегим Расурова Ички ишлар Бош бошқармасининг Молия-иқтисод бошқармасида ўринбосар бўлса, ўғилари Саидаъло Расулов Бош бошқарма Жиноят-қидириув бўлимида тезкор вакил вазифасида ишлаб-келмоқда. Икки қизи Дилором ва Нигораҳонлар эса саломатлик посбони – шифокор.

Фарзандларнинг комил инсон бўлиб етишишида Анвар аканинг турмуш ўртоғи Клара аянинг оналик меҳри, сабру тоқатининг ўрни бекиёсдир. Чунки милиция ходимиdek уйда

кам бўладиган хизматчи бўлмаганидек, бунга кўниккан Клара ая ҳам бутун қийинчиликларни бўйнига олиб, албатта, рўзгор тебратдилар ва фарзандлар тарбияси билан жиддий шугулланишга ҳам вақт топдилар. Мана бугунги кунда Анвар ака ҳам, Клара ая ҳам пенсияда – фарзандлар камолини, неваралар соадатини кўриб, аҳил-иноқликда умригузаронлик қилмоқдалар.

Афсуски, тақдир Анвар аканинг ўғли милиция катта лейтенанти Сайджаҳон Расуловни ҳаётдан бевақт олиб кетди. У ҳам отаси сингари Ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят-қидирав бошқармасида тезкор вакил бўлиб хизмат қилаётган эди. Ота-она учун фарзандидан жудо бўлишдек, оғир мусибат бўлмаса керак.

Милиция подполковниги Анвар ака Расуловнинг юксак даражага етишишида аввало, ота-онасининг катта ҳиссаси бор. Шу билан бирга таълаган касбининг сиру асрорларидан воқиф қилиб, унинг жамики қийинчиликларига кўнишиб, ҳар қандай вазиятда ҳам сабру бардош билан ақлзаковат ҳамда билим-тажрибаларидан фойдаланиб ишлаш зарурлигини эса устозларидан ўрганди. У ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган устозларидан милиция генерал-майорлари И. Саттаров, Ж. Аззамов, В. Тошматов, У. Тожихонов ва полковник Қ. Тошматовларни айтиш мумкин.

Анвар ака билан кўп йиллар мобайнида тенгқур бўлиб, ички ишлар бўлимларида турли лавозимларида фаолият қўрсатган дўстлари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улардан милиция генерал-майорлари Ж. Камолхўжаев, Н. Исмоилов, полковниклар Т. Умаров, Б. Алимов, подполковниклар Т. Жўраев, Т. Бойматов, Ш. Рихсиев ва Н. Мельников каби яна бир қатор ҳамкасларини мисол келтиришимиз мумкин.

Уларнинг кўплари ҳозир оила даврасида. Анвар акадек кексалик гаштини сурмоқдалар.

Анвар аканинг шогирдлари ҳам жуда кўп. Улар доимо устозидан ўргангандан иш тажрибаларидан фойдаланарканлар, Анвар акадан миннатдорликларини қалдан ҳис қилиб юрадилар.

Умрининг кўп қисмини ички ишлар соҳасига бағишлиган, Тошкент шаҳар ИИБнинг асосан Жиноят-қидирав бўлимида фаолият қўрсатган истеъфодаги милиция подполковниги Анвар ака Расуловни раҳбарият жонкуяр ходим,

тажрибали ва қўрқмас изкувар, ўз касбининг фидойиси, ҳақиқий дўст ва қолаверса, ҳурматга сазовор инсон бўлганлиги учун ҳам кўп марта фахрий ёрлиқлар, мукофотлар билан тақдирлади.

Ҳа, Анвар ака тимсолида милиция ходимларининг касбий маҳорати қай даражада бўлишилиги, ушбу соҳа вакилларининг ҳалқ тинчлиги-осойишталиги йўлидаги шарафли ва маъсулиятли фаолияти бекёёс эканлиги намоён бўлади.

Хозирги кунда ва келажакда ҳам Анвар ака Расулов сингари ўз касбининг усталари, тиниб-тинчимас ходимлар, тажрибали, камтарин ва меҳрибон устозларнинг ибратли йўллари ёш ходимларга сабоқ бўлишилиги табиийдир. Истеъфодаги милиция подполковниги Анвар ака Расулов тўғрисидаги ушбу қисқача ҳикоямизга хотима қўяр эканмиз, биз у кишига мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оиласарига тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз.

## ЭЛ ҚИЗИ

Дунёни гўзаллик кутқаради, дейишади. Гўзалликни эса, аёллар асрайди. Бугунги кунда жамият равнақи, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига снг шимариб киришган забардаст Ватан ўғлонлари қаторида назокатли опа-сингилларимиз ҳам елкама-елка туриб хизмат қилаётганини кўриб дилингиз яйрайди. Тўмарис, Нодирабегим каби буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлган замондошларимизнинг жасоратларидан беихтиёр завқланасиз. Шу ўринда, ички ишлар соҳасидек, ўта мураккаб ва масъулиятли соҳада хизмат қилаётган, ўз умрини юрт осойишталигини таъминлаш ва турли хилдаги қонунбузарликларнинг олдини олишга бахшида этган фидойи опа-сингилларимиз ҳам бир талай. Шундай камтарин ва шиҷоатли инсонлардан бири Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходими, милиция подполковниги Жамила опа Юнусовадир.

Жамила опа одатдагидек, эрта тонгдан ишга шошарди. Ногаҳон қаршисида хушбичим кийинган, кўринишидан биноийдек йигит чиқиб қолиб, ҳурмат-эҳтиром билан салом берди.

— Мени танимадингиз-а опа, мен, сиз бир вақтлар кой-иб-койиб, тўғри йўлга солган болалардан бириман. Тўғри,

бунга анча йил бўлди. Аммо эсимдан чиқмагансиз. Рости, сизни кўришим билан, ўша дамлар ёдимга тушди. Сизнинг, «эгри йўлдан боришининг охир-оқибати фақат ва фақат кишининг обрўсига ҳамда яқинларининг номига исноддан бўлак ҳеч нарса келтирмайди», деб айтган сўзларингиз яна бир марта такрорлангандек туюлди, —деб, тўлқинланиб сўзларди ҳалиги йигит. — Опажон, ҳақиқатдан ҳам ўша пайтлар жудаям ўр ва қизиқон бола бўлган эканман. Агар сизнинг насиҳатларингизга қулоқ солмай, ўз билганимдан қолмаганимда билмадим, ҳозир қанақа одам бўлар эдим. Қаранг, вақт шамолдек учиб, ўтиб кетавераркан. Мана, ҳозир менинг ҳам оиласи, ёқтирган касбим ва кўпчилик ўртасида ўз ўрним бор. Қисқаси, ҳаётда йўлимни топиб, сиз қайта-қайта айтганингиздек, кўпчилик сингари ҳалол луқма еб, кун кечираётганимдан мамнун бўлиб яшаяпман. Сизга кўпдан-кўп раҳмат.

Ха, юқоридаги каби тасодифий учрашувлар қаҳрамонимиз Жамилахон Юнусованинг ҳаёти ва иш фаолияти давомида кўп учрайди. Бунинг боиси ҳам бир қарашда оддийдек туюлса-да, аммо гувоҳи бўлганингиздек, илиқ гаплар ва миннатдорчилик изҳорларини эшишишнинг ўзи катта баҳт. Бу эса фақат, бутун умрини эзгукликка баҳшида этган инсонларгагина хос фазилат саналади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг шахсий таркибни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш бўлими инспектори, милиция подполковники Жамила опа Юнусовани ҳам кўпчилик ҳамкасблари ана шундай пок қалбли инсон, меҳрибон устоз ҳамда дилкаш ва самимий дўст сифатида эъзозлашади. Дарҳақиқат, Жамила опа очиқкўнгил, меҳнатсевар ва тиришқоқ ҳодимлиги туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонган.

Бугунги кунда аёлларимиз барча соҳаларда эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозир улар эгалламаган соҳанинг ўзи деярли йўқ. Ватан ҳимоячилари — ҳарбийлар орасида ва ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Улар бу оғир ва машаққатли касбни йигитлар билан тенгма-тенг уддалаб, ҳамиша ҳурматга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Жамила опа 1954 йилнинг 16 нояброда Тошкент вилоятининг Тошкент туманида меҳнаткашлар оиласида дунёга келган. Ота-онаси Умар ака ва Ойша опалар фарзандлари Жамилахон ва Ҳамидуллани оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Икки фарзандининг ҳам келажакда ақлли-хушли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишида ота-онасининг уларни тўғри йўлга бошловчи панд-насиҳатларининг ўрни беқиёс бўлди.

Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугаллаган қалби қайноқ Жамилахон Юнусова Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини кечки бўлимидаги ўқиш билан бирга Яккасарой туман Ички ишлар бошқарма комендатурасида котиба бўлиб ишлади.

1975 йилда эса ўёшлигидан орзу қилган ички ишлар тизимида ишга қабул қилинди. Эгнига милиция либоси яратиб турган ёш ходима дастлаб Бошланғич тайёрлов милиция мактабида иш фаолиятини бошлади. Милиция лейтенанти Жамила Юнусова раҳбарият кўрсатмалари асосида бир қатор лавозимларда хизмат қилди. У 1990-1999 йиллар орагидаги вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори вазифасида хизмат қилиб, билиб-бilmай ножӯя ҳаракат қилган ўсмир-ёшларни тўғри йўлга солиш, уларни такроран жиноят кўчасига қадам босмай, ҳаётида тўғри йўлдан боришида керакли маслаҳатларини бериб келди.

Ж. Юнусова Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Ўқув марказида катта ўқитувчи бўлиб, ички ишлар идораларида хизмат қилишга аҳд қилган кўплаб ёш ўйилқизларга ҳам устозлик қилган.

1999 йил август ойидан то ҳозирги кунга қадар эса, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Шахсий таркиб билан ишлаш бўлимининг Шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмасида инспектор лавозимида сидқидидан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Жамила опа ўз оиласида ҳам суюкли ёр, меҳрибон она, саронжом уй бекаси. Турмуш ўртоғи Собиржон ака билан улар уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Ўғиллари Зойиржон, Носиржон ва Баҳодиржонлар ҳам ота-оналари каби эл корига ярайдиган ақлли-хушли, чин инсонлар бўлиб камол топмоқдалар.

Биз ички ишлар соҳасида кўп йиллардан бўён хормай-толмай фидокорана меҳнат қилиб келаётган тажрибали ички ишлар ходими, милиция подполковниги Жамила опа Юнусова ҳақида яна кўп ёзишимиз мумкин. Лекин сўзимиз ниҳоясида шуни айтмоқчиман. Донолар демишки, «Муҳаббатсиз киши одам эмасдир». Чин муҳаббат эса, фақат тоза кўнгилларга, пок ниятли инсонларгагина насиб этади. Биз оиласига шундай соф муҳаббатли, ўзи севиб, меҳрини бағишилаган, касбига муҳаббатли инсон бўлган Жамила опа Юнусованинг келгуси ишларига ривожлар, оиласиб бахт тилаб қоламиз.

### МУРАККАБ КАСБ МАЛИКАСИ

Ички ишлар соҳасида ўзига хос ва ўта маъсулиятли вазифа зиммасига юклangan Эксперт-криминалистика бўлими мавжуд. Игна билан қудуқ қазищдек ушбу машаққатли хизматда фаолият юритиш кишидан, аввало, шижаот ва жасорат талаб этади. Дарҳақиқат, ушбу бўлим ходимлари содир этилган турли хилдаги жиноий ҳолатларни очиша бор билим ва тажрибаларини ишга соладилар.

Бугунги кунда ана шу мураккаб ва шарафли соҳа ходимлари орасида забардаст хотин-қизларимизнинг ҳам эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб келаётганликлари жуда қувонарлидир. Куйида ана шундай фидоий ва тинибтинчимас ички ишлар ходими, милиция майори Нодира Аҳмедова ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Нодира Аҳмедова мана бир неча йилдирки, пойтахти-мизнинг Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда. У танлаган касбига меҳр кўйиб, ўз устида тинимсиз ишлаши ва тиришқоқлиги учун ҳам кўпчиликнинг ҳурматини қозонган.

Нодира Аҳмедова 1968 йил 27 январда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келди. Унинг болалигидан илм олишга, келажакда замонасининг етук аёлларидан бири бўлишига қизиқтирган инсон, бутун умр ўқитувчилик касбида ёиларга таълим-тарбия бериб келган онажониси Мастура опа бўлганлар. Нодиранинг ҳаётда доимо одамларга яқин ёрдами тегадиган инсон бўлиб камол топишида, кўп йиллардан бўён ҳалқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилиб,

эл-юрган ҳурматига сазовор бўлган отаси Насирулло аканинг панд-насиҳатлари ва кўрсатган йўл-йўриклиари сабабчидир.

Шу боис, ҳар нарсага қизиқувчан, зеҳни ўткир ва интилевчан Нодира 8-синфни битирибоқ, тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. 1985 йилдан эса, 3-бирлашган касалхонада ҳамшира бўлиб ишлаши баробарида, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллый университети) биология факултетининг кечки бўлимидаги таҳсил кўрди. Олий-гоҳни муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассис бир неча йил касалхонада фаолият юритди.

Болалик чорларидан ўғил болалардек қувноқ ва зийрак Нодира 1995 йилдан ўз хоҳиши билан ички ишлар соҳасида хизмат қилиш учун бел боғлади. Уни Чилонзор тумани Ички ишлар бўлими Эксперт-криминалистика бўлинмасига эксперտ-криминалист вазифасига тайинлашди.

Ёш милиция ходими Нодира Аҳмедовага ўша вақтларда эксперт криминалистика бўлимидаги бой тажриба ортирган, ўз соҳасининг билимдонлари саналган кўплаб устозлари яқиндан кўмак бердилар. Улардан, ўша вақтда эксперт-криминалистика бўлинмаси бошлиғи, милиция майори В. Кузнецов, эксперт-криминалист, милиция катта лейтенанти В. Яфаев ҳамда эксперт-криминалист П. Старовойтовларнинг номларини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Нодира опадан айнан ушбу бўлинмада хизмат қилиш хотин-қизлар учун оғир кечмайдими деб сўраганларида, у доим, иккilanмай, «агарда ҳар бир инсон ўзи севган соҳасига жон дилдан қизиқса ва ҳамиша олдинга қараб интилиб яшаса, ўйлайманки, унга ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди. Бизнинг хизматимиз мисолида эса, устозларим кўп бора таъкидлаганидек, ЭКБ ходими воқеа жойга чиққанда энг муҳими ҳеч қаҷон ва ҳеч нарсадан қўрқмаслиги зарур», – дей жавоб берадилар.

Ўз устида ишлаб чарчамайдиган, доимо олдга интилевчан Нодира Аҳмедова хизматни давом эттириш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академиясига сиртдан ўқишга кириб, 2001 йилда муваффақиятли тугатди.

Раҳбарият унинг берилган топшириқларни ўз вақтида ва аъло даражада бажариб келаётганилиги, бурчига садоқатли ва фидоийлигини ҳисобга олиб, юксак ишонч билдириди

ва кўп йиллардан буён ўзи сидқидилдан меҳнат қилиб, етарли тажриба ва билим ортирган эксперт-криминалистика бўлинмасига бошлиқ этиб тайинлаши.

— Эксперт-криминалист бўлинмаси ходимининг вазифаси жуда-жуда жиддий ва маъсулиятлиdir. Жиноят содир этилган жойга тезкор-тергов гуруҳи вакиллари билан етиб келганидаёқ, аввало, эксперт-криминалист ҳар бир нуқтага диққатини жалб этади, — дейди Нодира опа. — Қолдирилган изларни обдон ўрганишга киришади. Даилий ашёларни синчковлик билан текширувдан ўтказади. Чунки топилган ҳар қандай буюм ёки изларнинг жиноятга дахлдор эканлигини аниқлаш уни очишдаги биринчи ва энг муҳим қадамдир. Тажрибада эксперт-криминалистика бўлинмаси ходимлари томонидан жиноятчиларнинг биргина бармоқ излари орқали кўплаб жиноятлар иссиғида очилган. Тўғриси ни айтсан, ана шундай кезларда ходимларимизга ёрдамиз текканидан хурсанд бўлиб кетаман.

Хизмат жараёнлари ҳар гал турлича ўтади. Лекин баъзида кўз олдингда намоён бўлиб турган воқеалардан таъсирланиб ҳам кетасан киши. Айниқса, инсон қалбини ларзага солувчи қотиллик жинояти содир этилган жойларга чиққанимизда бирмунча бу ҳолат оғир кечиши мумкин. Шундай кезларда менга тиббиёт соҳасидаги билим ва тажрибаларим кўл келиб, ўзимни йўқотиб қўймасдан вазифамни адо этишда давом этаман.

Нодира опанинг укалари Саъдулла ва Зиёдулла опаларининг изидан бориб, ҳозирги кунда ички ишлар тизимида хизмат қилиб келишмоқда.

Нодира опа ўз оиласида меҳрибон она. Жондан азиз фарзанди Шаҳриёрни ҳам келажакда эл-юрт корига ярайидиган, комил инсон бўлиб етишишини жуда-жуда истаб яшайди.

Нодира опанинг келажакдаги орзулари бисёр. Биз уларга орзулари албатта, рўёбга чиқишида омадлар тилаб қоламиз.



## МАНГУ ХОТИРА

Мардлар бор, то ҳануз яшнайди башар,  
Ватан деб күксини қалқон тутгандар.  
Улар ёдимизда биз билан яшар,  
Ватанга жонини қурбон қилганлар.

## ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

1997 йилнинг 2 декабря Шайхонтохур тумани Ички ишлар бошқарманинг “Камолон” маҳалласи (участка вакили) профилактика катта инспектори, милиция капитани Наил Валиулин хавфли жиноятчилар билан олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Орадан олти йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо «Камолон» маҳалласи жасур участка вакилининг номини катта эҳтиром билан ёдга оладилар. Наил ака уз ишининг устаси, тажрибали ва билимли ходим эди. Топшириқларни ўз вақ-

тида сидқидилдан бажарар, ўз устида ишлаб, билмаган нарсаларни ўқиб-ўрганиб олишга ҳаракат қиласарди. У умрини ушбу масъулиятли ва шарафли касбга бағишлаган эди.

Милиция сафига эндиғина қадам қўйган ёш ходимларга Наил ака мураббийлик қиласарди. Уларга ҳақиқий милиция ходими қандай бўлиши кераклиги, унинг қандай ишлаши лозимлигини уқтиради. Айниқса, одамлар билан ҳар доим хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш зарурлигини кўп бора таъкидларди. Шогирдларига ҳар қандай вазиятда ҳам ҳушёр туришликни, фақат қонун доирасида иш кўриш зарурлигини тушунтиради.

— Участка вакили ўз маҳалласини ва унда истиқомат қиласиган аҳолини яхши билиши керак, — дерди Наил ака. Шу боис, хизмат қиласиган ҳудудда бирор шубҳали шахс пайдо бўлса, дарҳол суриштириш лозим.

Сокин тун. Ҳамма осуда уйқуда. Фақатгина тунги хизматдаги милиция ходимларигина мижжа қоқмасдан ўз ҳудудларида айланниб юришибди.

Наил ака шогирди, милиция старшинаси Абдурашид Тиркашов билан атрофни кўздан кечирарди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган рестораннынг эшиги ёнида турган оқ рангли «Жигули» ходимларнинг диққатини ўзига тортиди. Айнан шу автоуловни кундузи ҳам кўрган Наил ака, унинг ярим кечагача жойидан жилмаганидан шубҳаланди. Осоишталик посбонлари маҳаллага ҳам, ресторан хизматчиларига ҳам тегишли бўлмаган нотаниш машинанинг бу ерда қолдирилгани билан қизиқишиди. Автоулов ичида ўтирган уч киши шубҳали кўринарди. Инспекторлар зийраклик билан автомашинага яқин келдилар-да, ҳужжатларини кўрсатишларини сўрадилар. Аммо бу нотаниш шахсларда тайинли бир ҳужжатлари топилмаганлиги сабабли, уларни ўзлари билан бирга боришларини талаб қилдилар. Улардан бири машина эшиклари кулфланмаслигини айтиб, ўз шериклари қайтгунича кутиб туришини илтимос қилди. Шундай қилиб, милиция ходимлари улардан иккитасини ўз пунктлари томон бошлади.

Бемаҳалда бу ерларда нима қилаётгани тўғрисида бирор жўяли гап айтольмаса-да, ўзларини бамайлихотир кўрсатишга уринаётган бу кимсалар ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмадилар. Вазият чигаллашаётганидан таажжубга тушган

Наил ака нотаниш кимсаларни хонада қолдириб, Тиркашов Абдурашид билан машинани күздан кечириш учун бордилар.

Машинада қолган ҳалиги киши милиционерларнинг келаётганини гира-шира чироқлар ёруғида кўриб, безовталаанди. Қўлига қурол олиб, отишга тайёрланди. Унинг бу хатти-ҳаракатини кўрган Наил ака ҳам қуролини филофидан чиқариб, Тиркашовга эҳтиёт бўлишни, имкон қадар ўзини четроққа олишини буюрди. Шу пайт машинадан ўқ узилди. Хонада қолган икки шахс ҳам фурсатни бой бермай шерикларига ёрдамга югурди. Ўртада отишма бошланди.

Кетма-кет отилган ўқлардан иккитаси Наил акага тегди. У оғир яраланган бўлса-да, жиноятчиларни қўлга олиш учун ҳаракат қилди. Жиноятчилардан бири қўлига граната олиб, посбонлар томон улоқтириш учун ҳозирлангаётганида Наил ака жон-жаҳди билан унга ташланди. Афсуски, ана шу дамда қаттиқ портлаш юз бериб, Наил ака жиноятчилардан бирининг сёғидан тутганича ерга йиқилди.

Орадан кўп фурсат ўтмай воқеа жойига тезкор гуруҳ ходимлари ва «Тез ёрдам» машинаси етиб келди.

Қоронгу кўчалар бўйлаб қочиб кетган жиноятчилардан бири қўлга олинди. Яна бири эса, портлаш оқибатида, танаси ҳар ёнга сочилиб кетган шеригининг ёнида турар, жароҳат олганлиги сабабли қоча олмаганди.

Хавфли жиноятчилар билан бўлган олишувда оғир яраланиб, кўп қон йўқотган милиция капитани Н. Валиулин касалхонага етмасдан «Тез ёрдам» машинасида ҳаётдан кўз юмди.

Наил аканинг матонати туфайли ушбу олишувда тинч аҳолига ҳеч қандай зиён етказилмади. Жиноятчи агар гранатасини улоқтиришта ултурганида, аҳоли яшаётган кўп қаватли бинога шикаст етиб, кўпчилик қурбон бўлиши мумкин эди. Буни яхши тушуниб, кўксини қалқон қилган жасур маҳалла нозири ўз шогирдини ҳам қутқариб қолди.

Ҳар доим ўз бурчини аъло даражада бажаришга одатланган Наил ака ўзи чалажон ётган бўлса-да, қўлидаги қуролини ёрдамга келган тезкор гуруҳ ходимларига бермай, уни қаттиқ қисиб олганди. Шунда, яраланган шогирди Абдура-

шид Тиркашов келиб, «Наил ака, бу мен Тиркашовман» деганидагина, у охиста бармоқларини очиб, түппончасини берди ва ҳушидан кетди.

Жасур ходим, пок қалбли дүст, самимий инсон милиция капитани Н. Валиулин қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Тошкент милицияси шахсий таркиби қадрдон сафдошидан, матонатли ходимдан ажралиб қолди.

Бутун умрини милиция хизматига бахшида этган бу инсон иш фаолияти мобайнида кўп марта хавфли жиноятычилар билан тўқнаш келди. Ҳар биррида ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да қонунбузарларни тутишга эришар эди.

Наил ака хизматиги мобайнида эл осойишталигини, жамоат тартибини сақлаш, жиноятычиликнинг олдини олиш борасида жуда салмоқли ишлар қилди.

Милиция капитани марҳум Наил Валиулин вафотидан сўнг «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Наил ака 1949 йил 2 сентябр куни дунёга келган. Ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини босмахонада бошлиди. У ёшлигидан қонун посбони бўлишга қизиқар, бўш вақт топди дегунча маҳалла участка вакиллари билан бирга юриб навбатчилик қиласарди. Жисмонан бакувват, интизомли Наилни милиционерликка ишга таклиф этишганда орзусига етишганидан боши осмонга етди.

Наил Валиулин 1979 йилда маҳсус милиция мактабини тугаллаганидан сўнг раҳбарият уни шаҳримизнинг энг катта туманларидан бири бўлган Шайхонтоҳур туманига участка вакили этиб тайинлади. Наил ака қаерда хизмат қиласин, ўша ерда албатта, тартиб-интизомни йўлга қўяр, маҳаллий аҳоли ўргасида эътибор қозонар эди.

Н. Валиулин ўз оиласида ҳам севимли ёр, меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи Валентина опа билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказаётганди.

Ҳозирда ўғли Нури ҳам ота изидан бориб, милиционерлик касбини таҳлаган. У ҳам Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимида фаолият қўрсатиб келмоқда. Катта муҳандис, милиция катта лейтенанти Нури Валиулин тезкор алоқачилар гуруҳида хизмат қилмоқда. У ҳам отаси каби ўз вазифасига масъулият билан қарайди.

Синглиси Лейла ҳам халқ хизматида. У Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи клиникасининг урология бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайпти.

Ҳа, Наил аканинг номи ўчмади. Ҳозирга кунда унинг ишларини фарзандлари, дўстлари ва шогирдлари давом эттиришмоқда.

Номи ҳамиша барҳаёт Наил ака ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр шеърий сатрлар қуилилиб келаверади...

Орзулари рӯёб бўлган ботир ўғлон,  
Зукколигу огоҳликда хушёр ўғлон,  
Ўз бурчига содик қолиб, бўлди қурбон.  
Фидоийлик намунангиз унутмас эл,  
Рұҳингиз шод бўлсин бугун, жасур Наил!

Эъзоз этган сафдошларнинг ёдиdasиз,  
«Устоз» деган шогирдларнинг ёниdasиз,  
Маслакдошсиз, гёй ҳар бир онидасиз.  
Умрларга якун бўлиб ўтар ой, йил,  
Сизни сира унутмаймиз жасур Наил!

Кўз ёш тўкар, сизни эслаб рафиқангиз,  
Хаёлида ҳаётдайсиз, зор келсангиз,  
Суратингиз қўлдан қўймас набирангиз.  
Ота қони томирида ўглингиз ҳам,  
Ишингизни давом этиб, борар илдам.

Ғанимларнинг ниятлари ўнмас, аммо,  
Сиздайлар бор, токи улар олар жазо,  
Ҳақиқат-чун курашганлар ўлмас асло.  
Мард эдингиз, садоқатли ҳамда софдил,  
Юрт тинчлигин – Бахт деб билган, посбон Наил!

## СИЗНИ СЎРАБ КЕЛДИК

Инсон ҳаётининг мазмунли кечиши, ҳаётнинг паст-баландини англаб, қийинчиликларни енгиб ўтиши иродасига, сабр-бардошга боғлиқдир. Умр эса ҳар бир инсон учун Оллоҳнинг инъоми. Пешонага одамнинг қисматини олдиндан ёзиб қўяр балки.

Аммо кимнингдир ҳаёт йўли қисқа, кимга эса узун қилиб ёзилган бўлса-да, фақат инсоннинг ўзигина кечган кунларининг нақадар мазмунли ва ибратли бўлишига сабабчи бўлади.

Ушбу ҳикояда ана шундай ибрат бўлгувчи, чақмоқдек умр кечирган бир инсоннинг ҳаёт йўли ҳақида қисқача бўлсада ёзмоқни истадим. Бинобарин, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл патрул хизмати ходими, милиция каттта сержантни, марҳум Баҳодиржон Музаффаровнинг босиб ўтган қисқа умр йўли кўпчиликка ибрат бўлгулиkdir.

Баҳодиржон Тошкент вилоятининг бугу-роғларга бурканган сўлим Қиброй туманида 1968 йилнинг 10 февралида дунёга келди. Отаси Мусаввар aka ва онаси Шарифа аялар барча фарзандлари қатори Баҳодиржонга ҳам чексиз меҳр бериб вояга етказишиди. Шу сабабли Баҳодиржон ақлли-хушли, табиатан оғир, хушфеъл ва меҳрибон инсон бўлиб улгайди. У болалик ҷоғлариданоқ, ҳалқ осо-йишталиги, эл-юрт тинчлигини таъминловчи шарафли касб — милиционерликка қизиқди. Мактабни битиргач, ҳарбий хизматга жўнади. Баҳодиржон Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтганидан сўнг, яқинларининг розилигини олиб, болалик орзуси — ички ишлар соҳасига ишга кирди.

Ота-онасининг орзу-ҳаваси рўёбга чиқиб, келин тушириди. Баҳодиржон ўрготи Фазилатхон билан аҳил-иноқликда кун кечирардилар. Бирин-кетин ҳаётларининг мазмунига, қувончу-шодлик келтирган ширин-шакар қизлари Хуршида, Мафтуна ва Шаҳнозалар дунёга келди. Ушбу баҳтиёр оиласга ҳамма ҳавас билан қаради.

Баҳодиржон айни чорда ИИББ ЙПХ бўлинмасида хизматини давом эттирас эди. У ўз касбини яхши кўргани учун ҳар доим маъсулият билан меҳнат қилди.

Ўша мудҳиш воқеа юз берган 2000 йилнинг 24 октябр куни кечаси Баҳодиржон ўз белгиланган масканида хизматда эди. Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб келаётган бир автоулов инспекторнинг диққатини ўзига тортиди. Баҳодиржон Музаффаров ушбу автоулов ҳайдовчи-сига тўхташ ишорасини кўрсатди. Аммо спиртли ичимликка тўйиб олиб, машина бошқариб келаётган ҳайдовчи тўхташ ўрнига Баҳодиржонни уриб юборди...

Ўз бурчини ўташ чогида бундай қоидабузарликларнинг олдини олмаслик нечоғлиқ ёмон ҳолатларнинг келтириб чиқариши мумкинлигини билган, автоуловни ўз вақтида тўхтатиш зарурлигини тушунган Баҳодиржон бевақт ҳаётдан кўз юмди. Юз беражак кўнгилсизликни олдини олишга уринган йигит ҳалок бўлди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ЙПХ инспектори, милиция катта сержантি Баҳодиржон Музаффаров бугун орамизда йўқ. Яқинлари, ёр-дўстлари, фарзандлари ва сафдошлари қалбida унинг ёрқин сиймоси мангу қолади. Охиратинг обод, руҳинг шод бўлсин.

Умр оқар дарёларга қиёс экан,  
Кун ўлчовли кимга кўпу, ё оз экан,  
Бевақт ўлим, афсус баъзан пешвоз экан,  
Юрт ўглони Баҳодиржон энди қайдা?  
Шундай йигит яшаганди шул Қибрайды...

Нури дийдам ўғлим, дея онанг йиглар,  
Йўқ деган ўй-алам қилар, дилинг тиғлар,  
Эй мард йигит, Сиздайларга эл бош эгар,  
Бурчин ўтаб, ҳалок бўлди хизмат жойда,  
Жасур ходим яшаганди шул Қибрайды!...

Дарвозадан келса боқар қизларига,  
Баҳодирнинг ортда қолган изларига  
«Дадажон» деб мўлтирайди кўзларига,  
«Айтинг ойи, айтинг буви, дадам қайдা?!»  
Шундай ота яшаганди шул Қибрайды...

Тоғимиз, деб суянарди сенга ёринг,  
Бахтили дамлар бўлган экан, сенинг боринг,  
Барча бугун соғинишар, йўқ дийдоринг,  
Сен-ла сурган хаёллари учди ойга,  
Бир азиз ёр яшаганди шул Қибрайды...

Бу айрилиқ айтиларкан тақдир дебон,  
Она юрт ҳеч унутмагай сизни бир он.  
Алпомишдай мард бўлгансан Баҳодиржон,  
Жасур ўглон яшаганди шул Қибрайды,  
Шундай ходим яшаганди шул Қибрайды...

## «УЛ САМИИЙ НИГОХ ҚАНИ?!...»

2000 йилнинг куз фаслида пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида мудхиши жиноят юз берди. Оқибатда Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимларидан бири, туман Ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори, милиция лейтенанти Воҳиджон Атамуҳамедов мардларча ҳалок бўлган эди.

Кундуз соат тахминан ўн бирлар. Ўз хизмат ҳудудларида айланиб юрган профилактика инспекторлари назарида «Нурафшон» кўчаси бўйлаб бораётган икки нафар нотаниш кимсаларнинг ҳаракати шубҳалидай туюлди. Ҳалиги икки йигит гоҳ у томон, гоҳо бу томон аланглаб боришар, кимнидир қидираётган кишилар сингари безовталанардилар. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир кексаю ёшни яхши таниган ва ҳатто кўпчиликнинг қаерда, ким бўлиб ишлашигача яхши биладиган профилактика инспекторлари бетона кишиларнинг нима мақсадда бу ерларда юрганлиги билан қизиқдилар. Уларнинг яқинига бориб, ўзларини таништиргач, ҳужжатларини кўрсатишларини сўрадилар. Аммо шу пайт ҳалиги йигитлар саросимага тушиб, нимадандир безовталана бошлади. Бундай вазиятларда ҳушёрлик билан иш тутиш зарур. Ўз белгиланган ҳудудларида кезиб юрган ушбу номаълум кимсаларнинг аслида нима мақсадда келганликларини аниқлаш посбонларнинг вазифаси. Шу боис, уларни хизмат хоналарига олиб бориш лозим эди.

Воҳиджон эндиғина машинани ўт олдираётган эдиямки, ён ўриндиқда ўтирган ҳалиги йигитлардан бири чўнтағидан тўппонча чиқариб унга икки маротаба ўқ узди. Кўз очиб юмгунча ўтган қисқа фурсат оралиғида содир этилган ҳужум оқибатида Зоҳиджон қип-қизил қонга бурканганича беҳуш ётарди. Уни зудлик билан касалхонага олиб бордилар. Афсуски, кўп қон йўқотган Воҳиджоннинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмади.

Милиция лейтенанти Воҳиджон Атамуҳамедовнинг ёш жонига қасд қилган ғаламислар қўлга олиниб, уларнинг аслида наебатдаги гаразли режаларини амалга оширмоқлик мақсадида ушбу ҳудудга келганликлари аниқланди. Аввал ҳам бир неча бор жиноий ҳаракатлари учун жазога

тортилган бўлсалар-да, аммо ҳанузгача ўзларига тўғри йўлни танламаган ушбу жиноятчилар тегишли жазосини олди. Аммо...

Мард ва фидоий инсон милиция лейтенанти Воҳиджон Атамуҳамедов бевақт ҳалок бўлди. У ўз юртимизнинг ҳақиқий ўғлони эди. Афсуски, унинг умри бир гумроҳ туфайли ҳазон бўлди.

Воҳиджон 1974 йилнинг 12 ноябр куни Тошкент шаҳрининг Дўмбиробод маҳалласида туғилди. У оиласада тўнғич ўғил бўлгани учун ота-онасига доимо қанот бўлишга интиларди. Ўз ўрнида отаси Боқижон aka ва ойиси Мапура опалар ҳам Воҳиджонга суюнишар, унинг келажагидан умидлари катта эди.

Воҳиджон ўрта мактабни муваффақиятли битириб, Тошкент Автомобил-йуллари олийгоҳига ўқишга кирди. Ўқишни тугаллаганидан сўнг, ўзи орзу қилган ички ишлар соҳасига ишга ўтди.

Хизмат либоси ўзига ярашиб турган ёш лейтенантни раҳбарият Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори этиб тайинлашиди.

Воҳиджон Атамуҳамедов тиришқоғлиги ва вазифасига сидқидилдан ёндашганлиги туфайли тез орада ҳамкаслари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Берилган ҳар қандай топшириқни ўз вақтида ва аъло даражада бажаришга одатланган Воҳиджон ўз худудини сергаклик билан назорат қилишга ҳаракат қиласди.

У оиласада меҳрибон ота, севимли ёр эди. Ўғилчаси Зоҳиджонни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Рафиқаси Диломромхон билан ҳар доим бир-бирларини тўғри тушуниб, аҳиленоқ яшардилар.

— Тurmush ўртоғим, кўнгли очиқ, самимий ва жудаям камтарин инсон эдилар. — хотирлайди Диломромхон. — Ишдан чарчаб келсалар ҳам эшикдан кириши биланоқ, отоналарининг ҳолидан хабар оларди. Ўғилчасини кучиб, у билан ўйнаб ўтиришни хуш кўрардилар. Агарда кеч қайтган пайтларида Зоҳиджон ухлаб қолган бўлса, мендан унинг кун бўйи нималар қилганилиги ёки қандай гапларни гапирганлигини эринмасдан сўрардилар. Хизмат кийимларини жуда озода кияр, умуман, ҳар бир ишни аниқ-равшан қилиб

бажаришга одатлангандилар. Гожида чарчаб қайтганилари шундоққина юзларидан билиниб турса-да, аммо ҳечам хизматимиз оғир деб айтмасдилар.

Бугун ҳамкасбимиз, юртнинг жасур ўғлони, милиция лейтенанти Воҳиджон Атамуҳамедов орамизда йўқ. Аммо унинг ёди ҳамиша биз билан.

Ҳозирда унинг укаси Боситжон Атамуҳамедов ҳам акаси танлаган касбни танлаб, ички ишлар тизимида хизмат қилиб келмоқда.

Эл осойишталиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ўғлон, милиция лейтенанти Воҳиджон Атамуҳамедов ўлимидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан юксак мукофот, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Ҳар чоғ баҳор борлиқ тўлар чечакларга,  
Малҳам бугун танҳо ёдинг юракларга,  
Ўғлинг илҳақ сен тўғрингда эртакларга.  
Фарзанд учун азиз, улуғ паноҳ қани,  
Мағрур боққан ва самимий нигоҳ қани?!...

Ота-онанг қалби яра, э воҳ не ҳол?  
Кечагина мурғак эдинг ниҳол мисол,  
Рӯёларга айландингми етиб камол.  
Эндинга улгайганда кўзларда ёш,  
Эҳ, нечора айрилиққа берарлар дош.

Самоларга боқиб хаёл сўрар эдинг,  
«Бахтим» дея, рафиқангни сур эдинг,  
Кўзларида чин муҳаббат туяр эдинг.  
Афсус, қанча соғ орзулар армон экан,  
Эзилган бу дилни яна тирнар тикан!

Ғаламислар юзи қора, қўллари қон,  
Уларда на ор-номус бор, на бор виждон.  
Ёмонликдан ким топибди барака, шон.  
Лек яхшилар борлигидан бордир башар,  
Сендеқ мардлар эл ёдидага мангу яшар!

## «КЎКСИ ҚАЛҚОН, ПОСБОН БОЛАМ»

Бу фоний дунёда кимнингдир орзу-умидлари ушалади, кимларгадир армон бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам бу ёргу дунёни армонли дунё деб аташади.

Армонли дунё. Ота-онасининг суюнган тоги, бири-бидан ширин ўғил-қизларининг меҳрибон дадажониси, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган суюкли ёрининг ишонгани, юртнинг жасур ўғлонларидан бири, мархум Абдужамил Бойжоновнинг ҳам утли, ёш юрагида қанчадан-қанча ширин орзулари ушалмай қолди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Пост-патруль хизмати бригадаси ходими, милиция сафдори Абдужамил Бойжонов ёш бўлишига қарамай, ўз танлаган касбига чинакам меҳр боғлаган, жонкуяр ва фидойи ходим эди.

Абдужамил болалик чоғларидан ички ишлар идораларида хизмат қилиш орзусида эди. Шу сабаб ҳарбий хизматни ўтаганидан сўнг, кўп ўйлаб ўтирумай, эл-юрт осо-ишишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли ва ўз ўрнида шарафли касбни эгаллади.

Абдужамил ҳамкаслари ва бошлиқлари орасида зиммасига юклатилган ҳар қандай топшириқни ўз вақтида масъулиятни ҳис этган ҳолда бажариши билан тез орада обрў-эътибор қозонди.

2000 йилнинг январи, ҳаво совуқ. Абдужамил Бойжонов ҳар доимгидек ўз вақтида хизмат жойида ҳозир бўлди. Одатдаги саф кўригидан сўнг ходимлар белгиланган ҳудудларига йўл олишди. Абдужамил Акмал Икромов боғи йўналишида йўл-патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун тайинланди. Навбатчиликни ўтаётган ҳар бир ходим ўз вазифасини яхши билар, хушёр ва зийрак эдилар. Шу маҳал алоқа воситаси орқали шошилинч хабар берилди. Унда қидирувда бўлган бир «Тико» русумли автомобил улар томон келаётганлиги тўғрисида хабар етказилди. Милиция ходимлари машина ҳайдовчи-сига тўхташ тўғрисида ишора қилишсалар-да, у ҳаракатни давом эттириди. Шундан сўнг, ходимлар унинг изидан қувлашди. «Тико» таъқибдан қочиб, боши берк кўчага кириб қолди. Кўзлари қонга тўлган аламзада қочоқлар милиция

ходимларига ўқ уза бошладилар. Посбонлар ўзларини четга олиб, уларни назардан қочирмасликка ҳаракат қилишарди. Аммо жиноятчилардан бири автомобильда түппа-түгри Абдужамилнинг устига бостириб кела бошлади ва бир йўла ўқ узиб, унга оғир жароҳат етказди. Ҳавфли жиноятчилар билан бўлган ушбу қуролли тўқнашувда жароҳати туфайли кўп қон йўқотган Абдужамил Бойжонов воқеа жойида ҳалок бўлди. Қуролланган жиноий тўда эса қўлга олинди. Ўз хизмат бурчини ўтаётуб, бир неча нафар ҳавфли жиноятчилар билан олишувда мардларча ҳалок бўлган жасур ички ишлар ходими, марҳум Абдужамил Бойжоновни ҳамкаслари, ёр-дўстлари миннатдорлик ва соғинч билан эслайди. Унинг номи Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг ҳовлисида барпо этилгани «Хотира ва қадрлаш мажмуаси»даги ёдгорлик тошига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Юртимизнинг фахрли ўғлони Абдужамил Бойжоновни ёдга олиб, у ҳақда ёзиш мақсадида у туғилиб ўсган маскани – Тошкент вилоятининг Тошкент тумани, Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигида жойлашган Гулистон маҳалласига йўл олдим.

Мўъжазгина хонадон. Мени илиқ қарши олган Абдужамилнинг онаизори Замира аянинг кўзлари ёшланди. Ая билан бирга марҳум жигарбанди хотирасини ёдга олдик.

– Ўғилгинамнинг орамизда йўқлигига ҳамон ишонмайман. Шундоққина кўз олдимда унинг сиймоси кўринаверади. У ҳар доимидек самимий табассум билан мен томон қараб тургандек бўлаверади. Абдужамилим болалигидан орзу қилган касбни эгаллаганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Унинг милиция либосини кийганига эндингина бир ярим йил бўлганди. Афсус, болажонимнинг умри жуда қисқа экан. Ўғлим бизларга жуда меҳрибон, ширинсўз ҳокисор йигит эди...

Абдужамил келиним Дилоромхонни ҳурматини жойига қўярди. Аҳил-иноқ эдилар. Ўғли Аббосжонни ва ўшанда эндингина уч ойлик чақалоқ бўлган қизалоги Зилолани жонидан ҳам ортиқ суряди. Ҳизматдан қайтиши билан болаларини бағрига босиб, эркалаб тўймасди...

Абдужамилни сўнгти бор ишга кузатган қунни сира унумайман. Уни ишига кузатаётуб, юртимиз тинчлигини, ўғилгинамни хизматдан эсон-омон қайтишини Оллоҳимдан

сўраб, дуо қилиб қолардим. Ўша куни ҳам иш билан маш-фул бўлсам-да, ҳар галгидек дуо қилдим. Бир маҳал оёқ кийимларини кияётган Абдужамил мен томонга ўгирилиб қараб, «Ойижон, нега ҳар куни айтадиган гапларингизни айтмаяпсиз?» деб қолди. Шунда мен ҳайрон бўлиб, болам нега ундан дейсан. Мен ҳамиша яратгандан сизларнинг ум-рингизни, соғлиғингизни сўрайман. Қаерга кетманлар, эсон-омон қайтишларингни тилаб ўтираман. Абдужамил шундан сўнг бир жилмайиб қўйди-да, хайрлашиб, дарвоза-дан чиқиб кетди. Мен бўлсам унинг гапларидан бошқача бўлиб кетдим ва негадир ортидан югуриб чиқдим. Бу орада Абдужамил автобус бекатига яқинлашиб қолган эди. Бир маҳал у ҳам менга ўгирилиб, бир муддат қараб қолди. ... Эй воҳ, кейин билсам, бу ўғилгинамнинг энг сўнгги бор мен-га тикилган меҳрли ва видолашув нигоҳи бўлган экан. Болам раҳматли ўша пайт менга нимадир демоқчи бўлгандир. Унинг юраги хавф-хатарни олдиндан сезганмикан. Шу са-баб ҳамки у менга ўгирилиб, «Болаларимни эҳтиёт қилинг, Онажон. Улар қийналмасин, кўнгиллари ўксимай улғайсин», — демоқчи бўлгандир...

Раҳматли ўғлим ҳаётлигига сұхбатлашиб ўтириб, «Она-жон бизларни бошқа жойга кўчирдим деб ўйламанглар. Мен шу ерда яшайман. Насиб қилса, ана шу ҳовлимиznинг тўри-дан иморат солиб, укам Тойиржон билан битта ҳовлида аҳил-иноқ яшаймиз. Сизларга ҳар доим ўзимиз қараймиз. Нимаики хизматларингиз бўлса келинингиз ва неварала-рингиз билан ўзимиз бажарамиз», деган эди.

Ўғлим ана шундай ақлли-хушли, кўнгли очиқ йигит эди. Опа-сингиллари Ръяно ва Фотималарни яхши кўрар, уларга жуда меҳрибон эди. Ўғилчаси Аббосжон катта бўлиб қолди. Гоҳида дадасини сўраб, йиглаб қолганида нима де-йишни ҳам билмай, унга қўшилиб кўз ёш тўкамиз...

Ўғилгинам тушларимга кириб чиқади. Ўнгимда бўлса, худди ёнимда юргандек туюланеради. У билан гаплашаман, соғинганимни айтаман. Абдужамилимдан икки фарзанд ёдгорлик бўлиб қолди. Илоё уларнинг бошлари тошдан бўлсин. Эзилган юрагимга фақат шулар малҳам бўлади. Уларга қараб овунаман.

Тақдир экан, Абдужамилимдан айрилиб қолдик. Аммо унинг чеҳраси, юриш-туриши кўз олдимдан бир зум нари

кетмайди. Овози қулоқларим остида эшитилиб туради. Ол-лоҳим болажонимни ўз раҳматига олган бўлсин. Жойингда тинч ётгин, азиз болажоним!...

Қалблари изтиробга тўлиб-тошган онаизорнинг ҳолати менга таъсир қилди. Кўзларимга ёш келди. Онаизорнинг Абдужамил тўғрисида айта олмаган, кўзларидан шашқатор ёш бўлиб оққан дардини шеърга солдим:

Иқболингни кўрмоқ эди орзуларим,  
Чеҳрагинанг кўз олдимда жоним болам.  
Ишонмайман йўқлигингта, ёнар қалбим,  
Суратингга термуламан айтиб нолам.

Мурғак жонинг ширин бўлиб кўринмади,  
Ғанимлар-ла олишувда енгилмадинг,  
Мардлар билар, Она Ватан, Бурч нимадир,  
Улар борки, адолат бор мангу олам.

Ҳар тонг чоғда хонанг томон нигоҳ ташлаб,  
«Ишта бор», деб уйғотмоққа ўзим чоғлаб,  
Кўкка учиб хаёлларим, кўзим ёшлаб,  
Афсус, яна суратингдан топгум малҳам.

Охиратинг обод бўлсин, энди болам,  
Қабринг узра гуллар унсин тинч ёт, болам.  
Фарзандларинг камолидан кўнглинг тўлсин,  
Овутаяпман, сен гўёки тирик болам.

Сендеқ мардлар борлиги чун омон Ватан,  
Шу Ватандан айирмасин, пайваста тан.  
Ўғлонлар бор, тинч яшагай халқимиз ҳам,  
Дуо қилдим жойингда тинч ётгин болам.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Кишинга айланган билагузук .....	4
Ўз мулкининг ўғрилари .....	6
“Фойиб бўлган тақинчоқлар” .....	6
Ижарадаги “Тико” .....	8
Узилмаган қарз .....	10
Ширинсухан фирибгар .....	14
Алдагани гўдак яхши .....	24
Ўрадаги сир .....	25
Тугунчанинг сири .....	27
Оғуга алмашилган тулпорлар .....	30
Тўй тараддути .....	30
Иброҳим билан танишув .....	32
Куёв оши насиб этмади .....	33
Дарё бўйидаги қотиллик .....	35
Самарасиз таклиф .....	35
Жиноий гурӯҳ изидан .....	37
Тўйғизганинг қорнига... .....	38
Бироннинг моли ўзгага .....	40
Сохта мижоз .....	42
Ширакайф ўғрилар .....	45
Топталган тўйгулару ушалмаган орзулар .....	47
Товламачидан мактублар .....	51
Уддабурон тадбиркорлар .....	55
Босқинчи болалар .....	58
Қотил «меҳмон»лар .....	61
Саробга айланган орзулар .....	64
«Омад кувончи» машмашалари .....	69
Калтак етан босқинчи .....	73
«Антиқа» ҳийла .....	75
Яна бир қалтис ўйин .....	78
Насиб этмаган ўложа .....	79
Маккора қиз .....	81
Умрлар бўладики .....	87
Эл қизи .....	91
Мураккаб касб маликаси .....	94

## МАНГУ ХОТИРА

Жасорат унутилмайди .....	97
Сизни сўраб келдик. ....	101
«Ул самимий нигоҳ қани?!...» .....	104
«Кўкси қалқон, посбон болам» .....	107

**САМАРИДДИН ХАЛИЛОВ**

## **КИШАНГА АЙЛАНГАН БИЛАГУЗУК**

Тошкент - «Fan va texnologiya» - 2004

Мұхаррирлар:

*A. Жұра, M. Миркомилов*

Рассом:

*Ў. Шарипов*

Мусаҳихлар:

*M. Мусаева, Ш. Мұхаммедова*

Компьютерда

тайёрловчилар:

*A. Турсынов, X. Саминов*

Босишига 22.03.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Босма табоги 7,0.  
Нашриёт босма табоги 6,65. Адади 5000 нұсха. Буюртма №36.

«Фан ва технология» нашриёти. № 06-04

Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор 171.